


ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ



АХБОРОТ-КУТУБХОНА
ФАОЛИЯТИГА ОИД
СТАНДАРТЛАР
ТЎПЛАМИ

3 - ЖИЛД

18.32
А-95

ЎЗБЕКИСТОН АНУҚА НА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

**АХБОРОТ-КУТУБХОНА
ФАОЛИЯТИГА ОИД
СТАНДАРТЛАР
ТЎПЛАМИ**

218364

“Ўзбекистон маркаси” нашриёти
Тошкент 2008

Нашрга А. Аринов раҳбарлигида гуруҳ тайёрлади:

А. Ходжасв
М. Мухитдинов
А. Илматов
М. Махмудов

Стандартлар матнлари маълумот тарикасида босиб чиқарилган ва расмий нашр ҳуқуқига эга эмас. Ҳужжатларнинг матни расмий нашрлар матни билан тўлиқ мос келади.

ISBN 978-9943-335-03- 5

© "Ўзбекистон маркаси" нашриёти, 2008

МУНДАРИЖА

ГОСТ 7.4-95	Нашрлар. Чиқиш маълумотлари	5
ГОСТ 7.5-98	Журналлар, тўпламлар, ахборот нашрлари эълон қилинадиган материалларни нашриётга оид расмийлаштириш	58
ГОСТ 7.9-95	Реферат ва аннотация	82
ГОСТ 7.14-98	Ахборот алмашиш учун формат ёзувнинг тузилиши	91
ГОСТ 7.19-2001	Маълумотлар алмашинуви учун формат	102
ГОСТ 7.22-2003	Саноатга оид каталоглар, умумий талаблар	185
ГОСТ 7.23-96	Ахборот нашрлари, тузилиши ва расмийлаштириш	193
ГОСТ 7.28-2002	Ахборот алмашинуви учун латин алифбоси символларининг кенгайтирилган тўплами	205
ГОСТ 7.29-80	Магнит тасмаларда ахборот алмашиш учун кенгайтирилган кирилл алифбосини тақдим этиш	225
ГОСТ 7.30-80	Магнит тасмаларда ахборот алмашиш учун грек алифбосининг тақдим этилиши	233
ГОСТ 7.32-2001	Илмий-тадқиқот иши тўғрисида ҳисобот структураси ва расмийлаштириш қоидалари	243
ГОСТ 7.47-84	Ахборот тизмалари дугалари ва атамали маълумотлар учун коммуникатив формат, ёзув мазмуни	269
ГОСТ 7.52-85	Магнит тасмадаги библиографик Маълумотлар билан алмашиш учун коммуникатив формат, хужжатнинг кидирув образи	294

ГОСТ 7.53-2001	Нашрлар. Китобларнинг халқаро стандарт рақамланиши	310
ГОСТ 7.56-2002	Нашрлар. Серияли нашрларнинг халқаро стандарт рақамланиши	316
ГОСТ 7.60-2003	Нашрлар. Асосий турлари, атамалар ва таърифлар	322
ГОСТ 7.61-96	Нашрлар. Давлат (миллий) библиографик кўрсаткичлар, умумий талаблар	375
ГОСТ 7.65-92	Киноҳужжатлар, фотоҳужжатлар ва микропақддаги ҳужжатлар, архивда сақлашга қўйилган умумий талаблар	395
ГОСТ 7.68-95	Фоно- ва видеоҳужжатлар, архивда сақлашга қўйилган умумий техник талаблар	416
ГОСТ 7.69-95	Аудиовизуал ҳужжатлар, асосий атамалар ва таърифлар	433
ГОСТ 7.73-96	Ахборотни кидириш ва тарқатиш, атамалар ва таърифлар	444
ГОСТ 7.81-2001	Нодаврий, даврий ва давомли нашрлар Чикаришни статистик ҳисобга олиш, Умумий қондалар	460
ГОСТ 7.84-2002	Нашрлар муқовалар ва қатин муқовалар	474
ГОСТ 7.86-2003	Нашрлар. Нашриёт аннотациясига қўйиладиган умумий талаблар	481
ГОСТ 7.88-2003	Нашрлар сарлавҳаларида сарлавҳалар ва сўзларни қисқартириш қондалари	489

Д а в л а т л а р а р о с т а н д а р т

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши
бўйича стандартлар тизими**

**Нашрлар.
Чиқиш маълумотлари**

**Стандартиштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича
давлатлараро кенгаш
Минск**

Сўз боши

1 Россия Федерацияси Матбуот бўйича қўмитасининг Россия китоб палатаси томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

Россия Давстандарти томонидан КИРИТИЛГАН

2 Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаш томонидан ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН (1995 йил 26 апрелдаги 7-95-сон баённома).

Қабул қилиш учун овоз берганлар:

Давлат номи (Стандартлаштириш миллий орган номи)

Қозоғистон Республикаси (Қозоғистон Республикаси Давстандарти)

Россия Федерацияси (Россия Давстандарти)

Ўзбекистон Республикаси (Ўздавстандарт)

Украина (Украина Давстандарти)

3 Стандарт «МЭК/ИСО, 3-қисм, 1989 «Составление и оформление международных стандартов» директиваларининг стандартларни тузиш, баён қилиш ва расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар қисмига жавоб беради

4 Россия Федерацияси Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича қўмитасининг 1995 йил 18 октябрдаги 545-сон қарори билан ГОСТ 7.4-95 давлатлараро стандарти 1996 йил 1 июлдан бевосита Россия Федерациясининг давлат стандарти сифатида амалга киритилган.

5 ГОСТ 7.4-86 ўрнига

Д а в л а т л а р а р о с т а н д а р т

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши
бўйича стандартлар тизими

Нашрлар. Чқиш маълумотлари

System of standards on information,
librarianship and publishing.

Publications. Imprint

Жорий этиш санаси 1996-07-01

1 Қўланиш соҳаси

Ушбу стандарт чқиш маълумотларига ҳамда уларнинг матни, нотали ҳамда тасвирий нашрларда жойлаштирилишига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Диссертациялар авторефератлари, норматив-техник хужжатлар учун стандарт чқиш маълумотлари қисмига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Стандарт картографик ва ахборот нашрларига тааллуқли эмас.

Стандарт танкилий-ҳуқуқий структураси, идоровий тегишлилиги ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, ноширлар ва матбаа корхоналари учун мўлжалланган.

2 Норматив ҳаволалар

Ушбу стандартда қуйидаги стандартларга ҳаволалардан фойдаланилган:

ГОСТ 7.1-84 Хужжатнинг библиографик тавсифи. Умумий талаблар ва гуниш қондалари.

ГОСТ 7.5-88 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Даврий ва давомли нашрларда ҳамда нодаврий гуналарда жойлаштириладиган материалларни нашриётга оид расмийлаштириши

ГОСТ 7.9-95 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Реферат ва аннотация. Умумий талаблар

ГОСТ 7.23-80 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Ахборот нашрлари. Тузилиши ва расмийлаштирилиши

ГОСТ 7.51-84 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Каталог ва картотекалар учун varaқчалар. Умумий талаблар

ГОСТ 7.53-86 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Нашрлар. Китобларнинг халқаро стандарт рақамланиши

ГОСТ 7.56-89 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Нашрлар. Серияли нашрларнинг халқаро стандарт рақамланиши

ГОСТ 7.60-90 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Нашрлар. Асосий турлари. Атамалар ва таърифлар

3 Умумий қоидалар

3.1 Чикиш маълумотларининг таърифи

3.1.1 Чикиш маълумотлари - нашрни характерловчи ҳамда уни расмийлаштириш, истеъмолчиларни хабардор қилиш, библиографик ишлов бериш ва статистик ҳисобга олиш учун мўлжалланган элементлар комплекси.

3.2 Чикиш маълумотларининг таркиби, рўйхати ва жойлаштирилиши

3.2.1 Чикиш маълумотларининг таркиби, рўйхати ва жойлаштирилиши нашр турига боғлиқ.

3.2.2 Стандарт билан белгиланган чикиш маълумотларининг ўрнини алмаштирилишига йўл қўйилмайди.

3.2.3 Нашрнинг турли жойларида жойлаштириладиган айнан бир хил маълумотлар ўртасида фарқ бўлишига йўл қўйилмайди, 4–6-бўлимларда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

3.2.4 Нашрнинг барчаси ёки бир қатор томлари (қисмлар, нашрлар, сонлар) учун умумий бўлган чикиш маълумотларининг элементлари улар келтирилган шаклдан фарқсиз равишда келтирилган бўлиши керак.

3.3 Чикиш маълумотларининг асосий элементлари

3.3.1 Чикиш маълумотларининг асосий элементлари қуйидагилар ҳисобланади: муаллифлар ва нашрни яратишда иштирок этган бошқа шахслар тўғрисидаги маълумотлар; нашр сарлавҳаси; сарлавҳа устидаги маълумотлар; сарлавҳа остидаги маълумотлар; чиқувчи маълумотлар, чикиш маълумотлари; тасниф индекслари; халқаро стандарт рақамлари; штрих-кодлар; муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгиси.

3.3.2 Муаллиф номи (исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари ва фамилияси, исми ва фамилияси ёки тахаллуси) муаллиф белгилаган ҳолатда келтирилади.

Муаллиф номи бош келишда келтирилади.

Нашрни яратишда иштирок этган шахсларнинг (тузувчилар, таржимонлар, расомлар, чизмакашлар, фотосуратчилар, тақризчилар, таҳрир хайъати аъзолари, кириш сўзи, кириш мақоласи, хотима, шарҳлар, изоҳлар муаллифлари, муҳаррирлар, корректорлар, тўлдирилган нашрларда матбаа ишлари (бажарувчилари) номлари бажарган ишларининг характери кўрсатилган ҳолда бош келишда келтирилади.

Жамoa бўлиб бажарилган ишларда муаллифлар ва нашрни яратишда иштирок этган бошқа шахсларнинг номлари улар томонидан қабул қилинган кетма кетликда келтирилади.

3.3.3 Нашр сарлавҳаси (4-7 бўлимларга ҳам қар.). Нашр сарлавҳаси муаллиф ёки нашр томонидан белгиланган ёки тасдиқланган кўринишда кўрсатилади.

Нашрни сарлавҳасиз чиқарилишига йўл қўйилмайди.

Нашрнинг барча томлари, нашрлари, соплари учун умумий бўлган сарлавҳа бир хил расмийлаштирилган бўлиши ҳамда титул varaғидаги бошқа маълумотлардан фарқланиши керак.

«Каталог», «Бюллетень», «Ишлар», «Илмий ишлар», «Илмий ёшмаалар» сўзларидан иборат бўлган кам ахборот берувчи сарлавҳалардан фойдаланишига йўл қўйилмайди. Уларга қараткич келишида нашр босиб чиқарилиши учун маъсул ташкилот номи кўпилади.

3.3.4 Сарлавҳа устидаги маълумотлар - нашр сарлавҳаси устида жойлаштириладиган маълумотлар.

Сарлавҳа устидаги маълумотлар нашр турига боғлиқ ҳолда (4-7 бўлимларга ҳам қар.) қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин: номдан нашр босиб чиқариладиган ташкилот номи тўғрисидаги маълумотлар; серия сарлавҳаси; серия нашри сони; серияга асос солинган йил; қуйи серия сарлавҳаси; қуйи серия нашр сони.

3.3.5 Сарлавҳа остидаги маълумотлар - нашр сарлавҳаси остида жойлаштириладиган маълумотлар.

Сарлавҳа остидаги маълумотлар нашр турига боғлиқ ҳолда (4-7 бўлимларга ҳам қар.) қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин: сарлавҳани изоҳловчи маълумотлар; ўқувчи маъзили, нашрнинг мақсад вазифаси, адабий жанри, нашр тури тўғрисидаги маълумотлар; нашрнинг такрорланиши (қайта нашр қилиниши), ишлов берилгани, нашрнинг ўқув қўлланмаси, дарслик ёки расмий нашр сифатида тасдиқланиши тўғрисидаги маълумотлар; асар таржима қилинган матн тили тўғрисидаги маълумотлар ва таржимоннинг номи; тузувчи, маъсул (илмий) муҳаррир, иллюстратор-расом ва безатувчи-расомнинг номлари; таҳрир хайъати тўғрисидаги маълумотлар; кўч томли

нашр мўлжалланган томларнинг сони тўғрисидаги маълумотлар; том, китоб қисмининг тартиб рақами; алоҳида нашр қилинган иловадаги асосий нашр тўғрисидаги маълумотлар.

Қайта нашрнинг тартиб рақами ва томлар, нашрлар, китоблар, қисмлар ва ҳоказоларнинг рақамланиши араб рақамларида келтирилади.

3.3.6 Чикиш маълумотлари куйидагиларни ўз ичига олади (4-7 га қар.): нашр босиб чиқарилган жой, ношир номи ва нашр босиб чиқарилган йил.

3.3.6.1 Нашр босиб чиқарилган жой ноширнинг юридик манзили ҳисобланади.

Агар нашр босиб чиқарилган жой ношир номининг қисми бўлса, бу ҳолда нашр босиб чиқарилган жой кўрсатилмайди.

Ношир бўлинмаси ёки филиали томонидан босиб чиқарилган нашрнинг босиб чиқарилиш жойи ушбу бўлинма ёки филиалнинг юридик номи ҳисобланади.

3.3.6.2 Нашрни тайёрлаш ва босиб чиқарилишини амалга оширувчи юридик шахс ношир бўлиб ҳисобланади. Ношир номи унинг рўйхатга олинмиш вақтида белгиланган шаклда келтирилади.

Ношир бўлинмаси ёки филиали томонидан босиб чиқарилган нашрларда ношир номи, кейин эса бўлинма ёки филиал номи кўрсатилади.

Бир печта ноширлар билан ҳамкорликда босиб чиқариладиган нашрларда ҳар бир ҳамкор-ноширнинг жойлашган ўрни ва номи кўрсатилади.

3.3.6.3 Нашрнинг босиб чиқарилиш йили араб рақамлари билан «йил» сўзи ёки «й» қискартмасисиз белгиланади.

3.3.7 Чикиш маълумотлари (4-7 га қар.) куйидаги маълумотларни ўз ичига олиши мумкин: нашриётчилик фаолияти учун лицензия рақами ва у берилган сана; теринга топшириш ва босиб чиқаришга имзолаш санаси; қоғоз ҳамда варағ улушининг тури, рақами, формати; асосий матннинг прифт гарнитураси; босма тури; партли босма ва ҳисобга олиш-нашриётчилик варақларидаги нашр ҳажми; адади; матбаа корхонасининг буюртма рақами; ношир номи ва тўлиқ почта манзили; матбаа корхонасининг номи ва тўлиқ почта манзили.

3.3.8 Тасниф индекслари (4-бўлимга қар., шунингдек 6-бўлимга ҳам қар.) куйидагиларни ўз ичига олади: УЎТ (Универсал ўнлик таснифлагич) индекси, КБТ (Кутубхоначилик-библиографик таснифлагич) индекси.

3.3.9 Халқаро стандарт рақамлари (4, 6-бўлимларга қар.) куйидагиларни ўз ичига олади: китобнинг халқаро стандарт рақами (ISBN) ва халқаро стандарт серияли рақами (ISSN).

3.3.10 Штрих-кодлар муқова, қалин муқова қопкоғи, супер муқованинг охириги томонида пастдаги чап ёки ўнг бурчакда келтирилиши мумкин. Штрих-кодлар EAN стандартларига мувофиқ расмийлаш ирилади.

3.3.11 Муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгиси интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш бўйича халқаро қонун ҳужжатларига мувофиқ барча нашрларда келтирилади. Муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгиси доира ичига олинган «С» ҳарфи, асарга бўлган ҳуқуққа эгалик қилувчининг номи ва нашр қилинган йилдан иборат.

3.4 Нашр тўғрисидаги қўшимча маълумотлар

3.4.1 Ахборот-библиографик мақсадлар учун нашрда аннотация, реферат, аннотация қилинган каталог варақчаларининг макети (АКВМ) ва библиографик полюса (колонтитул) келтирилиши мумкин.

Аннотация ва реферат ГОСТ 7.9 бўйича; АКВМ - ГОСТ 7.51-84 бўйича; колонтитул ГОСТ 7.5 бўйича (2, 4-бўлимларга қар.) тузилади ва расмийлаштирилади; АКВМ учун библиографик тавсиф ГОСТ 7.1 бўйича тузилади.

3.4.2 Муаллиф чиқини маълумотларининг юқорида кўрсатилган элементларидан ташқари ўз ихтисошига кўра нашрлар тўғрисидаги исталган бошқа маълумотларни келтириши ҳуқуқига эга.

3.5 Чиқин маълумотларини жойлаштириш

3.5.1 Чиқин маълумотлари қўидагича жойлаштирилади: титул варағида ва унинг орқа томонида, қўшма титул варақда (матнли биринчи бетнинг юқори қисмида), нашрнинг биринчи, охириги бетларида ёки охириги полосада - китоблар, брошюралар, альбомлар, нотали нашрлар, бюллетенлар, тўпламларда; биринчи полосада (ёки биринчи полосанинг юқори қисмида) ва охириги полосанинг пастки қисмида - буклетлар, варақалар, газета ва календарларда (чўнтак ва миниатюралари табель-календарлар бундан мустасно); варақнинг юқори қисмида ҳамда варақнинг пастки майдонида - афишалар, транспорт ҳаракати жадваллари, матнли ва тасвирий плакатлар, бадий релпродукциялар, эстампларда; орқа томонида - тасвирий оқритқалар, чўнтак ва миниатюралари табель-календарларда.

Муқова қорешоғи ва қалин муқова қопқоғидаги титул варағи чиқин маълумотларининг асосий элементларини блоқларнинг қалинлиги 9 мм дан ортиқ бўлганда келтириш шарт.

3.5.2 Нашрда титул варағи бўлмаса, чиқин маълумотларини қўшма титул варақда, қўшма муқова қопқоғининг олд томонида ёки муқованинг биринчи бетида жойлаштириш керак.

3.5.3 Реприит ва факсимил нашрларда титул варағи иккита бўлиши шарт: янгидан қайта нашр қилинаётган нашрнинг титул варағи ва оригинал нашрнинг титул варағи. Янгидан қайта нашр қилинаётган нашрга тааллуқли бўлган чиқин маълумотлари титул варағида кўрсатилгаларнинг

биринчисида келтирилади. Чикиш маълумотларининг устида алоҳида сатрда «Репринт нашр», «Факсимил нашр» ёзувлари келтирилади.

3.6 Чикиш маълумотларини жойлаштиришдаги алоҳида ҳолатлар

3.6.1 Турли тиллардаги аралаш матнли нашрларда муаллифларнинг номлари ва/ёки сарлавҳа титул varaғида ушбу нашрда фойдаланилган барча тилларда келтирилади. Чикиш маълумотларининг қолган барча элементлари нашрдаги матн тилларидан биттасида келтирилади.

3.6.2 Бир нечта поширлар, шу жумладан хорижий нашриётлар билан ҳамкорликда чиқариладиган нашрларнинг титул varaғида ҳар бир ҳамкор-ноширнинг номи ҳам кўрсатилади.

3.6.3 Алоҳида нашр қилинган иловалардаги чикиш маълумотлари нашр турига боғлиқ ҳолда расмийлаштирилади (4-7-бўлимларга қар.).

Асосий нашр тўғрисидаги маълумотлар (муаллиф номи, нашр сарлавҳаси) илова сарлавҳасига кирмаса, сарлавҳа остидаги маълумотларда келтирилади. Бу ҳолатда нашр илова бўлиб ҳисобланиши кўрсатилади.

Асосан нашрда алоҳида нашр қилинган илова, унинг чикиш даврийлиги, фаркланувчи хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар чикиш маълумотларининг устида жойлаштирилади.

3.6.4 Аниқ турдаги нашрларнинг чикиш маълумотларини расмийлаштирилишига қар.: 4-бўлим – китоб нашрлари, шу жумладан, даврий бўлмаган сериялар; 5-бўлим – нотали нашрлар; 6-бўлим – серияли нашрлар (даврий ва давомли, шу жумладан даврий ва давомли сериялар); 7-бўлим – varaқли нашрлар; 8-бўлим – экспорт учун махсус мўлжалланган нашрлар.

4 Китоб нашрлари

4.1 Чикиш маълумотларининг асосий элементлари

4.1.1 Китоб нашрларининг чикиш маълумотлари қуйидагиларни ўз ичига олади: муаллифлар ва нашрни яратишда иштирок этган бошқа шахслар тўғрисидаги маълумотлар; нашр сарлавҳаси; сарлавҳа устидаги маълумотлар; сарлавҳа остидаги маълумотлар; чикувчи маълумотлар; чикиш маълумотлар; қайта босиб чиқариш тўғрисидаги маълумотлар; тасниф индекслари; муаллифлик белгиси; китобларнинг халқаро стандарт рақамлари ва штрих-кодлар; муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгиси.

4.2 Чикиш маълумотларини жойлаштириш

4.2.1 Мононашрда битта, иккита, учта муаллифларнинг номи титул varaғида сарлавҳадан олдин кўрсатилади.

Муаллифлар тўртта ва ундан оргик бўлса, уларнинг номи титул varaғида ёки унинг орқа томонининг юкори қисмида жойлаштирилади. Титул varaғининг орқа томонида муаллифларнинг номларидан олдин «Муаллифлар» сўзи жойлаштирилади.

Такрорланадиган мононашрларда муаллифлар жамоасининг ўзгартирилиши тўғрисидаги маълумотлар титул varaғининг орқа томонида келтирилади.

Таржима қилинган нашрларда муаллиф номи босиб чиқарилаётган нашрнинг мати тилида келтирилади. Ася нусха матнининг тилидаги муаллиф номи контртитулда ёки титул varaғининг орқа томонида келтирилади.

Шунингдек, муаллифларнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми) чикни маълумотларининг устида сарлавҳадан олдин келтирилади. Муаллиф фамилияси магбаа воситалари билан ажратиб кўрсатилади.

Муаллифлар жамоаси томонидан бажарилган ишларда муаллифларнинг номларидаги биринчи учтаси «ва бошқалар» сўзи кўшилган ҳолда келтирилади.

Отасининг исми кўлланилиши қабул қилинмаган ҳолларда муаллиф номи отасининг исмисиз келтирилади.

Хорижий тиллардан таржима қилинган нашрларда муаллиф номи максимал тўлиқ шаклда келтирилади. Умумий сарлавҳали тўпламга киритилган асарларнинг муаллифлари тўғрисидаги маълумотлар титул varaғида ёки унинг орқа томонида келтирилмайди ва ГОСТ 7.5 бўйича расмийлаштирилади.

4.2.2 Нашр сарлавҳаси титул varaғида ва чиқиш маълумотларининг устида магбаа воситалари билан ажратиб кўрсатилган ҳолда келтирилади.

Такрорий нашрларда сарлавҳанинги ўзгартирилиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек аввалги нашр сарлавҳаси титул varaғининг орқа томонида келтирилади.

4.2.3 Сарлавҳа устидаги маълумотлар титул varaғининг юкори қисмида, контртитул ёки авантитулда жойлаштирилади (шунингдек 3.3.4 га кар.).

Номидан нашр босиб чиқарилаётган ташкилотнинг номи расман белгиланган шаклда келтирилади.

Конференция, съезд, симпозиум, йигилиш ва ҳоказолар материалларининг нашрларида сарлавҳа устидаги маълумотларда фақат асосий ташкилотчилар кўрсатилади.

4.2.4 Сарлавҳа остидаги маълумотлар титул varaғида сарлавҳа остида келтирилади (3.3.5 га кар.).

Ҳар хил шахслар томонидан таржима қилинган асарлар тўпламида таржимонларнинг номлари ГОСТ 7.5-88 бўйича расмийлаштирилади.

Тузувчилар тўғрисидаги маълумотларнинг расмийлаштирилиши – 4.2.5-бандга қар., муҳаррирлар тўғрисидаги маълумотлар – 4.2.6-бандга қар., иллюстратор-рассом ва безатувчи рассомлар тўғрисидаги маълумотлар – 4.2.7-бандга қар.

4.2.5 Тузувчининг номи титул varaғида сарлавҳа остидаги маълумотларда ва унинг орқа томонида келтирилади. Тузувчининг номини келтириш тартиби муаллиф номини расмийлаштиришга ўхшаш – 4.2.1 га қаралсин. Тузувчининг номидан олдин бажарилган иш характерини белгиловчи куйидаги сўз келтирилади: «тузувчи», «тузди», «тузувчи-муаллиф», «тузувчи-муҳаррир», «танлашни амалга оширди», «ишлов берди», «умумлаштирди», «таърифини тузди», «танлади», «ишлаб чиқди», «тўплади», «ёзиб олди».

4.2.6 Масъул (илмий) муҳаррир тўғрисидаги маълумотлар титул varaғида ёки унинг орқа томонида келтирилади.

Таҳрир ҳайъати аъзоларининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар титул varaғида, унинг орқа томонида ёки контртитулда кўрсатилади.

Муҳаррир, бадий муҳаррир, техник муҳаррир ва корректор тўғрисидаги маълумотлар чиқиш маълумотларининг устида юкорида келтирилган тартибда келтирилади.

4.2.7 Иллюстратор-рассом, безатувчи-рассом ва фотосуратчи номлари иллюстрация қилинган нашрларда титул varaғида ёки унинг орқа томонида келтирилади.

4.2.8 Чиқиш маълумотлари (3.3.6-бандга қар.) титул varaғининг пастки қисмида келтирилади.

Такрорий нашрларда аввалги нашрнинг босиб чиқарилиш йили титул varaғининг орқа томонида келтирилади.

4.2.9 Чиқиш маълумотлари (3.3.7-бандга қар.) нашрнинг охирига varaғида, титул varaғининг орқа томонида, шунингдек муқованинг 3 ва 4-томонларида жойлаштирилади.

Чиқиш маълумотлари титул varaғининг орқа томонида унинг пастки қисмида муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгиси ва китобнинг халқаро стандарт рақамигача бўлган жойда келтирилади.

Мақсадли вазифасига кўра нашр тури тўғрисидаги маълумотлар чиқиш маълумотларининг устида, муаллифнинг тўлиқ шаклидаги номи устида, муаллиф бўлмаса - сарлавҳа устида келтирилади.

Мақсадли вазифасига кўра нашр тури тўғрисидаги маълумотлар ГОСТ 7.60-90 бўйича белгиланади (расмий, илмий, илмий-оммабон, сиёсий-оммабон, ўқув, амалий-ишлаб чиқариш, норматив амалий-ишлаб чиқариш нашри, маълумотга оид, рекламага оид, бадий-адабий, бўш вақт учун мўлжалланган нашрлар).

4.2.10 Нашрнинг такрорий нашр бўлиб ҳисобланиши тўғрисидаги маълумотлар ҳамда қайта нашр амалга оширилган нашр тўғрисидаги

маълумотлар титул varaғининг орқа томонида келтирилади. Бундай нашрнинг титул varaғидаги чиқиш маълумотларида нашр босиб чиқарилган жой, такрорий нашрни амалга оширган ношир номи ва такрор нашр қилинган йил кўрсатилади.

Такрорий нашр амалга оширилган нашр тўғрисидаги маълумотлар ГОСТ 7.1-84 бўйича келтирилади.

4.2.11 Тасниф индексида олдин тасниф тизимининг помини билдирувчи аббревиатура келади. Тасниф индекси таснифланиш белгисини ўнча ифодалайди. Тасниф индекси УЎТ ва КБТ нинг тегишли жадваллари бўйича тузилади.

УЎТ индекси титул varaғининг юқори чап бурчагида алоҳида сатрда жойлаштирилади.

КБТ индекси титул varaғининг орқа томонида юқори чап бурчагида УЎТ индекси остида алоҳида сатрда жойлаштирилади.

4.2.12 Муаллифлик белгиси муаллиф (агар нашрда муаллифлар сони учтадан кўп бўлмаса, биринчи муаллиф) фамилиясининг биринчи харфи ёки сарлавҳа биринчи сўзининг биринчи харфидан (агар муаллифлар сони учтадан ортиқ бўлса ёки муаллифлар бўлмаса) ҳамда ушбу фамилия ёки сарлавҳанинг биринчи харфларига мувофик бўлган икки хонали сондан иборат бўлади.

Муаллифлик белгиси титул varaғининг орқа томонидаги юқори бурчада тасниф индексларидан кейин жойлаштирилади.

4.2.13 Китобнинг халқаро стандарт рақами (ISBN) ГОСТ 7.53-86 бўйича келтирилади ҳамда титул varaғининг пастки чап бурчагида ёки кўшма титул varaғининг пастки чап қисмида жойлаштирилади.

4.2.14 Штрих-кодлар - 3.3.10 га қар.

4.2.15 Муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгиси (3.3.11 га қар.) титул varaғининг орқа томонидаги пастки ўнг бурчагида ёки кўшма титул varaғи майдонининг пастки ўнг қисмида жойлаштирилади.

Турли муаллифлар асарларининг тўпламида ҳар бир алоҳида асарнинг муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгиси асарнинг бошланғич ёки охириги матнли полосасида келтирилади.

4.2.16 Комплект нашрларда чиқиш маълумотлари комплектга кирувчи ҳар бир нашрда ва тилоф, папка, муковада келтирилади.

Комплектга кирувчи ҳар бир нашрда комплект сарлавҳаси ҳамда комплектдаги нашрлар сони тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

4.2.17 Таржимаси биринчи марта эълон қилинган нашрларда титул varaғининг асл нусха тилидаги чиқиш маълумотлари титул varaғининг орқа томонида ёки контргитулда келтирилади.

4.2.18 Рус тилидан бошқа тилларда босиб чиқарилган нашрларда титул varaғинида келтирилган барча чиқиш маълумотлари рус тилига таржима қилинган шарт, муаллифлар ва нашрни яратишда иштирок этган

шахсларнинг номлари бундан мустасно. Номлар транслитерация шаклида келтирилади. Ушбу маълумотлар чиқиш маълумотлари ва улардан олдинги маълумотларнинг устида нашрнинг охириги бетида ёки титул varaғининг орқа томонида нашрнинг асосий матн тили кўрсатилган ҳолда келтирилади.

4.2.19 Серияли нашрларда серия сарлавҳаси, серияни чиқариш рақами, қўйи серия сарлавҳаси, қўйи серияни чиқариш рақами сарлавҳа устидаги маълумотларда келтирилади.

Серия сарлавҳаси ва унинг таржимаси ушбу сериянинг барча нашрлари учун бир хил бўлиши керак.

Барча серияларни яратишда иштирак этган шахсларнинг (муҳаррир, 10 та тузувчи, рассом ва серия таҳрир хайъатининг таркиби) номлари серия сарлавҳаси остида титул varaғида, контр-титулда ёки титул varaғининг орқа томонида бажарилган иш характери (масалан, «Сериянинг таҳрир хайъати») кўрсатувчи сўзлар билан кўрсатилади.

Серияга асос солинган йил деб ушбу сериянинг биринчи китоби босиб чиқарилган йил ҳисобланади.

Серияга асос солинган йил серия сарлавҳаси остида титул varaғида ёки контр-титулда келтирилади.

4.2.20 Кўп томли нашрларда муаллиф номи, агар ҳамма томларда айнан битта муаллиф бўлса, умумий сарлавҳа устида келтирилади ва чиқиш маълумотлари устида тўлиқ шаклда такрорланади; агар томларнинг муаллифлари турлича бўлса, уларнинг номлари том рақами остида келтирилади ва чиқиш маълумотларининг устида тўлиқ шаклда келтирилади.

Кўп томли нашрнинг умумий сарлавҳаси ва унинг таржимаси барча томларда бир хил бўлиши керак. Умумий сарлавҳа титул varaғида ва (ёки) контр-титулда келтирилади.

Алоҳида том сарлавҳаси (хусусий сарлавҳа) титул varaғида, агар барча томларда айнан битта муаллиф бўлса, том рақами остида кўрсатилади; агар томларнинг муаллифлари турлича бўлса, том сарлавҳаси муаллиф номи остида жойлаштирилади.

Бутун кўп томли нашрга тааллуқли бўлган сарлавҳа остидаги маълумотлар, шу жумладан папир мўлжалланган томларнинг сони тўғрисидаги маълумотлар умумий сарлавҳа остида жойлаштирилади. Алоҳида томга тааллуқли бўлган сарлавҳа остидаги маълумотлар титул varaғида том сарлавҳаси остида жойлаштирилади.

Бутун кўп томли нашрнинг таҳрир хайъатининг таркиби умумий сарлавҳа остида ва/ёки бутун кўп томли нашрга тааллуқли бўлган сарлавҳа остидаги маълумотларда келтирилади.

Алоҳида том таҳрир хайъатининг таркиби алоҳида том сарлавҳаси (хусусий сарлавҳа) остида ва/ёки унинг сарлавҳа остидаги маълумотларида келтирилади.

Бутун кўп томли нашр ва алоҳида том тахрир хайъатининг таркибини титул варағининг орқа томонига кўчирилишига йўл қўйилади.

Кўп томли нашрнинг босиб чиқарилиши бошланган йили кўп томли нашрнинг иккинчи ва кейинги томларида титул варағининг орқа томонида кўрсатилади.

4.2.21 Аннотация ва/ёки АКВМ барча китоб нашрларида келтирилади, табиий ва техник мавзу бўйича илмий нашрлар бундан мустасно. Реферат табиий ва техник мавзу бўйича илмий нашрларда жойлаштирилади (3.4.1 га қар.). Аннотация, АКВМ ёки реферат титул варағининг орқа томонида, нашрнинг охириги бетида, муқова ёки супер муқованинг иккинчи бетида жойлаштирилади.

5 Нотали нашрлар


5.1 Чикиш маълумотларининг асосий элементлари

5.1.1 Нотали нашрларнинг чикиш маълумотлари қуйидагиларни ўз ичига олади: муаллифлар ва нашрни яратишда иштирок этган бошқа шахслар тўғрисидаги маълумотлар; нашр сарлавҳаси; сарлавҳа устидаги маълумотлар; сарлавҳа остидаги маълумотлар; чикувчи маълумотлар; лавҳанинг давлат рақами; штрих-кодлар; муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгиси.

5.1.2 Сарлавҳа остидаги маълумотлар қуйидагиларни ўз ичига олади: мусиқа жанри, мусиқа шакли, мусиқа турлари, тоналлик тўғрисидаги маълумотлар; ижро этиш воситалари (асбооб, ансамбль, оркестр, овоз ва х.) тўғрисидаги маълумотлар; опус (асар) ва унинг ичидаги тартиб рақами; мавзунинг кўрсаткич рақами; нашрга киритилган актлар, пардалар, картиналар, асар қисмларининг сони тўғрисидаги маълумотлар; муаллифлик ишининг характери (муаллиф тахрири) ёки янги вариант, версия тўғрисидаги маълумотлар; нашр мўлжалланган махсус мусиқий муассасаларнинг синф ёки курси тўғрисидаги маълумотлар (агар улар серия сарлавҳасига киритилмаган бўлса); нотали матн (партитура, партия, дирекцион) ва/ёки клавирунинг баён этилиш шакли тўғрисидаги маълумотлар.

Шунингдек, алоҳида нашр этилган парчаларнинг сарлавҳа остидаги маълумотлари қуйидагиларни ўз ичига олади: сахна асари, кино- ёки видеофильм, радио ёки телестановка, кўп қисмли мусиқий асар ёки вокал (вокал-чолғу) циклининг номи; хусусий номга эга бўлган кўп қисмли мусиқий асар ёки вокал (вокал-чолғу) цикли қисмининг номи; алоҳида нашр этилган опера парчаларида ариянинг биринчи сўзлари, бироқ речетатив ёки сахналар эмас.

5.1.3 Нотали китоб нашрларида чикиш маълумотларининг расмийлаштирилишига қўйиладиган умумий талаблар – 4-бўлимга қар.;



даврий ва давомли нотали нашрлардаги чиқиш маълумотларининг расмийлаштирилишига қўйиладиган умумий талаблар – 6-бўлимга қар.

5.2 Чиқиш маълумотларини жойлаштириш

5.2.1 Бастакорнинг номи титул varaғида нашр сарлавҳаси (номи)дан олдин келтирилади ҳамда чиқиш маълумотларининг устида тўлиқ шаклда такрорланади.

5.2.2 Алоҳида нашр қилинган мусиқий асар ёки тўпламга киритилган барча мусиқий асарларни ишлаб чиққан ёки қайта ишлаган (аранжировка қилган), инструментовка (оркестровка) қилган, ишлов берган, уйғунлаштирган, ёздирган (нотага туширган) муаллиф номи бажарилган иш («Қайта ишлаш», «Ишлов бериш», «Ёзувни амалга оширди») характерини билдирувчи сўзлар билан 12-титул varaғида сарлавҳа остидаги маълумотларда келтирилади ҳамда сарлавҳа устидаги маълумотларда тўлиқ шаклда такрорланади.

Ишлаб чиққан ёки қайта ишлаган (аранжировка қилган), инструментовка (оркестровка) қилган, ишлов берган муаллифнинг номи, агар у бастакорнинг ўзи бўлса, титул varaғида сарлавҳа остидаги маълумотларда такрорланмасдан бастакор томонидан бажарилган муаллифлик ишининг характерини тўғрисидаги маълумотлар билан алмаштирилади («Муаллиф ишловида», «... учун қайта ишлаш муаллифи», «Муаллиф аранжировкаси» ва х.).

Бадний матн муаллифининг номи титул varaғида сарлавҳа остидаги маълумотларда кўрсатилади ҳамда чиқиш маълумотларининг устида тўлиқ шаклда такрорланади.

5.2.3 Адабий асар (шу жумладан либретто) номи, агар у нашрга киритилган мусиқий асар номидан фарқ қилса, унинг муаллифлари тўғрисидаги маълумотлар билан бир қаторда ва (ёки) титул varaғида сарлавҳа остидаги маълумотларда адабий жанри кўрсатилган ҳолда келтирилади.

5.2.4 Бир вақтнинг ўзида тўпламга киритилган барча асарларни ишлаб чиқиш ёки қайта ишлаш (аранжировка қилиш), инструментовка (оркестровка) қилиш, ишлов бериш, уйғунлаштириш, ёздириш (нотага тушириш) муаллифи бўлиб ҳисобланадиган тузувчининг номи титул varaғида сарлавҳа остидаги маълумотларда ва чиқиш маълумотларининг устида тўлиқ шаклда бажарилган иш характерини белгилувчи («Тузди ва уйғунлаштирди», «Тўплам тузувчиси ва пьесаларни қайта ишлаш муаллифи», «Альбом учун пьесаларни аранжировка қилиш ва танлаш», «Нота ёзувини тузди ва ишлаб чиқди» ва х.) сўзлар билан келтирилади.

Алоҳида партиянинг иловасида кўрсатилган муҳаррир номи клавирада такрорланади.

5.2.5 Досканинг давлат раками (доска раками, нашриёт раками) ҳар бир нота полосасининг пастки қисмида нота элтувчи остида жойлаштирилади.

5.2.6 Бир варақли нотали нашрларда муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгиси нашр биринчи бетининг пастки қисмида жойлаштирилади. Нотали нашрлардаги муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгисини 3.3.11, 4.2.15 га қар.

5.2.7 Рус тилидан ташқари, бошқа тилларда босиб чиқарилган нашрлардаги чиқиш маълумотларини 4.2.18 (китоб нашрлари) ва 6.1.15 (даврий ва давомли нашрлар)га қар.

6 Даврий ва давомли нашрлар

6.1 Даврий нашрлар (рўзномалардан ташқари)

6.1.1 Чиқиш маълумотлари қуйидагиларни ўз ичига олади: нашр сарлавҳаси; нашрнинг хусусий сарлавҳаси; сарлавҳа устидаги маълумотлар; сарлавҳа остидаги маълумотлар; муҳаррирлар, таҳрир хайъати, тузувчилар, рассомлар, корректорлар тўғрисидаги маълумотлар; рақамланиши; чиқувчи маълумотлар; чиқиш маълумотлари; тасниф индекслари; халқаро стандарт серияли раками; штрих-кодлар; муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгиси.

6.1.2 Сарлавҳа имкон қадар оддий ва қисқа бўлиши керак. Нашрнинг умумий сарлавҳаси ва бўлим (серия, қуйи серия) сарлавҳасидан иборат бўлган мураккаб сарлавҳа кўринишида келтирилишига йўл қўйилади.

Сарлавҳа нашр бағишланган билим ёки фаолиятнинг махсус соҳасини акс эттириши керак.

Сарлавҳанинг расмийлаштирилиши у билан бирга келтириладиган бошқа элементлардан ажралиб туриши керак.

Ношир-ташқилот номини билдирувчи ҳамда сарлавҳага кирувчи аббревиатура сарлавҳа остидаги маълумотларда ёки сарлавҳа устидаги маълумотларда ёйиб ёзилади.

Нашр сарлавҳаси титул варағида ёки қўшма титул варағида, шунингдек муқованинг биринчи бетида ёки қалин муқова қопқоғининг олд томонида жойлаштирилади.

Нашр бўлими (серия, қуйи серия)нинг сарлавҳаси нашрнинг бутун босиб чиқарилиш вақти мобайнида бир хил бўлиши керак. Нашр бўлими (серия, қуйи серия)нинг сарлавҳасини унинг эмблема (марка)сини сақлаб қолган ҳолда алмаштирилишига йўл қўйилмайди.

Хусусий сарлавҳа, агар алоҳида нашрларда мавжуд бўлса, нашр сарлавҳаси остида нашр сонидан кейин титул варағида ёки қўшма титул варағида, шунингдек муқованинг биринчи бетида ёки қалин муқова қопқоғининг олд томонида жойлаштирилади.

Таржима нашрларида сарлавҳа титул varaғида ёки қўшма титул varaғида таржима амалга оширилган тилда ҳам келтирилади.

6.1.3 Сарлавҳа устидаги маълумотлар ношир-ташкilot номини ўз ичига олади.

Ношир-ташкilot номи сарлавҳа остидаги маълумотларга киритилган бўлса, у ҳолда унинг номи келтирилмайди (6.1.4 га қар.).

Сарлавҳа устидаги маълумотлар титул varaғида ёки қўшма титул varaғида нашр сарлавҳаси устида жойлаштирилади, агар улар мавжуд бўлмаса – муқованинг биринчи бетида ёки қалин муқова қопқоғининг олд томонида жойлаштирилади.

6.1.4 Сарлавҳа остидаги маълумотлар (3.3.5 га қар.) қуйидагиларни ўз ичига олади: тематика, ўқувчи манзили ва мақсадли вазифасини характерловчи маълумотлар; нашр тури; «Журнал», «Бюллетень» ва ҳоказо сўзлар билан бошланувчи сарлавҳа остидаги маълумотлар ифодасидаги ношир-ташкilot номи; нашр даврийлиги, унга асос солинган йил ва ой тўғрисидаги маълумотлар; нашр хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар; алоҳида нашр қилинган иловаларда асосий нашр тўғрисидаги маълумотлар.

Нашрга асос солинган йил ва ой бўлиб рақамланган нашрнинг биринчи сони (нашри, томи) босиб чиқарилган йил ва ой ҳисобланади. Нашрга асос солинган йил ва ой ўрнига нашр қилинган йил тартиби кўрсатилишига йўл қўйилмайди.

Сарлавҳа остидаги маълумотлар титул varaғида ёки қўшма титул varaғида нашр сарлавҳаси остида жойлаштирилади, улар йўқлигида эса – муқованинг биринчи ёки иккинчи бетида ёхуд қалин муқова қопқоғининг олд томонида жойлаштирилади.

6.1.5 Даврий нашрларнинг рақамланиши ҳар йили биринчи рақамдан бошланади (жорий рақамланиши). Тартиб рақамдан ташқари, ой (ойлар) кўрсатилишига йўл қўйилади.

Жорий рақамлашдан ташқари, нашр сонининг тартиб рақами асос солинган кундан бошлаб келтирилади (умумий рақамланиши). Умумий рақам жорий рақамдан кейин кичик қавсларда кўрсатилади. Умумий рақамлашни таквим йилнинг бошидан киритиш лозим. Иккиланган рақамлаш нашрнинг барча сонларида сақлаб қолинади.

Рақамлаш титул varaғида ёки қўшма титул varaғида, шунингдек муқованинг биринчи бетида ёки қалин муқова қопқоғининг олд томонида келтирилади.

Рақамлашда босмадан чиқиб йилидан қатъи назар нашр тааллуқли бўлган йил кўрсатилади.

Агар кетма-кетликдаги рақамлашни узилиб қолса, бу кейинги сонда (танаффус давомийлиги, том рақами, шунингдек охириги сон рақами ва санаси) кўринарли жойда кўрсатилиши керак.

6.1.6 Чиқиш маълумотлари (3.3.6 га қар.) титул varaғида ёки қўшма титул varaғида келтирилади.

6.1.7 Бош ёки масъул муҳаррирнинг номи, «Таҳрир ҳайъати» сўзи, таҳрир ҳайъатининг таркиби титул varaғининг орқа томонида ёки охириги полосада кўрсатилади, титул varaғи бўлмаганида – мукованинг иккинчи ёки учинчи бетида кўрсатилади.

Рассом, бадий муҳаррир, таржима нашри муҳаррир, техник муҳаррир, корректорнинг номи чиқиш маълумотларининг устида кўрсатилади.

6.1.8 Чиқиш маълумотлари (3.3.7 га қар.) охириги полосада, титул varaғининг орқа томонида, мукованинг иккинчи, учинчи ёки тўртинчи бетларида келтирилади.

6.1.9 УЎТ индексини барча нашрларда келтиришга йўл қўйилади. УЎТ индексининг расмийлаштирилиши – 4.2.11 га қар.

6.1.10 Халқаро стандарт серияли рақами (ISSN) ГОСТ 7.56-89 бўйича келтирилади ҳамда мукованинг биринчи бетида ёки қалин мукова қопқоғининг олд томонида юқори ўнг бурчагида жойлаштирилади, улар бўлмаганида эса – титул varaғи ёки қўшма титул varaғининг юқори ўнг бурчагида жойлаштирилади. Агар ISSN умумий сарлавҳага ва бўлим (серия) сарлавҳасига бириктирилган бўлса, бу ҳолда аввал умумий сарлавҳа ISSN келтирилади, унинг остида эса – бўлим (серия) сарлавҳаси ISSN келтирилади.

6.1.11 Штрих-кодлар – 3.3.10 га қар.

6.1.12 Муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгиси – 3.3.11, 4.2.15 га қар.

Турли муаллифларнинг мақола ва материаллари эълон қилинганда муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгиси нашрнинг бошланғич ёки охириги полосасининг пастидида келтирилади.

6.1.13 Бошқа тиллардаги параллел нашрлар тўғрисидаги кўрсатма чиқиш маълумотларининг устида жойлаштирилади. Агар нашр бир нечта тилларда ва бошқа сарлавҳа остида параллел равишда босиб чиқарилаётган бўлса, бу ҳолда бу тўғридаги кўрсатма билан бирга уларнинг сарлавҳаси ҳам келтирилади.

6.1.14 Даврий нашрнинг мустақил иловалари (3.6.3 га қар.) йил доирасида хусусий рақамланишга эга бўлиши керак. «Илова» сўзи ҳар доим титул varaғида ёки қўшма титул varaғида аниқ ажратиб ёзилган бўлиши керак.

Асосий нашрда нашрнинг алоҳида нашр қилинган иловаси мавжудлиги тўғрисидаги кўрсатма чиқиш маълумотларининг устида жойлаштирилади.

6.1.15 Рус тилидан ташқари, бошқа тилларда босиб чиқарилган нашрларда рус тилидаги таржимада қуйидагилар келтирилади: сарлавҳа устидаги маълумотлар; сарлавҳа остидаги маълумотлар; ношир номи; ношир (таҳририят)нинг почта манзили; матбаа корхонасининг номи ва почта манзили. Нашр сарлавҳаси транслитерация шаклида келтирилади. Ушбу

маълумотлар чиқиш маълумотларининг устида охириги полосада, титул varaғининг орқа томонида, мукованинг иккинчи, учинчи ёки тўртинчи бетида нашрнинг асосий матн тили кўрсатилган ҳолда келтирилади.

6.1.16 Икки ёки бир печта нашрларни битта килиб бирлаштиришда аввалги нашрлардан бирининг сарлавҳасини янги нашрга бириктиришга, унга асос солинган йилни сақлаб қолишга ҳамда унинг рақамланишини давом эттиришга йўл қўйилади.

Нашрни икки ва ундаг ортиғига бўлишда аввалги сарлавҳа ва рақамланишни янгидан юзага келган нашрлардан фақат биттасига бириктиришга йўл қўйилади. Нашрга асос солинган йил бўлинишида юзага келган барча нашрларда сақланиб қолишга йўл қўйилади.

Нашрдаги барча ўзгартиришлар тўғрисида (қайта номлаш, сарлавҳа остидаги маълумотларнинг ўзгартирилиши, асос солинган йил, рақамлашни аниқлаштириш, нашр босиб чиқариладиган жойнинг кўчирилиши ва ҳ.) охириги ўзгартирилмаган ва биринчи ўзгартирилган нашр (сон)ларда титул varaғининг орқа томонида ёки мукованинг иккинчи бетида хабар бериш керак.

6.1.17 Даврий нашрда аннотация, реферат ва библиографик полоса зарур бўлганда келтирилади (3.4.1 га қар.).

6.2 Давомли нашрлар

6.2.1 Чиқиш маълумотлари куйидагиларни ўз ичига олади: нашр сарлавҳаси; нашрнинг хусусий сарлавҳаси; сарлавҳа устидаги маълумотлар; сарлавҳа остидаги маълумотлар; муҳаррирлар, таҳрир хайъати, тузувчилар, корректорлар тўғрисидаги маълумотлар; рақамланиши; чиқувчи маълумотлар; чиқиш маълумотлари; тасниф индекслари; халқаро стандарт серияли рақами; штрих-кодлар; муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгиси.

6.2.2 Сарлавҳа; сарлавҳа устидаги маълумотлар; муҳаррирлар, таҳрир хайъати, тузувчилар, корректорлар тўғрисидаги маълумотлар; чиқувчи маълумотлар; чиқиш маълумотлари; халқаро стандарт серияли рақами (ISSN); тасниф индекслари; штрих-кодлар; муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгиси; бошқа тиллардаги параллел нашрлар ва иловалар тўғрисидаги маълумотлар; нашрнинг бирлаштирилиши, бўлиниши, бекор қилиниши ва ўзгартирилиши тўғрисидаги маълумотларнинг расмийлаштирилиши – 6.1 га қар.

6.2.3 Сарлавҳа остидаги маълумотлар куйидагиларни ўз ичига олади: нашр тури; масъул муҳаррир номи; нашрга асос солинган йил; алоҳида нашр қилинган иловаларда асосий нашр тўғрисидаги маълумотлар.

Сарлавҳа остидаги маълумотлар титул varaғида нашр сарлавҳаси остида жойлаштирилади.

6.2.4 Рақамлаш рақамланган нашрга асос солинган кундан бошлаб юритилади (умумий рақамлаш).

Нашр сони нашр сарлавҳаси остида ҳамда сарлавҳа остидаги маълумотларда титул varaгида, шунингдек, муқованинг биринчи бетиде ёки калли муқова колқоғининг олд томонида келтирилади.

6.2.5 Рус тилидан ташқари, бошқа тилларда босиб чиқарилган нашрларда чиқиш маълумотлари ҳамда нашрнинг матн тили тўғрисидаги маълумотлар – 6.1.15-бандга қар. Бундан ташқари, рус тилидаги таржимада номиди нашр босилиб чиқарилаётган ташкилотнинг ёки бутун давомли нашрнинг босиб чиқарилиши учун масъул бўлган ташкилотнинг номи келтирилади.

6.2.6 Аннотация, реферат ва библиографик полюса – 6.1.17 га қар.

6.3 Рўзномалар

6.3.1 Чикиш маълумотлари қуйидагиларни ўз ичига олади: сарлавҳа; сарлавҳа остидаги маълумотлар; рақамлаш; нашрнинг чиқиш санаси; муҳаррирлар ва ёки таҳрир хайъати тўғрисидаги маълумотлар; чиқувчи маълумотлар.

6.3.2 Сарлавҳа - 6.1.2 қар.

6.3.3 Сарлавҳа остидаги маълумотлар қуйидагиларни ўз ичига олади; номин (нашр учун масъул бўлган ташкилот) номи; нашрнинг даврийлиги тўғрисидаги маълумотлар; рўзномага асос солинган йил, ой ва сана; бошқа тиллардаги параллел нашрлар ва иловалар тўғрисидаги маълумотлар. Рўзномага асос солинган йил ўрнига унинг нашр қилинган тартиб йили кўрсатилишига йўл қўйилмайди.

Сарлавҳа остидаги маълумотлар биринчи полосада жойлаштирилади.

Алмаштириладиган полосаларнинг мавжудлигида ҳамда рўзнома ёки унинг алоҳида сонларининг турли нашрлар билан чиқарилишида сарлавҳа остидаги маълумотларда нашр хусусиятлари кўрсатилади (оқшом, шаҳар, вилоят, зонага оид, алоҳида тоифадаги ўқувчилар учун периферияли).

6.3.4 Рўзнома муҳаррирининг номи, «Таҳрир хайъати» сўзи ёки таҳрир хайъатининг таркиби охириги полосанинг пастки қисмида чиқиш маълумотларининг устида келтирилади.

6.3.5 Рўзнома сонлари биринчи полосанинг юқори қисмида араб рақамлари билан кўрсатилади. Жорий рақамдан кейин (тақвим йили бошидан) кичик қавсларда умумий тартиб рақам (рўзномага асос солинган кундан бошлаб) келтирилишига йўл қўйилади.

6.3.6 Ҳафта кун, сана (араб рақамларда), ой номи (кискартирилмасдан) ва йилни ўз ичига олувчи нашрнинг чиқиш санаси рўзноманинг биринчи полосасида келтирилади.

6.3.7 Чиқиш маълумотлари куйидагиларни ўз ичига олади: нашриётчилик фаолияти учун лицензия рақами ва у берилган сана (рўйхатга олиш гувоҳномаси); А2 (420x595 мм) форматдаги рўзнома иккита полосасининг форматига келтирилган босма варақлардаги нашр ҳажми; адади; тахририятнинг тўлиқ почта манзили ва телефон рақами; матбаа корхонасининг буюртма рақами; матбаа корхонасининг номи ва тўлиқ почта манзили.

Чиқиш маълумотлари рўзнома охирига полосасининг пастки қисмида келтирилади.

6.3.8 Рўзноманинг кетма-келлиги ва нашрдаги ўзгартиришлар тўғрисидаги маълумотлар биринчи полосада ёки охирига полосасининг пастки қисмида келтирилади. Ушбу маълумотлар 6.1.16 да белгиланган талабларга мувофиқ расмийлаштирилган бўлиши керак.

6.3.9 Агар нашр бир печта тилларда паралел равишда босиб чиқариладиган бўлса, у ҳолда чиқиш маълумотларининг устида бу тўғрисидаги кўрсатма билан бирга унинг рус тилига таржима қилинган сарлавҳасини келтириш лозим.

6.3.10 Рус тилидан ташқари, бошқа тилларда босиб чиқарилган нашрлардаги чиқиш маълумотларининг рус тилидаги таржимасида куйидагилар келтирилади: сарлавҳа устидаги маълумотлар; алоҳида нашр қилинган иловада асосий нашр тўғрисидаги маълумотлар; тахририятнинг тўлиқ почта манзили; матбаа корхонасининг номи ва тўлиқ почта манзили. Нашр сарлавҳаси транслитерация шаклида келтирилади.

Ушбу маълумотлар рўзнома охирига полосасининг пастки қисмида нашрнинг асосий матн тили кўрсатилган ҳолда жойлаштирилади.

7 Варақли нашрлар

7.1 Матнли ва тасвирий нашрлар (открыткалар бундан мустасно)

7.1.1 Чиқиш маълумотлари куйидагиларни ўз ичига олади: муаллифлар, тузувчилар, рассомлар, фотосуратчилар тўғрисидаги маълумотлар; нашр (санъат асари) сарлавҳаси; сарлавҳа остидаги маълумотлар; чиқувчи маълумотлар; чиқиш маълумотлари; муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгиси.

7.1.2 Муаллифлар, тузувчилар, рассомлар, фотосуратчилар тўғрисидаги маълумотлар варақ чал томонининг пастки майдонида келтирилади ва 3.3.2 га мувофиқ расмийлаштирилади.

7.1.3 Нашр (санъат асари) сарлавҳаси матнли варақли нашрларда варақнинг сарлавҳа қисмида матндан олдин келтирилади.

Варақли тасвирий нашрлар сарлавҳаси варақ дастки майдонининг чап томонида келтирилади.

Шуниингдек, сарлавҳада муаллиф томонидан белгиланган ёки асарга тарихий бириктирилган (портретлар учун – тасвирланаётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва ҳаётининг санаси) санъат асарининг номи варақ чап томонининг дастки майдонида келтирилади.

7.1.4 Матнли нашрларнинг сарлавҳа остидаги маълумотлари (3.3.5 га қар.) варақнинг сарлавҳа қисмида сарлавҳа остида жойлаштирилади.

Тасвирий нашрларнинг сарлавҳа остидаги маълумотлари варақ чап томонининг дастки майдонида жойлаштирилади.

Бадний репродукция ва эстампларнинг сарлавҳа остидаги маълумотларида қуйидагилар кўрсатилади: санъат асарининг тури; санъат асари яратилган вақт ва жой; асл нусханинг сақланадиган жойи ёки экспозицияси; муаллиф ва асар тўғрисидаги маълумотлар.

7.1.5 Чикиш маълумотлари (3.3.6 га қар.) варақ дастки майдонининг ўртасида келтирилади.

7.1.6 Чиқувчи маълумотлар (3.3.7 га қар.) варақ дастки майдонининг ўш томонида келтирилади.

7.1.7 Рус тилидан ташқари, бошқа тилларда нашр қилинган варақли нашрлардаги чикиш маълумотлари рус тилига таржима қилинади. Муваффиқ ва нашрни яратишда иштирок этган шахсларнинг номлари транслитерация шаклида келтирилади. Чикиш маълумотлари варақнинг дастки майдонида нашрнинг матн тили кўрсатилган ҳолда жойлаштирилади.

7.2 Тасвирий откриткалар

7.2.1 Чикиш маълумотлари қуйидагиларни ўз ичига олади: рассом ёки фотосуратчи номи; сарлавҳа; чиқувчи маълумотлар (ношир номи ва босиб чиқарилган йил); чикиш маълумотлари (матбаа корхонасининг буюртма рақами; адади); муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгиси.

7.2.2 Репродукция откриткаларида санаб ўтилган маълумотлардан ташқари қуйидагилар келтирилади:

- муаллиф ёки асарга тарихий бириктирилган санъат асарининг номи (портретлар учун – тасвирланган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми);
- санъат асарининг тури, у яратилган вақт ва жой, сақлаш ёки экспозиция жойи, муаллиф ва асар тўғрисидаги маълумотлар.

Чикиш маълумотлари орқа (почта откриткалари учун – манзил кўрсатиладиган) томонида кўрсатилади.

7.3 Варақли комплекта нашрлар

7.3.1 Чикиш маълумотлари (3.3 га қар.) қуйидагиларни ўз ичига олади: муаллифлар ва наирни яратилда иштирок этган бошқа шахслар гўғрисидаги маълумотлар; сарлавҳа; сарлавҳа остидаги маълумотлар; чиқувчи маълумотлар; чиқиш маълумотлари; муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгиси.

7.3.2 Комплект нашрларнинг чиқиш маълумотлари муқова (папка, гилоф, бандерол) томонларидан бирининг клапанида ёки ўров-мапжеткада жойлаштирилади.

Комплектга кирувчи алоҳида матнли тасвирий нашрларда чиқиш маълумотлари 7.1 га мувофиқ келтирилади.

Комплектга кирувчи алоҳида тасвирий оқриткаларда чиқиш маълумотлари 7.2 га мувофиқ келтирилади.

8 Экспорт қилиш учун махсус мўлжалланган нашрлар

8.1 Нашрлар таърифи

8.1.1 Экспорт қилиш учун махсус мўлжалланган нашрларга адади ёки ададиниң қатга қисми ташқи бозорда сотилиши мўлжалланган нашрлар; хорижий ташкилот-контр-агент буюртмаси бўйича Россия Федерациясида босиб чиқариладиган нашрлар қиради.

8.2 Чиқиш маълумотларини расмийлаштириш

8.2.1 Экспорт қилиш учун махсус мўлжалланган нашрлардаги чиқиш маълумотлари Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилотнинг (ИСО) стандартлар талабларига мувофиқ қуйидагича расмийлаштирилади:

ISO 1086 Documentation – Title-leaves of a book;

ISO 6357 Documentation – Spine titles on books and other publications;

ISO 7275 Documentation – Presentation of title information jf series.

8.3 Ёпиштирмани расмийлаштириш

8.3.1 Россия Федерациясининг ичида тарқатилиши учун мўлжалланган ақад ушбу қисмининг шартли нухсалари ёпиштирма билан таъминланиши керак. Ёпиштирма ушбу нашрга тааллуқли бўлган чиқиш маълумотларининг элементлари н ўз ичига олади. Чиқиш маълумотлари элементларининг рўйхати – 3.3 га қар.

8.3.2 Чиқиш маълумотлари элементларининг кетма-кетлиги, тўлдирилиши ва жойлаштирилиши нашр турига боғлиқ – 3-6-бўлимларга қар.

8.3.3 Шунингдек, ёпиштирамада нашрнинг асосий матн тили (тиллари) тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги шаклда келтирилади: «... тилида», «... .. тилларида».

8.3.4 Ёпиштирама муаллифлар ва нашрни яратишда иштирок этган шахсларнинг номидан ташқари, барча чиқиш маълумотлари рус тилига таржима қилиниши шарт. Номлар транслитерация шаклида келтирилади.

А илова
(маълумот учун)

Чиқиш маълумотларини расмийлаштириш намуналари

- Бир муаллифли нашрнинг титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Маълумот нашрининг титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Ўқув қўллапмасининг титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Ўқув нашрининг титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Алоҳида нашр қилинган илованинг титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Чиқувчи маълумотлар ва чиқувчи маълумотларнинг устидаги маълумотларни расмийлаштириш намунаси
Ўқув нашрининг титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Илмий ишлар тўпламининг титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Серияли нашрнинг титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Бир муаллифли серияли нашрнинг титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Серияли нашрнинг титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Симпозиум материалларининг титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Кўп томли нашрнинг титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Кўп томли нашрнинг титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Кўп томли нашрнинг ички титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Кўп томли нашрнинг ички титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Кўп томли нашрнинг титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Кўп томли нашр титул varaғининг орқа томонини расмийлаштириш намунаси
Кўп томли нашр титул varaғининг орқа томонини расмийлаштириш намунаси
Чет тилидан таржима қилинган нашрнинг ички титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Нотали нашрнинг титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Давомли нашрнинг титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Даврий нашрнинг титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Даврий нашрга алоҳида нашр қилинган даврий илованинг титул varaғини расмийлаштириш намунаси
Титул varaғи орқа томонининг қайта терилганлиги ва ёшга доир хусусиятлар кўрсатилган маълумотлар билан расмийлаштириш намунаси
Чиқувчи маълумотлар ва чиқувчи маълумотларнинг устидаги маълумотларни расмийлаштириш намунаси
Чиқувчи маълумотлар ва чиқувчи маълумотларнинг устидаги маълумотларни расмийлаштириш намунаси
Чиқувчи маълумотлар ва чиқувчи маълумотларнинг устидаги маълумотларни расмийлаштириш намунаси
Рўзноманинг чиқиш маълумотларини расмийлаштириш намунаси

А илова
(маълумот учун)

Бир муаллифли нашрнинг титул varaғини
расмийлаштириш намунаси

АЛЕКСАНДР СОЛЖЕНИЦИН

В КРУГЕ ПЕРВОМ
РОМАНДАН БОБЛАР

МАТРЕНИН ДВОР
ҲИКОЯ

ДЛЯ ПОЛЬЗЫ ДЕЛА
ҲИКОЯ

Рассом В. И. Худяков

Санкт-Петербург
«ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ЛИТЕРАТУРА»

Санкт-Петербург бўлинмаси
1994

А илова
(маълумот учун)

Маълумот нашрининг титул варағини
расмийлаштириш намунаси

БЕЗОПАСНОСТЬ ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ-
ПРОЦЕССОВ

МАЪЛУМОТНОМА

Техника фанлари доктори С. В. Белов
таҳрири остида

Иккинчи стереотип нашр

Москва
«МАШИНОСТРОЕНИЕ»
1994

А илова
(маълумот учун)

Ўқув қўлланмасининг титул varaгини
расмийлаштириш намунаси

Н. А. МАКСИМОВ

ФИЗИЧЕСКАЯ ГЕОГРАФИЯ

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИНИНГ
6-СИНФИ УЧУН ДАРСЛИК

География фанлари доктори Н.А. Гвоздецкий
таҳрири остида

Россия Федерациясининг
Таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган

20-нашр

Москва «ПРОСВЕЩЕНИЕ»

1994

А илова
(маълумот учун)

Ўқув нашрининг титул varaгини
расмийлаштириш намунаси

Л. В. ПОГОРЕЛОВ

ГЕОМЕТРИЯ

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИНИНГ
7-11-СИНФЛАРИ УЧУН ДАРСЛИК

Россия Федерациясининг
Таълим министрлиги томонидан рухсат этилган

3-нашр

Москва «ПРОСВЕЩЕНИЕ»

1994

А илова
(маълумот учун)

Алоҳида нашр этилган илованинг титул varaғини
расмийлаштириш намунаси

КАРТЫ

Н.А. Максимовнинг «Физическая география»
дарслигига илова, 6-синф

Москва «ПРОСВЕЩЕНИЕ»

1994

А илова
(маълумот учун)

Чиқувчи маълумотлар ва чиқувчи маълумотларнинг устидаги маълумотларни
расмийлаштириш намунаси

Ўқув наشري

Погорелов Алексей Васильевич

ГЕОМЕТРИЯ

Умумтаълим мактабининг
7-11-синфлари учун дарслик

Тахририят мудистри Т. А. Бурмистрова
Махсус мухаррир А. М. Зубкова
Мухаррир Т. А. Бурмистрова
Рассом Б. И. Николаев безаги
Бадий мухаррир Ю. В. Пахомов
Техник мухаррир И. А. Киселёва
Корректор Г. И. Мосякина

1992 йил 15 июндаги 159-сон нашр. лиц. 1993 йил 5 июнда теришга топширилди.
1993 йил 26 декабрда босиб чиқаришга имзоланди. Формати 60x90/16. 2-сон офсет қоғози.
Мактаб гарнитураси. Шарт. босма л. 24,0 + 0,25. Ўқув-нашр л. 19,56 + 0,48. Адади 2 600 000 нус.
56-Ис-сон буюртма. «Просвещение» наشريёти, 129846, Москва, Марьяна роша кўч., 41.
Наشريёт, матбаа ва китоб савдоси вилоят бошқармасининг
Смирнов помидаги Смоленск босмахонаси
214000, Смоленск ш., Ю. Гагарин помидаги проспект, 2.

А илова
(маълумот учун)

Ўқув напирнинг титул varaғини
расмийлаштириш намунаси

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Шимолй Гирбий сиртки политехника институти

М. Ф. БЫКОВ, В. И. ВОРОНЦОВ, Ю. Ф. ЗАДОРИН

**ДИАГНОСТИКА, ПРОГНОЗИРОВАНИЕ,
ПЕРАЗРУЩАЮЩИЙ КОНТРОЛЬ И
УПРАВЛЕНИЕ КАЧЕСТВОМ
ЭЛЕКТРОННОЙ АППАРАТУРЫ (ЭА)**

**Институтнинг Тахририят-нашриёт кенгаши томонидан
Ўқув қўлланмаси сифатида тасдиқланган**

Санкт-Петербург

1994

А илова
(маълумот учун)

Илмий ишлар тўпламининг титул varaғини
расмийлаштириш намунаси

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
Камеиец-Подольский кишлок хўжалиги институти

ГЕНЕТИЧЕСКИЙ ОСНОВЫ СЕЛЕКЦИИ
И СЕМЕНОВОДСТВА ГРЕЧИХИ

ИЛМИЙ ИШЛАР ТЎПЛАМИ

К. О. ИВАНОВ таҳрири остида

КАМЕНЕЦ-ПОДОЛЬСК
1994

А илова
(маълумот учун)

Серияли напирнинг титул varaгини
расмийлаштириш намунаси

ШИМНИЙ-ОММАБОЦ ТИББИЙ АДАБИЁТ

1978 йили асос солинган

Биология фанлари номзоди Э. А. ВФСЕЛКОВА;
тиббий фанлари номзоди И. В. Григорьева,
Д. А. Кальвинская, С. М. Любинская

РЕЗЕРВЫ ТВОЕГО ОРГАНИЗМА

Учинчи нашр, қайта ишланган ва тўлдирилган

Москва «МЕДИЦИНА»

1993

А илова
(маълумот учун)

**Бир муаллифли серияли нашрнинг титул varaғини
расмийлаштириш намунаси**

(нашр босиб чиқарилган жойнинг номи нашриёт номига киритилган, серия муҳаррири ва серияга асос солинган йил титул varaғининг орқа томонида)

«Твое здоровье» серияси

Кутубхона серияси

Тиббиёт фанлари доктори
И. А. ГАВРИКОВ

ВОДА ЛЕЧИТ

Масъул муҳаррир
академик Г. В. Степанов

Иккинчи нашр, тузатилган

КРАСНОДАР КИТОБ НАШРИЁТИ
1994

А илова
(маълумот учун)

Серияли нашрнинг титул varaғини
расмийлаштириш намунаси

Серияли асос солинишига тўғрисидаги маълумотлар титул varaғининг орқа
томонида, тахрир хайбати титул varaғида келтирилган)

Таврифи	Титул varaғининг орқа томони
Мақтаб: Уқувчи ва Илмий аъён ва кутубхона	УЎТ 087.5 КБГ 25.21 Г67
И. П. АБРИЛОВ ИЗВЕСТИЕ О ПЛОДНОЕ ЗЕМЛИ	<i>Кутубхонага 1986 йил асос солинган</i>
Тахрир: ва И. П. Кароёва (бош муҳаррир), Е. Г. Першина (бош муҳаррир урибасари), Г. Г. Топуридзе, Н. Е. Абрамов	<i>Кириш мақоласининг муаллифи</i> Ё. А. Козловский <i>Фотосуратчи А. Л. Саакянц</i>
Москва «Недра» 1994	© «Недра» нашриёти, 1994

ISBN 5 - 247 - 07008 - 9

А илова
(маълумот учун)

Симпозиум материалларинг титул варағини
расмийлаштириш намунаси

РОССИЯ ТИББИЁТ
ФАНЛАРИ АКАДЕМИЯСИ

ЛЕГОЧНЫЕ АРТЕРИАЛЬНЫЕ
ГИПЕРТЕНЗИИ

1993 йил 28-30 июндаги

Халқаро симпозиум материаллари

Новгород

РТФА мухбир-аъзоси
М. М. МИРРАХИМОВ
умумий тахрири остида

НОВГОРОД

1994

А илова
(маълумот учун)

Кўп томли нашрнинг титул varaғини
расмийлаштириш намунаси

МАРИНА ЦВЕТАЕВА

Асарлар
Икки томда

I том

**ШЕЪРЛАР,
ПОЭМАЛАР,
ДРАМАТИК АСАРЛАР**

Москва

«ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ЛИТЕРАТУРА»
1993

А илова
(маълумот учун)

Кўп томли нашрнинг титул varaғини
расмийлаштириш намунаси

РОССИЯ ДАВЛАТ КУТУБХОНАСИ

С. В. БУШУЕВ, Г. Е. МИРОНОВ

ИСТОРИЯ
ГОСУДАРСТВА
РОССИЙСКОГО

ТАРИХИЙ-БИБЛИОГРАФИК
ОЧЕРКЛАР

Биринчи китоб. IX - XVI асрлар

Москва

«КНИЖНАЯ ПАЛАТА» нашриёти
1994

А илова
(маълумот учун)

Кўп томли нашрнинг ички титул varaғини
расмийлаштириш намунаси

Ўтун кўп томли нашрга
оғини бўлан маълумотли
контитул

Ушбу томга тааллуқли бўлган
маълумотли титул varaғи

ИСТОРИЯ США

ИСТОРИЯ США

Турта томда

2 том

1877 - 1918

Тасрир хайъати:

- Г. П. Семенов (бош мухаррир)
- Г. А. Арбитов
- П. П. Болховитинов
- Г. М. Коршенико
- Г. П. Куропятник
- В. Л. Мальков
- П. В. Мостовец
- В. В. Сивачёв
- Г. А. Агафонов (масъул котиб)

Томнинг тахрир хайъати:

- Г. П. Куропятник (масъул мухаррир)
- И. А. Беляевская
- И. П. Дементьев
- А. А. Кислова

Москва «Наука» 1993

Москва «Наука» 1993

А илова
(маълумот учун)

Кўп томли нашрнинг ички титул varaгини
расмийлаштириш намунаси

Бутун кўп томли нашрга
тегишли бўлган маълумотли кўп титул

Алоҳида томга тегишли бўлган
маълумотли титул varaги

Россия давлат кутубхонаси
М. Е. Салтиков-Шчедрин номидаги
Россия миллий кутубхонаси
Россия фанлар академияси
кутубхонаси
М. В. Ломоносов номидаги Москва
давлат университетининг А. М. Горкий
номидаги илмий кутубхона

Россия давлат кутубхонаси
М. Е. Салтиков-Шчедрин номидаги
Россия миллий кутубхонаси
Россия фанлар академияси
кутубхонаси
М. В. Ломоносов номидаги Москва
давлат университетининг А. М. Горкий
номидаги илмий кутубхона

ИСТОРИЯ
ДОРЕВОЛЮЦИОННОЙ
РОССИИ

ИСТОРИЯ
ДОРЕВОЛЮЦИОННОЙ
РОССИИ

кундаликлар ва хотиралар

кундаликлар ва хотиралар

Китоб ва журналлардаги
нашрларнинг аннотацияланган
кўрсаткичи
Беш томда
Илмий раҳбар ва муҳаррир профессор
Н. А. Зайончковский

4 том
1895 - 1917
3-кисм
МАДАНИЯТ. ФАН. МАЪРИФАТ

Москва «КНИГА И БИЗНЕС» 1993

Москва «КНИГА И БИЗНЕС» 1993

А илова
(маълумот учун)

Қўп томли напирнинг титул varaғини
расмийлаштириш намунаси

БҲТҲНРОССИЯ АВИАЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

**ВЕСОВОЕ ПРОЕКТИРОВАНИЕ
ПАССАЖИРСКИХ САМОЛЕТОВ**

МУХАНДИСЛАР УЧУН МАЪЛУМОТ ҚЎЛЛАНМАСИ

Уч томда

Техника фаиллари номзоди Г. В. Чернов
умумий таҳрири остида

2-том

Б. В. СМОРНОВ, Г. Н. ВАСИЛЬЕВ

**РАСЧЕТ ЦЕНТРОВКИ И МОМЕНТОВ
ИНЕРЦИИ САМОЛЁТА**

Москва «ТРАНСПОРТ»
1994

А илова
(маълумот учун)

Кўп томли нашр титул варагининг орка томонини
расмийлаштириш намунаси

КБТ 84 (2 Рос - Рус)
Ц27
УЎТ 882

Тузувчи Н. Н. Герасимов

Фотосуратчи Ю. Н. Алексеева

Кириш мақоласининг муаллифи В. С. Рождественский

Шарҳлар муаллифи А. Л. Саакянц

Нашр 1986 йилдан босиб чиқарилмоқда

ISBN 0-000-00000-0 (т. 1)

© Кириш мақоласи. «Знаменитая книга»
нашриёти, 1994

ISBN 0-000-00000-0

© Тузилиши, шарҳлар,
расмийлаштирилиши.
«Художественная литература» нашриёти,
1994

А илова
(маълумот учун)

Кўп томли нашр титул варағилинг орқа томонини
расмийлаштириш намунаси

КБТ 91 9:63

1189

УЎ1 01

Илмий муҳаррир В. И. Буганов
тарих фанлари доктори, РФА Тарих институтининг
сектор мудир

Муаллифлар ва сарлавҳалар рўйхати
Б. А. Кудинова томонидан тузилди

ISBN 5-7000-0251-1 (т. 1)

© «Книжная палата» нашриёти, 1991

ISBN 5-7000-0252-3

© С. В. Бушуев, Г. В. Миронов
тузилиши, 1991

А илова
(маълумот учун)

Чет тилидан таржима қилинган қўш томли нашрнинг ички титул varaғини
расмийлаштириш намунаси

Контртитул

Титул varaғи

GÜNTER STRÜBEL
SEIGFRIED H. ZIMMER

Г. ШТРЮБЕЛЬ
З. ЗИММЕР

LEXIKON DER MINERALOGIE

МИНЕРАЛОГИЧЕСКИЙ СЛОВАРЬ

Геология-минералогия фанлари номзодлари
Е. В. Пряхина, И. Б. Здорикнинг немис тилидан
таржимаси

Геология-минералогия фанлари доктори
Д. А. Минсва, геология-минералогия фанлари
номзоди Т. Д. Здорик
умумий тахрири остида

Ferdinand Enke Verlag
Stuttgart 1982

Москва «Педра» 1994

А илова
(маълумот учун)

Нотали нашрнинг титул varaғини
расмийлаштириш пaмунaси

С. РАХМАНИНОВ

А Л Е К О

ОПЕРА В ОДНОМ АКТЕ

Либретто муаллифи В. Немирович-Давченко

А. Пушкиннинг «Лўлилар» поэмаси асосида

Москва «КОМПОЗИТОР»
1994

ГОСТ 7.4-95

А илова
(маълумот учун)

Давомли нашрнинг титул varaғини
расмийлаштириш намунаси

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГЕОЛОГИЯ ВА ЕР ОСТИДАН ФЙДАЛАНИШ
БЎЙИЧА ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

Разведка ишлари методикаси ва техникаси
илмий-тадқиқот институти

ПРИКЛАДНАЯ ГЕОФИЗИКА

ИЛМИЙ ИШЛАР ТЎПЛАМИ

1945 йилда асос солинган

250-нашр

Москва «Недра»
1994

А илова
(маълумот учун)

Даврий нашрнинг титул varaғини
расмийлаштириш намунаси

Россия китоб палатаси

БИБЛИОГРАФИЯ

Илмий-назарий ва амалий журнал

1-сон (257)

Январь – февраль 1993 йил

1929 йилнинг мартидан нашр қилинади

Нашр мундарижаси

Москва «КНИЖНАЯ ПАЛАТА»
1994

А илова
(маълумот учун)

Даврий нашр учун алохида нашр қилинган даврий илованинг титул варагини
расмийлаштириш намунаси

ИСКАТЕЛЬ

ФАНТАСТИКА

САРГУЗАШТЛАР

4 (190) 1992

«Вокруг света» журналига илова

1961 йилдан нашр қилинади

Бир йилда 6 марта нашр қилинади

Москва «МОЛОДАЯ ГВАРДИЯ»

А илова
(маълумот учун)

Ушбу терминга илги тўғрисидаги маълумотлар ва ёшга доир хусусиятлар
решивалган титул варағининг орқа томонини расмийлаштириш намунаси

84 (2 Рус Рус)
1121
882

Маъмуриятдаги шарт шартда босиб чиқарилмоқда:

Наустонский К. Г. Асарлар тўплами:
В 9 т. М.: Бадий адабиёт, 1961-1964. – Т. 1, 3, 6.

Юқори ва ўрта мактаб ёшидагилар учун

№ 0 000 00000-0

© Расмийлаштирилиши.
«Художественная литература»
нашриёти, 1994

А илова
(маълумот учун)

Даврий нашр учун алоҳида нашр қилинган даврий илованинг титул varaғини
расмийлаштириш намунаси

ИСКАТЕЛЬ

ФАНТАСТИКА

САРГУЗАШТЛАР

4 (190) 1992

«Вокруг света» журналига илова

1961 йилдан нашр қилинади

Бир йилда 6 марта нашр қилинади

Москва «МОЛОДАЯ ГВАРДИЯ»

А илова
(маълумот учун)

Ити терилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ва ёшга доир хусусиятлар
қилинган титул варағининг орқа томонида расмийлаштириш намунаси

84 (2 Рус - Рус)

1171

882

Матн кўйиндаги шартлар асосида босиб чиқарилмоқда:

Наустановский К. Г. Асарлар тўплами:
В 9 т. – М.: Бадий адабиёт, 1961-1964. – Т. 1, 3, 6.

Юкори ва ўрта мактаб ёшидагилар учун

ISBN 0-000-00000-0

© Расмийлаштирилиши.
«Художественная литература»
нашриёти, 1994

А илова
(маълумот учун)

Чикувчи маълумотлар ва чикувчи маълумотларнинг устидаги маълумотларни
расмийлаштириш намунаси

Адабий-бадний нашр

Кутубхона серияси

ДРАЙЗЕР Теодор

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

Мухаррирлар И. Г. Вesselков, С. Ю. Калин

Рассом Ю. К. Бажанов'

Бадний мухаррир Н. Г. Пескова

Техник мухаррир В. М. Скретнева

Корректор Ф. А. Извозчиков

1990 йил 16 августдаги 55-сон нашр. лиц. 1992 йил 10 октябрда тегришга топширилди.
1993 йил 15 январда босиб чикаришга имзоланди. Формати 84x108¹/32. Китоб-журналга
мўлжалланган коғоз. Адабий гарнитура. Юкори босма. Шарт. босма л. 16,38. Ўқув-нашр л.
17.76. Қўш. адади 160 000 нус.
4765 буюртма.

«Пресса» нашриёти, 125865 ГСП, Москва, Правда кўч., 24.
Россия Федерацияси Матбуот ва ахборот вазирлигининг 5-сон
Москва босмахонаси.

129243, Москва, Маломосковская кўч., 21.
Смоленск матбаа комбинати. 124020, Смоленск, Смольянинова кўч., 1.

А илова
(маълумот учун)

Чикувчи маълумотлар ва чикувчи маълумотларнинг устидаги маълумотларни
расмийлаштириш намунаси

Маълумот наشري

БЕЗОПАСНОСТЬ ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ ПРОЦЕССОВ

Маълумотнома

Тузувчилар Белов Сергей Викторович,
Бригин Нидим Николаевич, Векшин Борис Сергеевич ва б.

Мухаррир *М. К. Ермолова*
Безатувчи-рассом *А. Н. Ковалева*
Мукова рассоми *Э. К. Бадроджан*
Бадий мухаррир *Л. Р. Кованова*
Техник мухаррирлар *Г. А. Соколова, А. К. Литко*
Корректорлар *В. В. Прачкина, А. П. Рубинец*

1992 йил 26 декабрдаги 564-сон нашр. лиц. 1992 йил 5 октябрда теришга топширилди.
1993 йил 16 февралда босиб чиқаришга имзоланди.
Формати 60x90¹/16. 2-сон тип. қоғоз. «Таймс» гарнитураси. Офсет босмада.
Шарт. босма л. 34,23. Ўқув-нашр л. 34,93. Адади 300 000 нус.
(1-завод - 150 000 нус.) 994 буюртма.

«Колос» нашриёти давлат корхонаси. 107807 ГСП, Москва,
Садовая-Спасская кўч., 18

«Пресса» нашриёти типографиясида терилган ва фотонашрлари тайёрланган.
125865, ГСП, Москва. Правда кўч., 24.

Смоленск матбаа комбинатида босиб чиқарилган. 214020, Смоленск, Смольянинов кўч., 1.

А илова
(маълумот учун)

Чикувчи маълумотлар ва чикувчи маълумотларнинг устидаги маълумотларни
расмийлаштириш намунаси

Адабий-бадний нашр

Бушуев Сергей Владимирович,
Миронов Георгий Ефимович

ИСТОРИЯ ГОСУДАРСТВА РОССИЙСКОГО

Тарихий-библиографик очерклар

Мухаррир *Н. М. Иночкина*
Рассом *Э. А. Марков*
Бадний мухаррир *Е. Ю. Воронцова*
Техник мухаррир *Н. И. Аврутис*
Корректор *Л. В. Назарова*

1990 йил 25 апрелдаги 598-сон нашр. лиц. 1992 йил 15 майда теришга тошпирилди. 1993
йил 20 январда босиб чикаришга имзоланди. 1-сон ёзув коғози.
Формати 60x90¹/₁₆. «Тайме» гарнитураси. Юкори босма. Шарт. босма л. 34. Ўқув-нашр
л. 40,84. Кўш. адади 50 000 пус. 64 булортма.

«Книжная палата» нашриёти. 103009, Москва, Нежданова кўч., 8/10.

«АСПОЛ» матбаа корхонасининг корхона, бирлашма ва ташкилотлар
давлат уюшмаси

Ярослав матбаа комбинати, 150049, Ярославль, Свобода кўч., 97.

А илова
(маълумот учун)

Газетанинг чиқиш маълумотларини расмийлаштириш намунаси

Биринчи полосанинг юқори қисми

КНИЖНОЕ ОБОЗРЕНИЕ

The book review

1994 йил 19 март

Оқирини юлбөшини шетки
қисми

Китоб шарҳи
129272, Москва ш.,
Суцневский лад. 64

Телефон рақамлари:
қабулхона -
281-62-66; бўлимлар ...
Факс ...

12 сон (1398)

Муассаслар: Россия матбуот
ва ахборот вазирлиги ҳамда
«Книжное обозрение» МГМП
ишчи жамоалари

Бош муҳаррир *Е. С. Аверин*

1996 йил 5 майдан нашр
қилинмоқда

Индекс 50051,
«Книжное обозрение» МГМП
Р/с 345135 РФ Марказий банки
РКГУ нашр. – банки,
Москва ш., кор. сч. 161939,
МФО 201791

1413-сон рўйхатга олиш
гувоҳномаси

Адади 109703 нус. 1363-сон
бууртма.
Ҳажми 4 босма варакда.
«Московская правда» НМК
Рўзнома бир йилда 52 марта
чиқали.

Д А В Л А Т Л А Р А Р О С Т А Н Д А Р Т

Ахборот, кутубхона ва папирётчилик иши бўйича
стандартлар тизими

ЖУРНАЛЛАР, ТЎПЛАМЛАР, АХБОРОТ НАШРЛАРИ
ЭЪЛОИ ҚИЛИНАДИГАН МАТЕРИАЛЛАРНИ
НАШРИЁТГА ОИД РАСМИЙЛАШТИРИШ

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича
давлатлараро кенгаш
Минск

Сўз боши

1 Россия Федерацияси Матбуот бўйича Давлат кўмитасининг, Россия хитоб палатаси ва ТҚ 191 «Илмий-техник ахборот, кутубхона ва напшиётчилик иши» Стандартлаштириш бўйича техник кўмита томонидан ИШЛАБ ЧИКИЛГАН

Россия Давстандарти томонидан КИРИТИЛГАН

2 Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаш томонидан ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН (1998 йил 28 майдаги 13-98-сон баённома)

Қабул қилиш учун овоз берганлар:

Давлат номи	Стандартлаштириш бўйича миллий орган номи
Арманистон Республикаси	Армдавстандарт
Белоруссия Республикаси	Белоруссия Давстандарти
Қозоғистон Республикаси	Қозоғистон Республикаси Давстандарти
Қирғизистон Республикаси	Қирғизстандарт
Молдова Республикаси	Молдовастандарт
Россия Федерацияси	Россия Давстандарти
Тожикистон Республикаси	Тожиқдавстандарт
Туркменистон	Туркменистон Бошдавинспекцияси
Ўзбекистон Республикаси	Ўздавстандарт

3 Давлатлараро стандарт талаблари ИСО 18-81 «Документация. Оглавление периодических изданий» халқаро стандарти талабларига мос келади.

4 Россия Федерацияси Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлат кўмитасининг 1998 йил 9 октябрдаги 365-сон қарори билан ГОСТ 7.5-98 давлатлараро стандарти 1999 йил 1 июлдан бевосита Россия Федерациясининг давлат стандарти сифатида амалга киритилган

5 ГОСТ 7.5-88 ЎРНИГА

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими

ЖУРНАЛЛАР, ТЎПЛАМЛАР, АХБОРОТ НАШРЛАРИ
ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИГАН МАТЕРИАЛЛАРНИ НАШРИЁТГА ОИД
РАСМИЙЛАШТИРИШ

System of standards on information, librarianship and publishing.
Journals, collections, information editions. Presentation of publications

Жорий этиш санаси 1999-7-01

1 Қўллаш соҳаси

Ушбу стандарт мағна илмий ва ишлаб чиқариш-амалий журналларда, топламларда ҳамда ахборот нашрларида эълон қилинадиган материалларга тегишли ва нашриётга оид расмийлаштириш элементларига, шаклига, кетма-кетлигига ҳамда уларнинг жойлаштирилишига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Стандарт газеталарда чоп этиладиган материалларга тегишли эмас.

Стандарт ташкилий-ҳуқуқий структураси, идоравий тегишлилиги ва мулкчилик шаклидан қатъий назар ноширлар ва матбаа корхоналари учун мажбурийдир.

2 Норматив ҳаволалар

Ушбу стандартда қуйидаги стандартларга ҳаволалардан фойдаланилган:

ГОСТ 7.0-84 Библиографик фаолият. Асосий атамалар ва таърифлар

ГОСТ 7.1-84 Ҳужжатнинг библиографик таърифи. Умумий талаблар ва тузиш қоидалари

ГОСТ 7.4-95 Нашрлар. Чиқиш маълумотлари

ГОСТ 7.9-95 Реферат ва аннотация. Умумий талаблар

ГОСТ 7.12-93 Библиографик ёзув. Рус тилида сўзларни қисқартириш.

Умумий талаблар ва қоидалар

ГОСТ 7.23-96 Ахборот нашрлари. Тузилиши ва расмийлаштирилиши

ГОСТ 7.59-90 Ҳужжатларни индекслаш. Тизимлаштириш ва предметлаштиришга қўйиладиган умумий талаблар

ГОСТ 7.74-96 Ахборот-қидирув тиллари. Атамалар ва таърифлар

3 Таърифлар

3.1 Ушбу стандартда қуйидаги атамалар тегишли таърифлари билан қўлланилади:

3.1.1 мақола: Бирон-бир мавзуни, ғояни, масалани багафсил ёритувчи, уларнинг таҳлили элементларидан иборат бўлган ва даврий, давомли нашр ёки нодаврий тўплам учун унинг асосий матнлининг таркибий қисми сифатида мўлжалланган асар.

3.1.2 шарҳловчи мақола: Фан, техника, адабиёт ва санъатнинг муайян даврдаги ҳолатининг жамлама тавсифи, таҳлили ва баҳоланишидан иборат нашр.

3.1.3 бош мақола: Энг муҳим принципиал масалаларга бағишланган, ушбу нашр органи бўлган таҳририят ёки муассаса (ташқилот)нинг нуктаи назарини ифодаловчи ва нашрнинг бошида эълон қилинадиган даврий нашрнинг статик мақола.

3.1.4 маъруза: Илмий кенгаш ёки съезд, конференция, кенгаш ва ҳокимларда қилинадиган, фаолият тўғрисидаги ҳисобот ёки яқин орадаги тадбирлар режасидан иборат илмий мавзудаги хабар.

3.1.5 хабар: Илмий кенгаш, съезд, конференция, йиғилиш ва ҳ. даги илмий мавзудаги материаллар.

3.1.6 тақриб: Муаллиф асл нусхаси ёки чоп этилган нашрнинг таҳлили ва далили асосида баҳолашни ўз ичига олган асар.

3.1.7 тезислар: Конференция, анжуман ва съезд бошлангунга қадар киска ифодаланган қондалар ҳамда фикрлар.

3.1.8 таҳририят учун хат: Муаллиф бирон-бир далилни кенг жамоатчиликка етказиб берадиган ёки бирон масалани жамоатчилик муҳокамасига қўйган чиқиш шакли.

3.1.9 ахборот нашри: ГОСТ 7.23 бўйича;

3.1.10 журнал ичидаги (китоб ичидаги) библиографик кўрсаткичлар (рўйхатлар, шарҳлар): ГОСТ 7.0 бўйича;

3.1.11 асосий сарлавҳа: ГОСТ 7.74 бўйича.

4 Умумий қондалар

4.1 Стандарт қуйидаги материалларнинг нашриётга оид расмийлаштирилишини тартибга солади:

- мақолалар, шу жумладан бош мақоаларни, шарҳловчи мақоаларни;
- маърузалар ва хабарларни, маъруза ҳамда ахборотлар тезислари, резолюциялар, тавсиялар, конференциялар, кенгашлар, съездлар ва ш.к. нинг турли материалларини;

- журнал ичидаги (китоб ичидаги) библиографик кўрсаткичларни (рўйхатлар, шарҳлар), журналлар учун жорий ва ретроспектив «Мундарижа кўрсаткичлари»дан ташқари;

- қисқа илмий хабарларни (тахририят учун хатларни);
- тақризларни;
- ахборот-(библиографик, рефератив, шарҳли) нашрларини.

4.2 Нашриётга оид расмийлаштириш элементларининг тўплами ва уларнинг жойлашган ўрни эълон қилинаётган материал турига боғлиқ.

Нашриётга оид расмийлаштириш элементларини келтириш шакллари, кетма-кетлиги ва жойлашган ўрни нашрнинг барча сонлари (чиқишлари)да бир хил бўлиши керак.

Нашриётга оид расмийлаштириш элементлари материал эълон қилинадиган тилда келтирилади.

4.3 Нашриётга оид расмийлаштиришнинг қўшимча элементларидан фойдаланишга йўл қўйиладди.

5 Журналлар ва тўпламлардаги материалларни нашриётга оид расмийлаштириш

5.1 Материалларни нашриётга оид расмийлаштириш элементлари куйидагиларни ўз ичига олади:

- материал устида ишланган катнашган *муаллифлар, тузувчилар* ва бошқа шахслар *тўғрисида маълумот*;
- *эълон қилинадиган материал сарлавҳаси*;
- кичик сарлавҳа маълумотлари;
- УЎТ индекси;
- аннотация, резюме;
- асосий сўзлар;
- мақолага оид библиографик рўйхатлар;
- эълон қилинадиган материал таржима қилинган матн тили тўғрисида маълумотлар;
- кўлёзма тахририятга (тахрир хайъатига) келиб тушган сана;
- *эълон қилинадиган материал давом этиши ёки тугаганлиги тўғрисида маълумот*;
- илова;
- изох;
- *бўли кичик бўлим, цикл, подборканинг номи*;
- колонтитул.

Изохлар

1 Нашриётга оид расмийлаштиришнинг кўрсатилган элементлари (резюме, асосий сўзлар ва колонтитулдан ташқари) илмий нашрлар учун мажбурийдир.

2 Ишлаб чиқариш-амалий нашрлар учун мажбурий бўлган нашриётга оид расмийлаштириш элементлари курсив билан ажратилган.

Бир нашрда (сонда, чиқаришда) бўлиб бериладиган ёки даврий ва давомли нашрларда қисмлари бўйича бериладиган материалларни эълон қилишда нашр қилинаётган материал давом этиши ёки тугаганлиги тўғрисида маълумот берилиши мажбурийдир.

Эълон қилинаётган материал матндан сўнг жойлаштириладиган нашриётга оид расмийлаштириш элементлари мақолага оид библиографик рўйхат мавжуд бўлган ҳолларда ундан кейин берилади.

Тахририят (таҳрир ҳайъати) томонидан депозитга қўйилган мақолалар қўлёзмага тўғрисидаги ахборот 5.2, 5.5-5.7, 5.10, 5.12, 5.15-бандларнинг талабларига мувофиқ расмийлаштирилади.

5.2 Муаллифлар тўғрисида маълумот

5.2.1 Муаллифлар тўғрисидаги маълумот куйидаги элементлардан шеради:

муаллиф номи (исм-шарифининг бош ҳарфлари ва фамилияси; исми; исми, исм-шарифи; тахаллуси);

- илмий унвони, илмий даражаси;

- лавозими ёки касби;

- иш жойи (муассаса ёки ташкилотнинг, аҳоли пунктининг номи);

- мамлакат номи (хорижий муаллифлар учун).

Муаллиф номи бош келишида берилади.

Отасининг исмини кўрсатиш расм бўлмаган ҳолларда битта бош ҳарфи ёки исми кўрсатилади.

Илмий унвон, илмий даража, лавозими, касби, иш жойи, мамлакат номи тўғрисидаги маълумотлар тахририят ихтиёрига кўра муаллиф номидан кейин тўлик ёки қисқартирилган шаклда кўрсатилади. Қисқартмалар - ГОСТ 7.12 бўйича. Иш жойи ва мамлакат номини кўрсатишда аббревиатурадан фойдаланишга йўл қўйилади.

Жамоа асарларида муаллифлар номини улар томонидан қабул қилинган кетма-кетликда келтирилади.

Муаллиф номи матбаа воситалари ёрдамида ажратиб кўрсатилади.

5.2.2 Ўз сарлавҳасига эга бўлган мақолалар (бош мақолалардан ташқари), маърузалар ва ахборотларнинг, маъруза ва ахборотлар тезисларининг, қисқа илмий ахборотларнинг (тахририятга келган хатларнинг) ҳамда тақризларнинг муаллифлари тўғрисидаги маълумот сарлавҳадан олдин қўйилади.

Тақризнинг сарлавҳаси тақриз қилинаётган асарнинг библиографик таърифи билан алмаштирилганда тақриз муаллифи тўғрисидаги маълумот эълон қилинадиган материал матндан кейин ўнг томонга жойлаштирилади.

Бош мақолалар муаллифлари тўғрисидаги маълумот тахририят ихтиёрига кўра берилади ҳамда эълон қилинадиган материалдан кейин ўнг томонга жойлаштирилади.

Муаллифнинг иш жойи тўғрисидаги маълумотларни эълон қилинадиган материалнинг матнидан кейин алоҳида сатрда жойлаштирилишига йўл қўйилади.

5.3 Тузувчилар тўғрисидаги маълумот

5.3.1 Тузувчилар тўғрисидаги маълумот 5.2.1-бандга мувофиқ расмийлаштирилади.

Тузувчилар тўғрисидаги маълумотдан журнал ичидаги (китоб ичидаги) библиографик кўрсаткичларни (рўйхат, шарҳларни) эълон қилишда фойдаланилади.

Тузувчининг номи олдидан бажарилган иш характерини белгилловчи «Тузувчи», «Тузди» ва ш.к. сўзлар келтирилади.

5.3.2 Тузувчилар тўғрисидаги маълумот эълон қилинаётган материалдан кейин ўнг томонга жойлаштирилади.

5.4 Материал устида ишлашда қатнашган шахслар (таржимонлар, материални нашрга тайёрлаган шахслар, раъсонлар, фотосуратчилар ва ш.к.) тўғрисидаги маълумот

5.4.1 Материал устида ишлаган қатнашган шахсларнинг номи қуйидагича шаклда: исм-шарифининг бош ҳарфлари ёки бош ҳарфи ва фамилияси, исми ва фамилияси, тахаллуси берилади.

Материал устида ишлаган шахс исмидан олдин бажарилган иш характерини белгилловчи сўзлар берилади.

Таржимон номи олдидан бажарилган иш характерини белгилловчи сўзлардан олдин эълон қилинадиган материал таржима қилинган тил тўғрисидаги маълумот кўрсатилади.

5.4.2 Материал устида ишлашда қатнашган шахслар тўғрисидаги маълумот эълон қилинадиган материал матнидан кейин ўнг томонга жойлаштирилади.

5.5 Эълон қилинадиган материал сарлавҳаси

5.5.1 4.1-бандда санаб ўтилган материаллар сарлавҳасиз эълон қилинишига йўл қўйилмайди.

Тақриз сарлавҳасини тақриз қилинаётган асарнинг библиографик таърифи билан алмаштиришга йўл қўйилади. Библиографик таъриф - ГОСТ 7.1 бўйича.

Эълон қилинадиган материал сарлавҳасига у эълон қилинадиган бўлим, кичик бўлим, цикл, подборка номини киритишга йўл қўйилмайди.

Материал даврий ёки давомли нашрларнинг бир нечта сонидан (нашрида) қисмлар билан чоп этилганда эълон қилинаётган материал сарлавҳасини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Эълон қилинадиган материалнинг сарлавҳаси матбаа воситалари ёрдамида ажратиб кўрсатилади.

5.5.2 Эълон қилинадиган материалнинг сарлавҳаси эълон қилинаётган материалдан аввал жойлаштирилади.

5.6 Кичик сарлавҳа маълумотлари

5.6.1 Эълон қилинадиган материалнинг кичик сарлавҳа маълумотларига қуйидагилар қиради:

- эълон қилинадиган материал сарлавҳасини изоҳловчи маълумотлар;

- эълон қилинадиган материал тури, шу жумладан шарҳловчи асарлардаги «Адабиётлар шарҳи», «Хатлар шарҳи», «... шарҳи» каби ифодалар тўғрисидаги маълумотлар, агар улар эълон қилинадиган материал сарлавҳасида бўлиб, кичик бўлиб, цикл, подборка номида, нашр сарлавҳаси номида ёки унинг кичик сарлавҳа маълумотларида келтирилмаган бўлса;

эълон қилинадиган материал қисмининг тартиб рақами;

такриз қилинадиган асарнинг ва ўз сарлавҳасига эла такризнинг ГОСТ 7.1 бўйича библиографик таърифи;

конференция, кенгаш, съездлар ўтказиладиган жой ва сана (кун, ой, йил), маърузаларда ва ахборотларда, маърузалар ҳамда ахборотлар тезисларида, конференция, кенгашлар, съездлар ва х.к. материалларида - агар улар эълон қилинадиган материал сарлавҳасида, бўлиб, кичик бўлиб, цикл, подборка номида, нашр сарлавҳасида ёки кичик сарлавҳа маълумотларида кўрсатилмаган бўлса.

5.6.2 Кичик сарлавҳа маълумотлари эълон қилинадиган материалдан кейин жойлаштирилади.

5.7 УЎТ (Универсал ўнлик таснифи)

5.7.1 УЎТ индекси илмий-амалий ва маданий фаолиятнинг барча соҳаларини ақс эттирувчи мақолаларда берилди.

5.7.2 Мақолалар УЎТ индекси (бош мақолалардан ташқари) маърузалар ва ахборотлар, маърузалар ҳамда ахборотлар тезислари, қисқа илмий хабарлар (таҳририятга хатлар) ва тақризларнинг муаллифлар тўғрисидаги маълумотларидан олдин берилди.

Тақриз сарлавҳаси тақриз қилинаётган асарнинг библиографик таърифи билан алмаштирилганда, УЎТ индекси библиографик таърифдан олдин қўйилади.

Конференция, кенгаш, съезд ва ш.к.лар материалларининг УЎТ индекси эълон қилинадиган материал сарлавҳасидан олдин берилди.

УЎТ индекси чап томондаги алоҳида сатрда жойлаштирилади.

5.8 Аннотация. Резюме

5.8.1 Аннотация эълон қилинадиган материал тилида берилди.

Аннотация ГОСТ 7.9 бўйича расмийлаштирилади.

Аннотациядан ташқари резюме эълон қилинишига ҳам йўл қўйилади. Резюме эълон қилинадиган материал матн тилидан фарқ қилувчи бонка тилларда берилади.

Резюме бир неча тилда берилган ҳолда рус тилидаги аннотацияни рус тилидаги резюме мазмун билан алмаштиришга йўл қўйилади.

5.8.2 Аннотация мақолаларга (бош мақолалардан ташқари), маърузаларга ва ахборотларга, қисқа илмий хабарларга (таҳририятга келган хатларга) берилади.

Эълон қилинадиган материал тилидаги аннотация эълон қилинадиган материал матнидан олдин, сарлавҳа ва кичик сарлавҳа маълумотларидан кейин жойлаштирилади.

Резюме эълон қилинадиган материал, материал устида ишларда катнашган шахслар тўғрисидаги маълумот, эълон қилинадиган материал таржима қилинган тил, қўлёзма таҳририятга (таҳрир хайъатига) келиб тушган сана ҳамда рус тилидаги аннотациядан сўнг жойлаштирилади.

5.9 Асосий сўзлар

5.9.1 Асосий сўзлар эълон қилинадиган материал матнидан танлаб олинади ҳамда мағбаа воситалари ёрдамида ажратиб кўрсатилади.

5.9.2 Мақолалар (бош мақолалардан ташқари), маърузалар ва ахборотлар, маъруза ва ахборот тезислари, қисқа илмий хабарлар (таҳририятга келган хатлар)даги муҳим сўзлар бевосита сарлавҳадан кейин эълон қилинадиган материал матнидан олдин жойлаштирилади.

5.10 Мақолага оид библиографик рўйхатлар

5.10.1 Мақолага оид библиографик рўйхат сарлавҳасида «Рўйхат» сўздан фойдаланилади (масалан «.....адабиётлар рўйхати», «...библиографик рўйхат» ва б.). Мақолага оид библиографик рўйхат сарлавҳасида «Библиография» сўздан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Мақолага оид библиографик рўйхатлардаги библиографик таъриф ГОСТ 7.1 бўйича тузилади.

Мақолага оид библиографик рўйхатлардаги библиографик ёзувлар рақамланиши керак.

5.10.2 Мақола, маъруза ва хабарлар, қисқа илмий хабарлар (таҳририятга келган хатларнинг) ва тақризлар учун мақолага оид библиографик рўйхатлар бевосита эълон қилинадиган материал матнидан сўнг жойлаштирилади.

Тақризлар учун мақолага оид библиографик рўйхатлар берилмаслиги мумкин.

5.11 Эълон қилинадиган материал таржима қилинган матн тили тўғрисидаги маълумот

МДХ мамлакатлари халқлари тилларидан ва хорижий тиллардан таржима қилинган материаллари эълон қилишда асл нусханинг тили

тўғрисидаги маълумот эълон қилинадиган материал матндан кейин ўнг томонга жойлаштирилади.

5.12 Кўл ёзма тахририятга (тахрир хайъати)га келиб тушган сана

5.12.1 Кўл ёзма тахририятга (тахрир хайъати)га келиб тушган сана араб рақамларида: кун, ой ва йил учун иккитадан рақам билан белгиланади.

Кўл ёзма тахририят (тахрир хайъати)га келиб тушган санадан олдин: «...олипти», «Материал тахририят (тахрир хайъати)га ...да келиб тушди» ва ш.к. сўзлари берилди.

5.12.2 Мақолалардаги (таржима мақолаларидан ташқари) журнал ичидаги (китоб ичидаги) библиографик шарҳларда ва қисқа илмий хабарларда (тахририятга келган ҳақларда) кўл ёзманинг тахририятга (тахрир хайъати)га келиб тушган санаси эълон қилинадиган материал матндан кейин жойлаштирилади.

5.13 Эълон қилинадиган материалнинг давом этиши ёки тугаганини тўғрисида маълумот

Материал даврий ёки давомли нашрнинг бир нечта сониди (нашрида) қисмлари билан эълон қилинганда охириги қисмдан ташқари ҳар бир қисмнинг охирида «Давоми (охири) бор» белгиси қўйилади.

Даврий ёки давомли нашрда эълон қилинадиган материалнинг ҳар бир кейинги қисми бошланган саҳифасида сағр ости изоҳдан ёки матндан олдин «Давоми (охири)» белгиси қўйилади ҳамда эълон қилинадиган материалнинг олдинги қисмлари босилган сонлари (нашрлари) кўрсатилади.

Материал бир нашрда (сонда, чиқишда) узиб берилган ҳолларда, охириги қисмдан ташқари ҳамма қисмлари охирида «Давоми (охири)...да» белгиси қўйилади.

Бир нашрда (сонда, чиқишда) эълон қилинадиган материалнинг кейинги ҳар бир қисми бошланган саҳифасида материал матндан олдин «Давоми (охири). Бопи ...да» белгиси қўйилади.

5.14 Илова

5.14.1 Эълон қилинадиган материалга илова ўз сарлавҳаси билан берилди.

Илова таалуқли бўлган материал тўғрисидаги маълумотлар (муаллиф номи ва/ёки материал сарлавҳаси), агар улар илова сарлавҳасига кирмаса, илованинг кичик сарлавҳа маълумотларида келтирилади.

Асосий эълон қилинадиган материал иловасининг сарлавҳаси ёки кичик сарлавҳа маълумотларида материал илова эканлиги тўғрисидаги маълумот берилди.

Илова иккита ёки ундан ортиқ бўлганда уларни рақамлаш зарур.

5.14.2 Эълон қилинадиган материаллар билан боғлиқ бўлмаган илова

Нашрда эълон қилинадиган материаллардан биронтаси билан ҳам боғлиқ бўлмаган илованинг кичик сарлавҳа маълумотларида, агар ушбу

сарлавҳа (ном) илова сарлавҳасида кўрсатилмаган бўлса, илова эълон қилинадиган нашр сарлавҳаси (номи) келтирилади.

5.15 И з о х

5.15.1 Библиографик ҳаволани ўз ичига олган изох ГОСТ 7.1 бўйича расмийлаштирилади.

Россия Федерацияси халқлари тилларидан ва хорижий тиллардан таржима қилинган материални эълон қилишда изохда эълон қилинадиган материал таржима қилинган нашр тўғрисидаги маълумот бериледи.

Эълон қилинадиган материал кўчириб босилган ҳолларда изохда материал кўчириб босилган нашр тўғрисидаги маълумот келтирилади.

Эълон қилинадиган материал таржима қилинган нашр тўғрисидаги маълумот ва эълон қилинадиган материал кўчириб босилган нашр тўғрисидаги маълумот изохда фақат библиографик илова шаклида келтирилади.

Ўз сарлавҳасига эга тақризда тақриз қилинаётган асар тўғрисидаги маълумот, агар улар кичик сарлавҳа маълумотларида келтирилмаган бўлса, изохда библиографик ҳавола шаклида бериледи.

5.15.2 Изохлар жойлашувига кўра матн ичидаги, матндан кейинги ва сатр ости изохларига бўлинади. Матн ичидаги изохлар эълон қилинадиган материал матнида қавс билан ажратиб жойлаштирилади.

Матндан ташқари изохлар бевосита эълон қилинадиган материалнинг асосий матнидан кейин жойлаштирилади.

Сатр ости изохлар эълон қилинадиган материал матнининг сатрлари остидаги қизиқ тагида жойлаштирилади.

Матндан кейинги ва сатр ости изохлар улар тааллуқли бўлган матн билан ҳавола белгилари: араб рақамлари ҳамда юлдузчалар орқали боғланади.

5.16 Б ў л и м, к и ч и к б ў л и м, ц и к л, п о д б о р к а н о м л а р и

Материални бўлим, кичик бўлим, цикл, подборка таркибида эълон қилишда бўлим, кичик бўлим, цикл, подборка номи келтирилади.

5.17 К о л о н т и т у л

Даврий ва давомли нашрлар колонтитули кўрсатилган кетма-кетликда қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

- серияли нашрнинг халқаро стандарт рақамини (ISSN аббревиатураси билан);

- нашрнинг асосий сарлавҳасини (ISSN берилганда нашрнинг белгиланган шаклдаги сарлавҳаси);

- нашр чиқарилган йил;

- том, қисм, нашрнинг тартиб рақами.

Нодаврий гўпламлар колонтитулига кўрсатилган кетма-кетликда қуйидаги элементлар кирди:

- китобнинг халқаро стандарт рақами (ISSN аббревиатураси билан);
- нашр сарлавҳаси (номи);
- нашр чиқарилган жой;
- нашр чиқарилган йил.

Нодавий тўпламлар номини колонтигулда қисқартиришга йўл қўйилади: охири сўзлар қолдирилади, сарлавҳа ўртасидаги сўзлар туллириб қолдирилади, айрим сўзлар ёки сўз бирикмаларининг мазмуни бузилмаган ҳолда, аббревиатура билан алмаштирилади.

Колонтигул саҳифанинг юқори ёки қуйи қисмида алоҳида сатрда жойлаштирилади.

6 Мундарижани нашриётга оид расмийлаштириш

6.1 Мундарижа элементлари

Мундарижа элементлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- бўлим, кичик бўлим, цикл, подборка номини;
- эълон қилинадиган материал тўғрисидаги маълумотларни.

Мундарижанинг ҳар бир элементи алоҳида сатрда жойлаштирилади.

Мундарижа элементларида эълон қилинадиган материалда кўрсатилган маълумотларни келтириш кетма-кетлиги ва шакли сақлаб қолинади, 6.1.2.1, 6.1.2.2, 6.1.2.4, 6.1.2.5, 6.1.2.7-бандларида санаб ўтилган ҳолатлар бундан мустасно.

Нашрда мундарижанинг бўлиши шарт.

6.1.1 Бўлим, кичик бўлим, цикл, подборка номи ушбу бўлим, кичик бўлим, цикл, подборка таркибиде эълон қилинадиган материаллар тўғрисидаги маълумотдан олдин келтирилади.

Бўлим, кичик бўлим, цикл, подборка номи матбаа воситалари ёрдамида ажратиб кўрсатилади.

6.1.2 Эълон қилинадиган материал тўғрисидаги маълумотларга кўрсатилган кетма-кетликда қуйидаги элементлар киради:

- муаллифнинг номи;
- эълон қилинадиган материал сарлавҳаси;
- кичик сарлавҳа маълумотлари;
- тузувчи ҳамда материал устида ишлашда қатнашган бошқа шахслар тўғрисида маълумот;
- эълон қилинадиган материал давом этиши ёки тугаганлиги тўғрисида маълумот;
- эълон қилинадиган материалнинг жойлаштирилган жойи тўғрисида маълумот;
- илова тўғрисида маълумот.

6.1.2.1 Мундарижадаги муаллифнинг номи унинг фамилиясидан бошланади.

Муаллифнинг исми ва отасининг исмини бош ҳарфлар билан алмаштиришга йўл қўйилади.

Жамоа асарларида эълон қилинадиган материал матнида берилган муаллифлар номларининг кетма-кетлиги сақлаб қолинади.

Муаллифнинг илмий даражаси, илмий унвони, лавозими, касби ва иш жойи тўғрисидаги маълумот келтирилмайди.

Муаллифнинг номи матбаа воситалари ёрдамида ажратиб кўрсатилади.

6.1.2.2 Эълон қилинадиган материал сарлавҳаси эълон қилинадиган материал матнида берилган шаклда сақлаб қолинади.

Эълон қилинадиган материал сарлавҳасининг ифода этилишини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Эълон қилинадиган материал бағишланган шахснинг илмий даражаси, илмий унвони, лавозими, касби ва иш жойини белгилайдиган сарлавҳага кирувчи сўзларни ГОСТ 7.12 бўйича қисқартиришга йўл қўйилади.

6.1.2.3 Кичик сарлавҳа маълумотлари тахририят ихтиёрига кўра берилади.

6.1.2.4 Тузувчилар ва материал устида ишлашда қатнашган бошқа шахслар тўғрисидаги маълумот тахририят ихтиёрига кўра берилади.

Тузувчилар ва материал устида ишлашда қатнашган бошқа шахслар исmlарининг, шунингдек бажарилган иш хусусиятларини белгиловчи ва улар билан эълон қилинадиган материал таржима қилинган матн тили тўғрисидаги маълумот билан грамматик боғлиқ бўлган сўзларнинг кетма-кетлиги эълон қилинадиган материал матнида берилган кетма-кетликка мувофиқ бўлиши керак.

6.1.2.5 Даврий ёки давомли нашрнинг бир неча сониди (нашрида) қисmlар билан эълон қилинадиган материалнинг давом этиши ёки тугаганлиги тўғрисидаги маълумот куйидаги шаклда келтирилади:

«Давоми» - материалнинг биринчи ва охириги қисмидан ташқари барча қисmlари учун;

«Охири» - материалнинг охириги қисми учун.

6.1.2.6 Эълон қилинадиган материалнинг жойлаштирилган ўрни тўғрисидаги маълумот эълон қилинадиган материал боши жойлаштирилган саҳифанинг тартиб рақами билан белгиланади.

Агар эълон қилинадиган материал нашрнинг муқовасида босиладиган бўлса, эълон қилинадиган материалнинг жойлашиш ўрни тўғрисидаги маълумот муқова бетининг тартиб рақамини кўрсатган ҳолда «муқовапиш...-бетида» шаклида келтирилади.

Агар эълон қилинадиган материал ёпиштирама ва қўшимча қўйилган варақларда босилса, эълон қилинадиган материалнинг жойлашган ўрни тўғрисидаги маълумот ўргасида ёпиштирама ёки қўшимча қўйилган варақ жойлашган нашр саҳифаларининг тартиб рақами кўрсатилган ҳолда

«Ёлиштирма (қўшимча қўйилган варақ)да, ... саҳифалар орасида» шакли бўйича келтирилади.

6.1.2.7 Илова тўғрисидаги маълумот унинг нашрдаги жойлашган ўрнини кўрсатган ҳолда келтирилади.

Агар илова эълон қилинадиган материаллардан бири билан боғлиқ бўлса, илова тўғрисидаги маълумот эълон қилинадиган материал тўғрисидаги маълумотдан кейин жойлаштирилади, масалан: «Россия Олтин ҳалқа шаҳарларининг герблари» иловаси билан...- Бетлар орасидаги ёлиштирма варақда...» ёки «Шаҳарларнинг ўсиш жадвали, 1995-2000. - иловаси билан - муқованинг 3-1 бетларида»:

Агар илова эълон қилинадиган материалнинг ҳеч бири билан боғлиқ бўлмаса, илова тўғрисидаги маълумот мундарижанинг охирида берилди, масалан: «Ил.: Машиный радиоаппаратура чиқариш. - Қўшимча қўйилган варақда.».

6.2 Мундарижа номи

Мундарижа номи унинг таркибидаги элементлар тўғрисидаги маълумотдан олдин берилди.

Мундарижанинг номи алоҳида сатрда берилиб, матбаа воситалари ёрдамида ажратиб кўрсатилади.

Мундарижанинг номи учун «Мундарижа», «Ушбу сонда (нашрда): ...» сўзларидан фойдаланилади. «Мундарижа» сўзини қўллашга йўл қўйилмайди.

6.3 Мундарижанинг жойлашган ўрни

Мундарижа нашр матнидан олдин ёки кейин жойлаштирилади.

Мундарижани нашрда эълон қилинадиган материаллардан олдин жойлаштириш тавсия этилади.

6.4 Мундарижа тили

Бир неча тиллардаги нашрда мундарижа нашр матнининг бир ёки бир неча тилларида эълон қилинади.

Мундарижани нашр матнида фойдаланилмаган тилларга таржима қилинган ҳолда эълон қилинишига йўл қўйилади.

7 Нашр бетларини рақамлаш

Нашр бетлари тартиб рақамлари (пагинация)га эга бўлиши керак.

Нашрда бетларни рақамлаш учун фақат араб рақамларидан фойдаланилади.

Бетнинг тартиб рақами тўғрисидаги маълумот колонрақам билан белгиланади ва нашр бетининг юқори ёки қуйи қисмида келтирилади.

Колонрақам алоҳида сатрда берилди, титул варақ ва охириги титул варақдан ташқари нашрнинг барча бетларига қўйилади.

Саҳифада бир сатрда колонракам билан колонтитулни қўшиб берилишига йўл қўйиллади.

Нашр асосий матнининг бетлари бошидан охиригача рақамланиши керак.

Том доирасидаги китоблар бетининг бошидан охиригача рақамланишига йўл қўйиллади.

Муқовалар бетлари нашр бетларининг рақамланишига киритилмайди.

8 Ахборот нашрларини нашриётга оид расмийлаштириш

8.1 Ахборот нашрларини нашриётга оид расмийлаштириш элементларига қуйидагилар кирази:

- сўз боши;
- нашрдан фойдаланиш бўйича қўлланма;
- тасниф индекслари, шу жумладан УЎТ индекси;
- бўлим (кичик бўлим) номи;
- тузувчилар, муаллифлар ва муҳаррирлар тўғрисида маълумот;
- тасниф схемаси;
- ҳаволалар тизими;
- ёрдамчи кўрсаткичлар;
- шарҳловчи мақола сарлавҳаси;
- кичик сарлавҳа маълумотлари;
- асосий сўзлар;
- иловалар;
- изох;
- фойдаланилган ахборот манбалари рўйхати;
- қисқартмалар ва шартли белгиланишлар рўйхати;
- колонтитул.

8.2 Библиографик ва рефератив нашрларни нашриётга оид расмийлаштириш элементлари қуйидагилардан иборат:

- тасниф индекслари, шу жумладан УЎТ индекси;
- бўлим (кичик бўлим) номи;
- бўлим (кичик бўлим) тузувчилари тўғрисида маълумот;
- бўлим (кичик бўлим) муҳаррирлари тўғрисида маълумот;
- сўз боши;
- нашрдан фойдаланиш бўйича қўлланма;
- тасниф схемаси;
- ҳаволалар тизими;
- ёрдамчи кўрсаткичлар;
- қисқартмалар ва шартли белгиланишлар рўйхати;
- колонтитул.

Изоҳ - Нашриётга оид расмийлаштиришнинг мажбурий элементлари курсив билан ажратиб кўрсатилган (ёрдамчи кўрсаткичлар фақат рефератив наشرлар учун мажбурий).

8.2.1 Тасниф индекслари ГОСТ 7.59 бўйича тасниф тизимларига мувофик келиши керак.

Тасниф индекслари бўлим (кичик бўлим) номидан олдин жойлаштирилади.

Бўлим (кичик бўлим) УЎТ индекси табиий ва техника мавзуларидаги материалларда келтирилади.

8.2.2 Бўлимлар (кичик бўлимлар) номлари ушбу наشر учун қабул қилинган тасниф схемасига мос келиши керак.

Бўлимлар (кичик бўлимлар) номлари матбаа воситалари ёрдамида ажратиб кўрсатилади.

8.2.3 Бўлим (кичик бўлим) тузувчилари тўғрисидаги маълумот тегишли бўлим (кичик бўлим)дан кейин жойлаштирилади: «Тузувчи Н.В.Иванов».

Бўлим (кичик бўлим) тузувчисининг илмий унвони, илмий даражаси тўғрисидаги маълумотни тўлиқ ёки қисқартирилган шаклда беришга йўл қўйилади. Қисқартириш - ГОСТ 7.12 бўйича.

8.2.4 Бўлим (кичик бўлим) муҳаррирлари тўғрисидаги маълумот тегишли бўлим (кичик бўлим)дан кейин жойлаштирилади: «Муҳаррир В.И. Петров», «Илмий муҳаррир К.М. Сидоров»

Бўлим (кичик бўлим) муҳаррирининг илмий унвони, илмий даражаси тўғрисидаги маълумотни тўлиқ ёки қисқартирилган шаклда беришга йўл қўйилади. Қисқартириш - ГОСТ 7.12 бўйича.

8.2.5 Сўз боши, наشرдан фойдаланиш бўйича қўлланма, тасниф схемаси, ҳаволалар тизими, ёрдамчи кўрсаткичлар, қисқартмалар ва шартли белгиланишлар рўйхати - ГОСТ 7.23 бўйича.

8.2.6 Библиографик ва рефератив наشرларда наشرнинг чап ва ўнг бетларига қўйиладиган колонтитулдан фойдаланиш тавсия этилади.

Колонтитул куйидагилардан иборат:

- бетдаги библиографик ёзувнинг биринчи идентификация (тартиб) рақами;

- наشر сарлавҳаси (номи) ёки наشرнинг асосий сарлавҳаси (сарлавҳа ISSN беришда белгиланган шакл бўйича);

- наشر чиқарилган йил;

- наشر томи ва (ёки) наشرнинг рақами;

- бўлим (кичик бўлим) номи;

- бетдаги библиографик ёзувнинг охириги идентификация (тартиб) рақами.

8.3 Шарҳловчи наشرларда эълон қилинадиган шарҳловчи мақолаларни нашриётга оид расмийлаштириш элементлари куйида иларни ўз ичига олади;

- *тузувчилар (муаллифлар) тўғрисида маълумот;*

- шарҳловчи мақола сарлавҳаси;
- кичик сарлавҳа маълумотлари;
- УЎТ индекси;
- асосий сўзлар;
- фойдаланилган ахборот манбалари рўйхати;
- қисқартмалар ва шартли белгиланишлар рўйхати.

Изоҳ - Нашриётга оид расмийлаштиришнинг мажбурий элементлари курсив билан ажратилган.

8.3.1 Тузувчилар тўғрисидаги маълумот муаллифлар тўғрисидаги маълумот каби расмийлаштирилади.

Шарҳловчи мақола тузувчилари (муаллифлари) тўғрисидаги маълумот шарҳловчи мақола сарлавҳасидан олдида жойлаштирилади.

Битта шарҳловчи мақоладан иборат бўлган шарҳловчи нашрдаги тузувчилар тўғрисидаги маълумотнинг расмийлаштирилиши ва жойлаштирилиши - ГОСТ 7.4 бўйича.

8.3.2 Шарҳловчи мақола сарлавҳаси матбаа воситалари ёрдамида ажратиб кўрсатилади.

8.3.3 Кичик сарлавҳа маълумотлари шарҳловчи мақола сарлавҳасини изоҳловчи маълумотларни ўз ичига олади.

Кичик сарлавҳа маълумотлари шарҳловчи мақола сарлавҳасидан кейин жойлаштирилади.

8.3.4 УЎТ индекси табиий ва техника мавзуларидаги шарҳловчи мақолаларда берилди.

УЎТ индекси шарҳловчи мақола тузувчилари (муаллифлари) тўғрисидаги маълумотдан олдида алоҳида сатрда (чап томонда) жойлаштирилади.

8.3.5 Асосий сўзлар - 5.9-бандга қар.

8.3.6 Фойдаланилган ахборот манбалари рўйхати шарҳловчи мақола матнидан кейин жойлаштирилади.

8.3.7 Қисқартмалар ва шартли белгиланишлар рўйхати - ГОСТ 7.23 бўйича.

А илова
(маълумот учун)

Эълон қилинадиган мағриалларни наприётга оид
расмийлаштириш намуналари

Илмий нашрда мақолани наприётга оид
расмийлаштириш намунаси
(колонтитул билан)

ISSN 0002-3329. РФА ахбор. Биол.сер. 1996. 5-сон.

УЎТ 576.6

Э.Р. АСАДОВ, С.Х. ТАНАЛЦИН, Е.Е. ПАНЦХАВА

ВЛИЯНИЕ КОНЦЕНТРАЦИИ СУБСТРАТА НА КОНВЕРСИЮ
ОРГАНИЧЕСКИХ ВЕЩЕСТВ В БИОГАЗ

Хароратнинг (33 ва 53 °С) ва субстрат турли концентрацияларининг
корамол чикиндилари конверсияси учун биогазга айланишига таъсири
тадқиқ қилинди...

Аннотация мағнининг давоми

биогаз, ферментация, субстрат, ўғит концентрацияси

Таркибида 10 фоиздан зиёд органик молдалар бўлган
концентрацияланган органик чикиндиларни биоконверсия қилиш йўли билан
биогаз ва ўғит олиш...

эълон қилинаётган мағнининг давоми

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1 Баадер В., Доне Е., Врендерфер М. Биогаз: Теория и практика. - М.:
Колос, 1986.-148 б.

2 Заварзин Г.А. Трофические связи в метаногенном сообществе // РФА
ахборот., Биол.сер. -1996. - 6-сон. 34 б.

3 _____

4 _____

5 _____

А.Н. Бах номидаги Биохимия институти. Материал нашриётга 1996 йил
8 июлда тушган.

E.R. ASADOV, S. KH. TAPALTSYAN, E.F. PANTSKHAVA

EFFECT OF SUBSTRATE CONCENTRATION OF ORGANIC
COMPOUNDS INTO BIOGAS

Institute of biochemistry, Russian Academy of Sciences, Moscow

_____ Резюме матни _____

**Ишлаб чиқариш-амалий журналда
маколани нашриётга оид расмийлаштириш намунаси
(колонтитул ва бўлим номи билан)**

ISSN 0030-6223.Основания, фундаменты и механика грунтов. 1996. 4-сон

_____ ЛОЙИХАЧИГА ЁРДАМ УЧУН _____

УЎТ 624.155.113.3

Б.В. БАХОЛДИН, Е.В. СВЕТИНСКИЙ, фан техн. помзодлари (НИИ
асосида):

**О ВОЗМОЖНОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ МНОГОСЕКЦИОННЫХ
СОСТАВНЫХ СВАЙ КВАДРАТНОГО ПОПЕРЕЧНОГО СЕЧЕНИЯ
БОЛЬШОЙ ДЛИНЫ**

Маколада қалин қатламдан иборат бўш тупроқ ҳудудларда қурилишни
кенгайтириш муносабати билан тартибли қозикларни (ўзларининг) қўлланиш
масалалари кўриб чиқилган. _____

 Аннотация матни давоми

кўп секцияли таркибли темир-бетон козиқлар, бўш тулроқлар, козиқларни қўллаш...

Саноат ва уй-жой қурилишида, одатда таркибли темир-бетон козиқлар қўлланилади...

 Ўзлон қилинадиган материал матнининг давоми

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Бахолдин В.В., Илькевич В.Я. О рациональной области применения различных конструкция свайных фундаментов для жилищного строительства на слабых грунтах // Основания, фундаменты и механика грунтов.-1996.- 2-сон.-23-26 б.
2. Вершинин В.П., Илькевич В.Я., Бахолдин В.В. Какие сваи рациональнее? // Строительство и архитектура Санкт-Петербурга.-1996.- 4-сон - 20-21 б.
3. Исследование отклонений свай при погружении / Е.В. Светинский, Ю.М. Приходько, Х.А. Джантимиров, С.А. Кузнецов, М.Р. Леках // Основания, фундаменты и механика грунтов. -1995.- 3-сон -9-10 б.

1996 йил 12 августда олинди.

**Илмий-амалий журналда
мақолани нашриётга оид расмийлаштириш намунаси,
(колонтитул билан)**

ISSN 0039-2448. Стр-во трубопроводов. 1996. 9-сон.

УЎТ 621.643.29 : 621.791 : 620.179.11

В.Ю. КАРГИН, А.В. КАРПЕНКО, Г.К. КАЙГОРОДОВ

Газпромингаз, Сарагов

**НЕРАЗРУШАЮЩИЙ МЕТОД КОНТРОЛЯ КАЧЕСТВА
СВАРНЫХ СОЕДИНЕНИЙ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ТРУБ**

Аннотация матни

полиэтилен трубалари, пайванд қилиш бирикмалари, газ таксимловчи тармоқлар, сифат назорати методлари

Қишлоқ жойларда газ таксимловчи тармоқларни лойиҳалаштиришда капитал қурилишдаги полиэтилен трубалар тобора кенг қўлланилмоқда...

Эълон қилинадиган материал матнининг давоми

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ромейко В.С., Шестопал А.И., Перспон А.А. Пластмассовые трубопроводы. – М.: Высш. шк., 1994.- 100-125 б.
2. Зайцев Н.И. Сварка пластмасс при сооружении объектов нефтяной и газовой промышленности. – М.: Недра, 1996.-5-10 б.
3. Кораб Г.И., Адаменко А.А. Комплексное обеспечение качества сварных соединений пластмассовых трубопроводов / Ип-т электросварки им. Е.О Патона. – Киев, 1992. – 402 б.

**Илмий асарлар тўпламида мақолани
нашриётга оид расмийлаштириш намунаси
(колонтитул билан)**

ISBN 0-000000-00-0. Экономика энергоресурсов в системах теплогазообмена и вентиляции. СПб., 1996.
УЎТ 628.83

В.В. БАНИН

Санкт-Петербургский технологический институт им. Ленсовета

**ВЛИЯНИЕ КРУТКИ ПОТОКА НА ТРАНСПОРТИРОВАНИЕ
МАТЕРИАЛА ПО ТРУБОПРОВОДУ**

Пневмотранспорт тизимининг энергия сарфини камайтириш ҳамда уятувчи кувурлар хизмат қилиш муддатини оширишнинг долзарб масалалари кўриб чиқилган.

6.8.1 Тенгламалар ва формулалар матндан алоҳида сатрга ажратилиши керак. Ҳар формула ва тенгламанинг тепасида ва тагида биттадан кам бўлмаган бўш сатр қолдирилиши керак. Агар тенглама бир сатрга сикмаса, уни тенглик белгиси (=) ёки плюс (+), минус (-), кўшайтириш (х), бўлиш (:) ёки бошқа математик белгилардан кейин кўчирилиши керак, бунда белги кейинги сатр бошида такрорланади. Формулаларни кўчиришда белгисида кўнайгириш операциясини билдирадиган символда «X» белгиси қўлланади.

6.8.2 Символлар ва сонли коэффициентлар маъноларини тунунтиришлар улар формулада берилган кетма-кетликкаги каби бевосита формула остида берилиши керак.

6.8.3 Ҳисоботда формулалар тартиб бўйича бутун ҳисобот доирасида араб рақамлари билан думалоқ қавс ичида сатрнинг ўнг четида рақамланади.

Мисол

A=a:b,

(1)

B=c:e

(2)

Битта формула – (1) белгиланади

6.8.4 Иловаларда жойлаштириладиган формулалар ҳар бир сон олдига илова белгисини қўйган ҳолда ҳар бир илова доирасида алоҳида рақамланиши билан араб рақамларида рақамланади, масалан, (B.1)-формуласи.

6.8.5 Матндаги формулаларнинг тартиб рақамига ҳаволалар қавсда оёрилади. Мисол - ... (1)- формулада

6.8.6 Бўлим доирасида формулаларни рақамлашга рухсат этилади. Бундай ҳолда формуланинг рақами бўлим рақами ва формуланинг нуқта билан ажратилган тартиб рақамидан иборат бўлади, масалан (3.1)

6.8.7 Ҳисоботда математик теңгламаларни баён этиш тартиби формулаларни баён этиш тартибига ўхшаш.

6.8.8 Ҳисоботда формула ва теңгламаларни қўлёзма усули орқали қора сийёҳда бажаришга рухсат этилади.

6.9 Ҳаволалар

6.9.1 Ҳисоботда ушбу ҳужжат, стандарт, техник шартлар ва бошқа ҳужжатларга ҳаволаларга йўл қўйилади, улар тегизли талабларни тўлиқ ва бир хил белгилаши ва ҳужжатдан фойдаланишда кийинчилик туғдирмаслиги шарт билан.

6.9.2 Бутун ҳужжатга ёки унинг бўлимлари ва иловаларига ҳавола берилиши керак. Кичик бўлимлар, бандлар, жадваллар ва иллюстрацияларга ҳаволалар берилиши мумкин эмас, ушбу ҳужжатнинг кичик бўлимлари, бандлари, жадваллари ва иллюстрациялари бундан мустасно.

6.9.3 Стандарт ва техник шартларга ҳаволалар берилганда фақат уларнинг белгиланиши кўрсатилади, бунда ГОСТ 7.1 бўйича фойдаланилган манбалар рўйхатида стандартга тўлиқ таъриф берилиши шарт билан уларнинг тасдиқланган йили кўрсатилмаслиги мумкин.

6.9.4 Фойдаланилган манбаларга ҳаволалар квадрат қавсларда келтирилади.

6.10 Титул варағи

6.10.1 Титул варағи қуйидаги реквизитларга эга:

- тизимига бажарувчи ташкилот қирадиган юқори ташкилот ёки бошқа таркибий тузилманинг номи, ташкилотнинг номи (шу жумладан, қисқартирилган номи);

- УЎТ индекси, Умумроссия махсулотлар таснифи (УМТ)нинг ЮТТ коди (махсулотни ишлаб чиқиш ва модернизация қилишдан олдинги ИТИ тўғрисидаги ҳисоботлар учун) ва бажарувчи ташкилот томонидан қўйиладиган ИТИ давлат рўйхатидап ўтган рақами, шунингдек «Инв. рақ.» ёзуви – бу маълумотлар кетма-кет жойлаштирилади.

- махсус белгилар (ҳисоботда моддалар ва материалларнинг хусусиятлари тўғрисида сонли маълумотлар мавжуд бўлса, бу қисмда САМДХ (стандарт ахборот маълумотлари давлат хизмати) қўйилади;

- келишув грифи, тасдиқлаш грифи.

Тасдиқлаш грифи «ТАСДИҚЛАЙМАН» сўзи, ташкилот номи кўрсатилган ҳолда ҳисоботни тасдиқлаган шахснинг лавозими, илмий унвони, илмий даражаси, шахсий имзоси, унинг расшифровкаси ва ҳисобот

тасдиқланган санасидан иборат. Шу жойнинг ўзида ҳисоботни тасдиқловчи ташкилотнинг муҳри қўйилади.

Келишув грифи «КЕЛИШИЛГАН» сўзи, ташкилот номи кўрсатилган ҳолда ҳисоботни келишган шахснинг лавозими, илмий даражаси, илмий унвони, шахсий имзоси, унинг расшифровкаси, ҳисобот келишилган санасидан, келишувчи ташкилот муҳридан иборат.

Агар келишув хат орқали ўтказилган бўлса, келишувчи ташкилотнинг кискартирилган номи, хатнинг чиқувчи рақами ва санаси кўрсатилади.

«Келишув грифи» ва «тасдиқлаш грифи» реквизитларидаги асосий қисмлар бир неча қатордан иборат бўлса, 1 қаторлараро интервал билан босилади, қисмларнинг ўзи эса бир-биридан 1,5 қаторлараро интервалда ажратилади.

Имзолар ва имзо қўйиш санаси фақат қора смёҳда ёки тушда бажарилиши керак.

Сада элементлари араб рақамлари билан бир қаторда қуйидаги кетма-кетликда келтирилади: ой қуни, ой, йил, масалан: 2000 йил 10 апрель 10.04.2000 кўринишида ёзилиши керак;

Хужжат тури бош ҳарфларда келтирилади, дастур номи (ИТИ) – кичик ҳарфларда, биринчиси бош ҳарф билан, ҳисобот номи – бош ҳарфларда, ҳисобот тури (оралик ёки якуний) – қавс ичидаги кичик ҳарфларда берилади. Агар ҳисобот номи дастур мавзуси номига (ИТИ) мос келса, у бош ҳарфларда босилади.

- давлат илмий-техник дастурининг шифри, бажарувчи-ташкилот томонидан берилган иш шифри;

- ИТИни бажарувчи-ташкилот раҳбарлари, ИТИ раҳбарларининг лавозимлари, илмий даражалари, илмий унвонлари, (агар бир нечта қаторда босилса, 1 қаторлараро интервалда босилади), кейин имзолар учун бўш жой қолдирилиб, ўнг томонда бажарувчилар ва бирга бажарувчилар исм-шарифининг бош ҳарфлари ва фамилиялари ҳамда настда шахсий имзолардан кейин имзо қўйилган санаси қўйилади (агар титул варағида барча керакли имзолар сигмаса, кейинги бетга кўчириш мумкин);

- ҳисобот чиқарилган шаҳар ва йили.

6.10.2 Титул варақларини расмийлаштириш мисоли Б иловада келтирилган.

6.11 Бажарувчилар рўйхати

6.11.1 Фамилиялар ва исм-шарифларнинг бош ҳарфлари, лавозимлар, илмий даражалар, илмий унвонлар рўйхатда устуя бўйича жойлаштирилади. Чап томонда бажарувчилар ва бирга бажарувчиларнинг лавозимлари, илмий даражалари, илмий унвонлари (агар бир нечта қаторда босилса, 1 қаторлараро интервалда босилади), кейин аст имзолар учун бўш жой қолдирилади, ўнгда бажарувчилар ва бирга бажарувчилар исм-

шарифларининг бош ҳарфлари ва фамилиялари кўрсатилади. Ҳар бир фамилия ёнида қавсда бўлим (кичик бўлим)нинг рақами ва аниқ бажарувчи томонидан тайёрланган ишнинг ҳақиқий қисми кўрсатилади. Бирга бажарувчилар учун бирга бажарувчи ташкилотнинг номи кўрсатилади.

6.11.2 Бажарувчилар рўйхатини расмийлаштириш мисоли В иловада келтирилган.

6.12 Белгилашлар ва қисқартмалар, шартли белгилар, символлар, физик катталиклар бирликлари ва атамалар рўйхати

Рўйхат устуи бўйича жойлаштирилади. Чанда алифбо тартибда қисқартмалар, шартли белгилар, символлар, физик катталиклар бирликлари ва атамалар, ўнгда – уларнинг батафсил маъноси.

6.13 Фойдаланилган манбалар рўйхати

Манбалар тўғрисидаги маълумотлар ҳисобот матнидаги манбаларга ҳаволалар пайдо бўлиши тартибда жойлаштирилади ва араб рақамларида нуқтасиз хатбошидан босилади.

6.14 Иловалар

6.14.1 Илова ушбу ҳужжатнинг кейинги бетлардаги давоми сифатида расмийлаштирилади ёки мустақил ҳужжат сифатида чоп этилади.

6.14.2 Ҳужжат матнида барча иловаларга ҳаволалар берилиши керак. Иловалар ҳужжат матнида уларга ҳаволалар берилган тартибда жойлаштирилади, охирида жойлаштирилмаган «Библиография» маълумотнома иловаси буздан мустасно.

6.14.3 Ҳар бир илова янги бетдан бошланиб саҳифанинг юкори қисмининг ўртасида «Илова» сўзи, унинг белгиси ва даражаси кўрсатилиши керак.

Илова матнга нисбатан бош ҳарфда алоҳида сағрдан ёзилган симметрик сарлавҳага эга бўлиши керак.

6.14.4. Иловалар Ё, З, Й, О, Ч, Ы, Ё, Ъ харфларидан ташқари, А дан бошлаб рус алифбосининг бош ҳарфлари билан белгиланади. «Илова» сўздан кейин кетма-кетлик тартибини белгиловчи ҳарф берилди.

Иловаларни I ва O ҳарфларидан ташқари, логин алифбосининг ҳарфлари билан белгилаш мумкин.

Рус ва логин алифбоси ҳарфларидан тўлиқ фойдаланиб бўлинганда, иловаларни араб рақамлари билан белгилани мумкин.

Агар ҳужжатда битта илова бўлса, у «А илова» деб белгиланади.

6.14.5 Ҳар бир илова матни, зарур бўлганда ҳар бир илова доирасида рақамланмаган бўлимлар, кичик бўлимлар, бандлар, кичик бандларга бўлиниши мумкин. Рақам олдида бу илованинг белгиси қўйилади.

6.14.6 Иловалар ҳужжатнинг қолган қисмлари билан умумий бўлган саҳифаларнинг узвий рақамланганига эга бўлиши керак.

Зарур бўлганда бундай илова «Мундарижа»га эга бўлиши мумкин.

6.14.7 Мустақил ҳужжат сифатида чиқарилган иловалар ёки қисмларга ҳужжатнинг кодида унинг тартиб рақамини кўрсатган ҳолда ҳужжат қисмига каби белги берилади.

А ИЛОВА
(мажбурий)

ИТИ тўғрисидаги ҳисобот учун реферат тайёрлаш мисоли

Реферат

Ҳисобот 85 б., 2 қ., 24 та расм., 12 та жадв., 50 та манба, 2 та илова.

РАСХОДОМЕРНЫЕ УСТАНОВКИ, ПОРШЕНЕВЫЕ РАСХОДОМЕРЫ, ТАХОМЕТРИЧЕСКИЕ РАСХОДОМЕРЫ, ИЗМЕРЕНИЕ, БОЛЬШИЕ РАСХОДЫ, ГАЗЫ

Тадқиқот объекти бўлиб, газнинг катта сарфларини ўлчаш ва аниқ ифодалаш учун мўлжалланган поршенли қурилмалар ҳисобланади.

Ишнинг мақсади – қурилмаларнинг метрологик тадқиқотлари методикасини ва уларни амалга ошириш учун стандарт бўлмаган аппаратурани ишлаб чиқиш.

Иш жараёнида алоҳида ташкил этувчилар ва қурилмалар умумий ҳатолигининг экспериментал тадқиқотлари ўтказилди.

Тадқиқот натижасида биринчи марта икки поршенли реверсив сарфўлчегич қурилмалари яратилди: биринчиси $0,07 \text{ м}^3/\text{с}$ гача бўлган сарфлар учун, иккинчиси - $0,33 \text{ м}^3/\text{с}$ гача сарфлар учун мўлжалланган.

Асосий конструктив ва техник-эксплуатацион кўрсаткичлари: газ сарфининг катта кўрсаткичларидаги ўлчашнинг юқори даражадаги аниқлиги.

Жорий этиш даражаси – иккинчи қурилма ишлаб чиқилган методика бўйича намунали сифатида аттестацияланган.

Қурилмаларнинг самарадорлиги уларнинг ўлчанадиган жараёнларнинг боришига кичик таъсири билан белгиланади. Икки қурилма ҳам sanoat ротацион газ ўлчегичларини ҳамда тахометрик сарфўлчегичларни даражалаш ва текшириш учун қўлланиши мумкин.

Б ИЛОВА
(мажбурий)

Титул варақларини расмийлаштириш мисоллари

1-мисол ИТИ тўғрисидаги ҳисоботнинг титул варағи
Россия Федерациясининг
умумий ва касб-хунар таълими вазирлиги

**УФА ДАВЛАТ АВИАЦИЯ ТЕХНИК
УНИВЕРСИТЕТИ**

УЎТ 378.14
Давлат рўйхат рақ.1970006723
Инв. рақ

ТАСДИҚЛАЙМАН

Илмий иш бўйича
университет проректори
_____ Н.С. Жернаков
«__» _____ й.

**ИЛМИЙ-ТАДҚИКОТ ИШИ ТЎҒРИСИДА
ҲИСОБОТ**

Россия фуқаролик олий ўқув юртларида харбий мутахассислар
тайёрлашнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари

Мавзу:

**ИЖТИМОЙ ЖАРАЁН СИФАТИДА
АРМИЯНИ ФЕМИНИЗАЦИЯЛАШ
(оралик)**

Илмий иш бўйича
проректор ўринбосари

_____ Р.А. Бадамшин
имзо, сана

Мавзу раҳбари

_____ Г.А. Кабакович
имзо, сана

Уфа 1999

2-мисол ИТИ тўғрисидаги ҳисоботга тегишли иловалар китобининг титул varaғи

Г.П. Кржижановский номидаги Меҳнат Қизил
Байроқ Ордени Давлат илмий-тадқиқот
энергетика институти (ЭИТИ)

УЎТ 662.612.3
ЮТГ УМТ
Давлат рўйхат рақ. 01890083597
Инв. рақ.

ТАСДИҚЛАЙМАН
ЭИТИ директор ўринбосари
техн. фанлари доктори
_____ Е.И.Королев
«__» _____ й.

ОТЧЕТ О НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОЙ РАБОТЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
КИНЕТИКИ ПРЕОБРАЗОВАНИЯ ОКИСЛОВ
АЗОТА И СЕРЫ ПРИ СЖИГАНИИ ТОПЛИВА
(якуний)

5-қисм

ИЛОВАЛАР

Х-Д №1217/89

Бўлим мудирини

имзо, сана

С.С.Филимонов

Лаборатория мудирини

имзо, сана

Е.В. Самуилов

ИТИ раҳбарини

имзо, сана

Г.Я. Герасимов

Норма назорагини

имзо, сана

В.П. Кошкарёв

Москва 1989

3-мисол Бир бажарувчи томонидан бажарилган ИТИ тўғрисидаги ҳисоботнинг титул varaги

Россия Федерациясининг умумий ва касб-хунар таълим вазирлиги

**ИРКУТСК ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЙ АКАДЕМИЯСИ
(ИДИА)**

УЎТ 338.242

Давлат рўйхат рақ. 01980002302

Инв. рақ.

ТАСДИҚЛАЙМАН

Илмий иш бўйича проректор
иқтисод. фанлари доктори, МАН
ВШ академиги

_____ В.И.Самаруха

«__» _____ й.

**ИЛМИЙ-ТАДҚИКОТ ИШИ ТЎҒРИСИДА
ҲИСОБОТ**

Корхонанинг банкротлик хавфини диагностика қилиш

**КОРХОНА БАНКРОТЛИК ХАВФИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ
(яқуний)**

Г-50

Илмий раҳбар
иқтисод. фанлари д-ри,
проф, МАН ВШ
академиги

_____ имзо, сана

Г.В. Давидова

Норма назорати

_____ имзо, сана

К.Л. Иванова

Иркутск 1998

В ИЛОВА
(маълумот учун)

Бажарувчилар рўйхатини расмийлаштириш мисоли

БАЖАРУВЧИЛАР РЎЙХАТИ

Мавзу раҳбари, филология фанлари д-ри	_____	Г.А. Кабакович (кириш, хулоса)
	имзо, сана	
Мавзу бажарувчилари	_____	М.В.Макагрова (1-3 бўлим, хулоса)
	имзо, сана	Ю.Г. Спицин
	_____	(3- бўлим)
	имзо, сана	
Норма назорати	_____	А.В. Костюнина
	имзо, сана	
Бирга бажарувчилар:		
Катта илмий ходим	_____	Т.Д. Меркулова
техн. фанлари номзоди	имзо, сана	(2- бўлим, НТЦ «Иформрегистр»)

ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими**

**АХБОРОТ ТИЛЛАРИ ЛУҒАТЛАРИ ВА АТАМАЛИ МАЪЛУМОТЛАР
УЧУН КОММУНИКАТИВ ФОРМАТ**

Ўзув мазмуни

ГОСТ 7.47 -84

**Стандартлар бўйича Давлат қўмитаси
Москва**

Стандартлар бўйича Давлат қўмитаси
Фан ва техника бўйича Давлат қўмитаси
Фанлар академияси
Ихтиро ва кашфиёт ишлари бўйича Давлат қўмитаси
Авиация саноати вазирлиги
Кемасозлик саноати вазирлиги томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

БАЖАРУВЧИЛАР:

В.И. Федосимов, Г.Г. Белоногов, А.В. Веселовский, Ю.В. Сипапин,
А.А. Полтев, Л.Ю. Герасимов, Э.П. Зарубин (руководители темы),
В.А. Гарбарчик, В.Н. Белоозеров, Л.П. Веряскина, Н.Д. Кравченко,
Е.Н. Казаков, В.С. Горбаченко, А.Б. Антопольский, Ю.Ф. Протопопов,
Ю.П. Венедиктов

Стандартлар бўйича Давлат қўмитаси томонидан КИРИТИЛГАН

Раис ўрипбосари В.И.Кипаренко

Стандартлар бўйича Давлат қўмитаси 1984 йил 28 февралдаги 707-сон
қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН

ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши
бўйича стандартлар тизими**

**АХБОРОТ ТИЛЛАРИ ЛУҒАТЛАРИ ВА
АТАМАЛИ МАЪЛУМОТЛАР УЧУН
КОММУНИКАТИВ ФОРМАТ**

**ГОСТ
7.47 -84**

Ўзув мазмуни

System of standards on information, libraries and publishing. Communicative format for vocabularies of information retrieval languages and terminological data.
Content of records

СТШУТ 0007

Стандартлар бўйича Давлат кўмитасининг 1984 йил 28 февралдаги 707-сон қарори билан жорий этиш санои 1985 йил 1 январдан белгиланган

Ушбу стандарт магнит тасмадаги лексик ахборотни, шунингдек ўзув мазмуни, маълумотлар элементларининг таркиби ва идентификация килинишининг коммуникатив форматини белгилайди.

Стандарт автомаглаштирилган ахборот тизимлар ўртасида алмашиш учун ахборот тиллари луғатларининг лексикаси, атамашунослик ва бошқа лексикографик манбаларни магнит тасмаларда тақдим этишга тааллуқли бўлиб, илмий-техник ахборот органлари учун мажбурийдир.

Ушбу коммуникатив форматнинг белгиланиши АТЛАФ – ахборот тилларининг лексикаси билан алмашиш формати.

Ахборот-кидирув тезаурусларини тақдим этиш қисмида стандарт ГОСТ 7.25-80 билан бирга қўлланиши керак.

1 Умумий қоидалар

1.1 Коммуникатив форматдан қуйидаги лексикографик манбалардаги ахборотни магнит тасмаларга ўзиш учун қўлланилади:

бир тилли ахборот-кидирув тезауруслари;
 кўп тилли ахборот-кидирув тезауруслари;
 илмий-техник ахборотнинг рубрикатори (таснифлари) (шу жумладан,
 УЎТ ва ИТАДАТ Рубрикатори);
 предмет рубрикаларининг рўйхатлари (луғатлари);
 атамалар ва таърифлар учун стандартлар;
 атамашунослик луғатлари ва маълумотномалар.

1.2 Коммуникатив формат фақат маълумотлар билан аламашиш учун мўлжалланган. Ёзувлар структураси ахборот кидирувига мўлжалланмаган ва аниқ ахборот тизимларида маълумотларнинг ички структураси сифатида қўлланиши мажбурий эмас.

1.3 Лексикографик манба АТЛАФ форматига ҳар бири бир луғат мақоласининг манбасига мослаштирилган ёзувларнинг кетма-кетлигида тақдим этилади. Ёзувнинг асосий элементни **бош лексик бирлик** (БЛБ) ҳисобланади. Ушбу луғат мақоласида кўшимча ахборот берилган лексикографик манба сўзлигининг элементидир.

1.4 Битта магнит тасмаси ҳам битта, ҳам бир неча манбаларга тегишли бўлган ёзувларни ўз ичига олиши мумкин, бунда ҳар бир манба тўлиқ ёки қисман тақдим қилиниши мумкин.

Турли хилдаги ёзувларни қўллаб ёзув атамалари ўртасига манбанинг тизимлаштирилган кўрсаткичининг рубрикалари ёзурилли қўйган ҳолда, магнит тасмасида лексик бирликларнинг тизимлаштирилган таснифларини ақс эттириш, шунингдек лексик бирликлар кўрсаткичларининг ҳар хил турларини ўз ичига олган манбаларни тақдим этиш мумкин.

1.5 Турли ахборот тизимларида бир хил ёки боғлиқ манбаларнинг синхрон юритилишини таъминлаш учун форматда манбанинг лексик таркибидаги ўзгаришларни узатиш воситалари кўзда тутилган.

1.6 Коммуникатив формат воситалари томонидан таърифланадиган маълумотлар структурасининг тури – турли хилдаги боғлиқдаги ва семантик боғланган чўққиларни гуруҳлаш имкониятига эга бир поғонали дарахт. Ҳар бир ёзувда БЛБ ва маълумотлари элементининг белгиси ёрдамида БЛБ га нисбатан кўрсатилган уларнинг ўрни ёки боғлиқлиги кўрсатилган бошқа маълумотлар элементлари мавжуд.

1.7 Агар лексик ва терминологик тизимларнинг ривожланиш жараёнида янги семантик мупосабатлар ва боғлиқликларнинг ушбу стандартда тақдим этилмаган янги турларини аниқлашга эҳтиёжи туғилса, улар ИТАДАТнинг ахборот тилларини юритишнинг автоматлаштирилган тизимида (АТЮАТ) рўйхатдан ўтказилади.

1.8 Коммуникатив форматда маълумотларни кодлаш СТ СЭВ 358-76 (КОИ-8 -жадвали), символларнинг кенгайтирилган рўйхатини кодлаш – ГОСТ 7.28-80, ГОСТ 7.29-80, ГОСТ 7.30-80 талабларига мувофиқ бўлиши

керак. Тақдим этилиши учун 8-битли кодларнинг кенгайтирилишини талаб қиладиган маълумотлар элементларининг структураси - СТ СЭВ 360-76 бўйича. Агар ахборотни фақат бош ҳарфларда кўрсатиш етарли бўлса, ДКОИ кодини қўллаш мумкин.

2 Лексикографик ахборотни тақдим этиш усули

2.1 Магнит тасмадаги (МТ) ёзув структу-раси ГОСТ 7.14-84 талаб ларига мувофиқ бўли-ши керак

Индикатор ва идентификаторларсиз структура вариантдан фойдаланилади.

ИТАДАТ макротезаурус ахборотини тақдим этиш учун, индикатор ва идентификаторлар мавжуд бўлган структура вариантдан фойдаланишга йўл қўйилади.

Блокнинг максимал узунлиги 16000 байт бўлган ўзгарувчан узунликдаги блоклаштирилган ёзувлари қўлланилади.

2.2 Ёзув маркерн компонентларининг қиймати

2.2.1 5-ҳолат қиймати (ёзув мақоми) – 1-жадвалга қар.

1-жадвал

Маркер 5-ҳолатининг қиймати	Ёзув мақоми	Тушунтириш
1	Янги	Луғат мақоласи массивда илк маротаба киритилмоқда
3	Ўзгартирувчи	Луғат мақоласи аввал киритилган мақола ўрнига киритилади, унинг ёзуви худди ўша идентификаторга эга.
5	Тугатувчи	Ёзув аввал киритилган ёзувнинг худди ўша идентификаторига эга ёзувини тугатади

2.2.2 Маркер 20-ҳолатининг қиймати («маълумотлар майдонининг узунлиги» майдон узунлиги) - 4

2.2.3 Маркер 21-ҳолатининг қиймати («Бошланғич символ майдонининг узунлиги» майдон узунлиги) - 5

2.2.4 Маркер 22-ҳолатининг қиймати («Қўллашда аниқланадиган қисм узунлиги» майдон узунлиги) - 4

2.3 Маълумотнома мақоласидаги маълумотлар майдонлар и қийматларини идентификация қилиш қоидалари

2.3.1 Ўрнатиладиган белгилар рўйхати ва уларнинг қийматлари маълумотлар элементларининг спецификациясида келтирилган (3-бўлим). Маълумотлар майдонлари семантик топфаларининг фарқи 2-жадвалга мувофиқ белгининг биричи символини белгилайди.

2.3.2 Қўллашда аниқланадиган қисмнинг биринчи учта ҳолатида, СТ-СЭВ 251-76 тегишли маълумотлар майдони тилининг лотин коди жойлаштирилади. Агар маълумотлар элементи учун тилни кўрсатиш маънога эга бўлмаса, бу ҳолатлар бўш жойлар билан тўлдирилади.

Тўртинчи ҳолат бир ёзув доирасида маълумотларнинг алоҳида майдонлари орасидаги боғлиқликни кўрсатиш учун фойдаланилади. Биргаликда кўриб чиқиладиган маълумотларни ўз ичига олган майдонлар кўрсатилган ҳолатда ўхшаш символлар билан идентификация қилинади. Бу ҳолда символлар 1; ... 9. А, ..., Z қаторидан кетма-кет танланади. Агар маълумотлар элементлари ўртасидаги боғлиқлик белгиланмаган бўлса, кўрсатилган ҳолатда бўш жой қолдирилади.

2-жадвал

Белгининг биринчи симболи	Ахборот тури
0*	Идентификацион маълумотлар
1	Луғат мақоласининг бош лексик бирлиги
2	Морфологик маълумотлар
3	Предметли-тематик тасниф
4	Таърифлар, мисоллар, контекстлар
5	Лексик birlikлар ўртасидаги муносабатлар
6	Бош лексик birlikнинг бошқа тилдаги эквивалентлари
7	Бошқа ахборот
8	Манба таърифи
9	Резерв

Мисол. Антенналар диапазон бўйича кенг полосали, УҚТ ва бошқа, шакли бўйича – параболик, сферали ва бошқа шаклларга ажратилади.

Белги	Боғлиқлик кўрсаткичи	Лексик birlik	Тўшунтириш
100		антенналар	БЛБ
540	1	диапазон	Бўлиниш аспекти
532	1	кенг полосали антенналар	«Диапазон» бўлиниш аспектидаги қуйи турувчи тушунча
532	1	УҚТ - антенналар	«Диапазон» бўлиниш аспектидаги қуйи турувчи тушунча
540	2	шакл	Бўлиниш аспекти
532	2	параболали антенналар	«Шакл» бўлиниш аспектидаги қуйи турувчи тушунча
532	2	сферали антенналар	«Шакл» бўлиниш аспектидаги қуйи турувчи тушунча

* Бу ерда ва кейинчалик О харфидан ажралиб туриши учун ноль 0 белгиси билан белгиланади.

2.4 Маълумотлар майдонларида ахборотни ёзиш коидалари

2.4.1 Ҳар бир маълумотлар элементига маълумотнома мақоласи ва маълумотлар майдони тўғри келади. Маълумотлар элементининг семантикаси ва киймати, шунингдек унинг бош лексик бирликка (БЛБ) бўлган муносабати маълумотнома мақоласида белги билан белгиланади. Барча майдонлар ўзгарувчан узунликка эгадир.

2.4.2 Ёзувдаги маълумотларнинг барча элементлари бош лексик бирликка (БЛБ) нисбаган кўриб чиқилади. Боғлиқлик кўрсаткичлари билан гурухлаштирилган маълумотлар элементлари ҳам БЛБга нисбатан бир бутун сифатида кўриб чиқилади. Агар маълумотлар элементларини боғлиқлик кўрсаткичлари орқали гурухлаш тушунишнинг турлилиги ёки ноаниқлигига олиб келса, илова қилинган ҳужжатларда изоҳлар келтирилиши керак.

2.4.3 Маълумотлар элементлари маълумотлар майдонида биттадан ёзилади.

2.4.4 Битта тоифага тегишли маълумотларнинг бир неча нусхалари мавжуд бўлганда уларнинг ҳар бири алоҳида маълумот майдонида, маълумотнома мақоласининг ҳар бир майдонига мувофиқ келадиган ягона белги билан ёзилади. Маълумот элементларининг такрорланишига йўл қўйилиши 3-жадвалда кўрсатилган.

Агар бир хил белгига эга маълумот элементлари бир неча нусхаларининг қўлланилиши тушунишнинг турлилиги ёки ноаниқлигига олиб келса, илова қилинган ҳужжатларда изоҳлар келтирилиши керак.

2.4.5 Турли хилдаги маъбалар учун маълумотлар элементларининг мажбурийлиги ва қўлланилиши 3-жадвалда кўрсатилган.

3- жадвал. Маълумотлар элементларини қўллаш

Белги	Маълумот элементининг номи	Такрорланиши	Маъба турлари бўйича мажбурийлик ва қўлланиши									
			М	В	Т	К	П	Р	С	Р	U	D
001	Ёзув идентификатори	Йўқ	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
014	Ёзув яратувчиси	Ҳа	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
016	Ёзувни яратиш санаси	Йўқ	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
030	Шарҳлар	Ҳа	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ
100	Бош лексик бирлик	Ҳа	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
155	Ёрдамчи кўрсаткичдаги лексик бирлик шакли	Ҳа	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ
130	Қисқа шакл	Ҳа	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	+	+	-	Мэ
131	Аббревиатура	Ҳа	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	-	Мэ
142	Сўз бирикмасининг қисқа шакли	Ҳа	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	-	Мэ

3-жадвалнинг давоми

Белги	Маълумот элементининг номи	Такроп ланиш и	Манба турлари бўйича мажбурийлик ва қўллаши									
			М	В	Т	К	П	Р	S	R	U	D
135	Тўлик шакл	Ҳа	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	-	Мэ
150	БЛБ белгиланиши	Ҳа	+	+	+	+	+	+	+	+	-	+
300	ИТАДАТ Рубрикатори бўйича манба индекси	Ҳа	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
301	ИТАХК Рубрикатори бўйича манба индекси	Ҳа	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ
302	Тасниф номи	Ҳа	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ
303	Манба мавзусининг индекси	Ҳа	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ
304	АТЮАТда рўйхатга олинган Рубрикатор бўйича манба мавзусининг индекси	Ҳа	+	+	+	+	+	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ
306	Манба учун УЎТ индекси	Йўқ	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
308	Манба учун К.Т индекси	Йўқ	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
311	ИТАХК Рубрикатори бўйича БЛБ индекси	Ҳа	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ
312	ИТАДАТ Рубрикатори бўйича БЛБ индекси	Ҳа	+	+	+	+	+	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ
313	БЛБ мавзусининг индекси	Ҳа	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ
314	АТЮАТда рўйхатга олинган Рубрикатор бўйича БЛБ индекси	Ҳа	+	+	+	+	+	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ
316	БЛБ учун УЎТ индекси	Ҳа	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
320	Мақола тури	Йўқ	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
400	Аниқлаш, изоҳлаш	Ҳа	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	+	+	Мэ	+
402	Аниқлаш	Йўқ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	+	+	-	+
404	Изоҳлаш	Ҳа	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	+	+	-	+
406	Релятор	Ҳа	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ
420	Контекст	Ҳа	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ
434	Изоҳ	Ҳа	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ
440	Матнли бўлмаган ахборотнинг мавжудлиги	Ҳа	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	+	+	-	+
500	Синонимик ЛБ	Ҳа	+	+	+	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	-	+
502	Синоним	Ҳа	+	+	+	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	-	+
504	Квазисиноним	Ҳа	-	-	-	Мэ	-	Мэ	+	+	-	+
506	Тавсия эгилмайдиган синоним	Ҳа	-	-	-	-	+	Мэ	-	-	-	+
511	«Биргаликда қаранг» ҳаволаси	Ҳа	-	-	-	-	+	Мэ	-	-	-	Мэ
513	«Фойдаланинг» ҳаволаси	Йўқ	-	-	-	-	+	Мэ	-	-	-	Мэ

3-жадвалнинг давоми

Белги	Маълумот элементининг номи	Такрор ланиш и	Манба турлари бўйича мажбурийлик ва қўлланиши									
			М	В	Т	К	П	Р	С	Р	U	D
517	«Эквивалент» ҳаволаси	Ҳа	+	+	+	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	-	+
520	Юқоридаги тушунчалар	Ҳа	+	+	+	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	-	+
522	Род тушунчаси	Ҳа	+	+	+	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	-	+
524	Бутун	Ҳа	+	+	+	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	-	+
526	Бошқа юқоридаги тушунча	Ҳа	+	+	+	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	-	+
530	Қуйидаги тушунча	Ҳа	+	+	+	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	-	+
532	Тур тушунчаси	Ҳа	+	+	+	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	-	+
534	Қисм	Ҳа	+	+	+	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	-	+
536	Бошқа қуйидаги тушунчалар	Ҳа	+	+	+	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	-	+
540	Аспект	Ҳа	+	+	+	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	-	+
750	Қидирув массиви	Ҳа	+	+	+	+	+	+	-	-	М	М
751	Қидирув массивининг ҳажми	Ҳа	+	+	+	+	+	+	-	-	М	М
752	Статистик маълумотлар	Ҳа	+	+	+	+	+	+	-	-	М	М
800	Манба тури	Йўқ	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
809	ИТАХҚда узатиладиган манба белгиси	Йўқ	М	М	М	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	М	М
810	ИТАДАТда узатиладиган манба белгиси	Йўқ	М	М	М	М	М	Мэ	Мэ	Мэ	М	М
811	Манбанинг номи	Йўқ	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М
812	Манба яратилган сана	Йўқ	М	М	М	М	М	М	Мэ	Мэ	М	М
813	Тасдиқлаш санаси	Йўқ	М	М	М	Мэ	Мэ	Мэ	М	М	М	М
814	Версия рақами	Йўқ	М	М	М	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	М	М
820	Манбадаги жойлашган ўрни	Ҳа	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
890	Муаллифлик ҳуқуқи	Ҳа	М	М	М	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	Мэ	М	М
891	Масъул ташкилот	Ҳа	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
892	Манбанинг сўзга олиб берувчи	Ҳа	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
893	Манбанинг сакловчи	Йўқ	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+

Изохлар

1 Шартли белгилар:

М – ҳар бир ёзувда иштирок этувчи мажбурий маълумотлар элементи. (ёки массивнинг биринчи ёзуви, 2.4.5-б.ни қўллаганда);

+ – манбада мавжудлигини кўрсатувчи мажбурий маълумотлар элементи.

Мэ – ёзувда бўлиши мумкин бўлган, бироқ унинг қиймати манбада кўрсатилган бўлса ҳам ундан фойдаланиш мажбурий бўлмаган маълумотлар элементи.

- - манбанинг ишбу тури тақдим этилганда ундан фойдаланиш мумкин бўлмаган ёки маънога эга бўлмаган маълумотлар элементи.

2. Ҳар бир (ёки фақат биринчи) узатиладиган ёзувда, ҳеч бўлмаганда, 890 ёки 891 белгилари маълумотлар элементларидан бири иштирок этиши керак.

Агар 014, 016, 300, 301, 302, 303, 304, 306, 308, 750, 751, 809, 810, 811, 812, 813, 814, 890, 891, 892, 893 белгиларига эга манбага тўлиқ тегишли бўлган маълумотлар элементлари алмашув массивининг барча ёзувлари учун бир хил бўлса, уларни биринчисидан ташқари барча ёзувларда тушириб қолдириш мумкин. Бу тўғрисида илова қилинган ҳужжатларда кўрсатилган бўлиши керак.

2.4.6 Агар манбада, масалан, халқаро атамашунослик стандартларида, икки ва ундан кўп тенг ҳуқуқли (ишбу манба учун) тилдан фойдаланилса, турли тиллардаги бош лексик бирликлари бўлган атамалар 100 белгисига эга алоҳида маълумотлар майдонларида ёзилади. Бошқа ҳолларда, 600-605 белгисига эга маълумотлар элементларидан фойдаланилади.

2.4.7 АТЮАТ форматидаги лексик ахборот ёзувларининг мисоллари маълумотнома иловасида келтирилган.

3 Маълумотлар элементларининг спецификацияси

001. ЁЗУВ ИНДЕНТИФИКАТОРИ

Мазмуни. Ёзувнинг бир хиллигини идентификация қилувчи рақамли код. Ёзув идентификатори мамлакат, идентификаторни берадиган ташкилот - ёзув яратувчисини, шунингдек, идентификатор берилган йил, асосида ёзув тузилган массивни ва ёзувнинг тартиб рақамини белгилайди.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи структурадаги 22-символи код ёрдамида ёзилади

СССXXXXXXITMMMMNNNNNN,

бунда СССР – СТ СЭВ 252-82 бўйича мамлакатнинг рақамли коди;

XXXXXX – ўнг тарафга текисланадиган ва зарур бўлганда, етакчи поллар билан тўлдириладиган, ёзувни

яратган ташкилот коди;

ГГ – йилнинг охириги икки раками;

MMMMM – ўнг тарафга текисланадиган ва зарур бўлганда
етакчи ноллар билан тўлдириладиган массив
раками;

NNNNN – ўнг тарафга текисланадиган ва зарур бўлганда
етакчи ноллар билан тўлдириладиган массивдаги
ёзув раками.

014 ЁЗУВ ЯРАТУВЧИСИ

Мазмуни. Ёзувни амалга оширган ва унга ёзув идентификаторини берган ташкилотнинг номи.

Ёзиш усули. Расмий номи.

016 ЁЗУВ ЯРАТИЛГАН САНА

Мазмуни. Ёзувни яратувчи-ташкилот томонидан магнит тасмага ёзилган сана.

Ёзиш усули. Узунлиги 8 та символдан иборат бўлган маълумотлар майдони ГГГГММДД форматдаги санани ўз ичига олади, бунда ГГГГ – йил рақамлари, ММ – йилнинг ой рақами, ДД – ойдаги кун рақами.

030. ШАРХ

Мазмуни. Ихтиёрий маън

Ёзиш усули. Эркин.

100. БОШ ЛЕКСИК БИРЛИК (БЛБ)

Мазмуни. Ушбу ёзувда лексикографик манбадаги сўзлик элементга нисбатан манбанинг бир луғат мақоласига тегишли бўлган ахборот келтирилган.

Ёзиш усули. БЛБ манбада кўрсатилган шаклда берилади.

115. ЁРДАМЧИ КЎРСАТКИЧДАГИ ЛЕКСИК БИРЛИК ШАКЛИ

Мазмуни. БЛБ ёрдамчи кўрсаткичларда келтирилган (инвертирланган шакл ва бошқа) шакл.

Изоҳ - Агар ушбу шакл сўзликдаги БЛБ шаклига тўғри келмаганда қўлланилади.

Ёзиш усули. Манбада тақдим этилган шаклда.

130. ҚИСҚА ШАКЛ

Мазмуни. Агар манбада 131 ва 132 белгиларига эга бўлган маълумотлар элементининг дифференциацияси бўлмаса, БЛБ тўлиқ ўзининининг ҳар қандай қисқартмаси.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган шаклда.

131. АББРЕВИАТУРА

Мазмуни. БЛБ қисмлари битта қисқа сўз шаклига бирлашган лексик бирлик шакли.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган шаклда

Мисоллар.

а) Бош ҳарфли аббревиатура:

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти – БМТ.

б) Бўгинли аббревиатура:

герметик контакт – геркон

в) График аббревиатура:

шаҳар – ш.

кишлоқ хўжалиғи – к.-х.

туман – тум.

132. СЎЗ БИРИКМАСИНИНГ ҚИСҚА ШАКЛИ

Мазмуни. Сўз бирикмаси қийматини сақлаб қолиш шарти билан баъзи сўзлар гушириб қолдирилган БЛБ шакли. Сўзларнинг сўз ясовчи ўзгаришларига ва ифода этиладиган тупунча ҳажмининг айрим кенгайтирилишига йўл қўйилади.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган шаклда.

135. ТЎЛИҚ ШАКЛ

Мазмуни. Агар БЛБ атаманинг қисқа шакли бўлса, у тўлиқ ёзилади.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган шаклда.

150. БЛБ БЕЛГИЛАНИШИ

Мазмуни. Манбадаги БЛБнинг идентификацион коди ёки индекси.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган шаклда.

Мисоллар:

а) ихтироларнинг халқаро тасниф (МКИ) ҳолати 01К1/00

Термометрлар конструкциясининг элементлари

150 белгиси маълумот элементларининг мазмуни: 01 К 100.

б) «Давлат стандартини стандартлаштириш бўйича тезауруслар»

мақоласи

ТЕЗЮРАР МАШИНАЛАР 107110

в) ТРАНСПОРТ МАШИНАЛАРИ

15 белгисига эга маълумотлар элементининг мазмуни: 107110

300. ИТАДАТ РУБРИКАТОРИ БЎЙИЧА МАНБА ИНДЕКСИ

Мазмуни. ИТАДАТ Рубрикатори қондаларига мувофиқ манба мавзусининг белгиланиши.

Ёзиш усули. Рубриканинг иерархик даражасидан келиб чикиб қуйидаги структуралардан бири танланади: XX, XXXX, XXXXXX. Агар манба юқори даражанинг ўптадан ортиқ рубрикалари билан тавсифланса, маълумотлар элементи икки бўш жойдан иборат бўлади.

301. ИТАХК РУБРИКАТОРИ БЎЙИЧА МАНБА ИНДЕКСИ

Мазмуни. ИТАХК Рубрикатори қондаларига мувофиқ манба мавзусининг белгиланиши

Ёзиш усули. 300 белгисига эга маълумотлар элементига ўхшаш

302. ТАСНИФЛАР ПОМЛАРИ

Мазмуни. Манба мавзусини ёки БЛБни тавсифлаш учун қўлланиладиган тасниф номи ёки белгиси.

Ёзиш усули. Эркин. 303ёки 313 белгисига эга маълумотлар элементининг алоқа кўрсаткичи зарур.

Изоҳ - АТЮАТда рўйхатга одинаман рубрикаторлар (таснифлар) учун қўлланилади.

303. Манба мавзусининг индекси

Мазмуни. 302 белгисига эга маълумотлар элементи билан белгиланган тасниф бўйича манба мавзусининг белгиланиши.

Ёзиш усули. Қўлланиладиган таснифларда қондалари бўйича. 302 белгисига эга маълумотлар элементининг боғлиқлик кўрсаткичи зарур.

304. АТЮАТда РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН РУБРИКАТОР БЎЙИЧА МАНБА МАВЗУСИНИНГ ИНДЕКСИ

Мазмуни. ИТАДАТ Рубрикаторининг ривожланиши бўлган рубрикатор бўйича манба мавзусининг белгиланиши.

Ёзиш усули. Маълумотлар майдони. АТЮАТ тақдим этган локал рубрикаторнинг рўйхат рақамига ва = белгиси билан ажратилган рубрика кодига эга. Рубрика коднинг биринчи 6 симболи 301 белгисига эга маълумотлар элементига ўхшаш равишда ёзилади.

306. МАНБА УЧУН УЎТ ИНДЕКСИ

Мазмуни. Манбага берилган ва анъанавий шаклда нашр этишда титул varaғига қўйиладиган индекс.

Ёзиш усули. Манбада келтирилган шаклда

308. МАНБА УЧУН КБК ИНДЕКСИ

Мазмуни. Хужжатларни кутубхона-библиографик тизимлаштириш қондаларига мувофиқ манбага берилган КБТ индекс.

Ёзиш усули. КБТ бўйича индекслаш қондаларига мувофиқ

311. ИТАХК РУБРИКАТОРИ БЎЙИЧА БЛБ ИНДЕКСИ

Мазмуни. ИТАХК Рубрикатори бўйича рубрикалар кодлари, уларнинг тушунча соҳасига БЛБ билан ифодаланувчи тушунча киради.

Ёзиш усули. 300 белгисига эга маълумотлар элементига қаранг.

312. ИТАДАТ РУБРИКАТОРИ БЎЙИЧА ИНДЕКС

Мазмуни. ИТАДАТ Рубрикаторининг рубрикалар кодлари, англаш сферасида ифодаланувчи БЛБ тушунча.

Ёзиш усули. 300 белгиси маълумотлар элементига қаранг.

313. БЛБ МАВЗУСИ ИНДЕКСИ

Мазмуни. 302 белгисига эга маълумотлар элементи билан белгиланган тасниф бўйича БЛБ мавзусининг белгиланиши.

Ёзиш усули. 303 белгисига эга маълумотлар элементига қаранг.

314. АТЮАТда РЎЙХАТДАН ЎТГАН РУБРИКАТОР БЎЙИЧА БЛБ ИНДЕКСИ

Мазмуни. ИТАДАТ Рубрикаторини ривожлантирувчи рубрикатор бўйича БЛБ мавзусининг белгиланиши.

Ёзиш усули. 304 белгисига эга маълумотлар элементиغا қаранг.

316. БЛБ УЧУН УЎТ ИНДЕКСИ

Мазмуни. УЎТ коидаларига мувофиқ БЛБ мавзусини белгилайдиган индекс.

Ёзиш усули. УЎТда кўзда тутилган шаклда

320. МАҚОЛА ТУРИ

Мазмуни. БЛБ турини белгилаш (4-жадвал)

4-жадвал

Белгил аниши	БЛБ тури	Манба тавсифи
A	Дескриптор	Ахборот-қидирув тезауруси, дескриптор лугати
B	Аскриптор	Хулди шунинг ўзи
I	Индентификатор	«
O	Дескрипторга номзод	«
K	Асосий сўз	Асосий сўзлар лугатлари
N	Стандартлаштирилган атама	Атамашунослик стандарти
Q	Тавсия этилган атама	Атамашунослик қўлланмалари
N	Йўл кўйилмайдиган, тавсия этилмаган атама	Атамашунослик манбалари
D	Луғат тизими кўрсаткичи рубрикасининг номи	Луғатларнинг барча турлари
G	Фойдаланиладиган рубрика	Рубрикаторлар, таснифлар
U	Шартли ёки чиқариб ташланган рубрика	Хулди шунинг ўзи
R	Предмет рубрикаси	Предмет рубрикаларининг рўйхати
Z	Бошқалар	Манбаларнинг барча турлари

400. ТАЪРИФ, ИЗОҲ

Мазмуни. БЛБ ифодалаётган тушунча мазмунини очиб берувчи матн.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган шаклда.

Изоҳ -. Маълумотлар элементи манбада 402 ва 404 белгиларига эга маълумотлар элементи маънолари дифференциацияланмаган ҳолда қўлланилади.

402. ТАЪРИФ

Мазмуни. Қатъий мантикий дефиниция ҳисобланган ёки БЛБ мазмунининг норматив очиб берилиши сифатида белгиланган матн.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

404. ИЗОҲ

Мазмуни. Норматив таъриф ҳисобланмаган БЛБ маъносини изоҳловчи матн.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

406. РЕЛЯТОР

Мазмуни. БЛБ омонимиясини олиб ташлайдиган махсус сўз, сўз бирикмаси ёки бошқа белги.

Ёзиш усули. Манбага мувофик.

Изоҳ - АҚТ дескрипторининг релятори бош лексик бирликнинг қисми ҳисобланади ва унинг таркибида тақдим этилган бўлиши керак. 406 белгисига эга маълумотлар элементида унинг кўшимча кўрсатилиши мажбурий эмас.

420. КОНТЕКСТ

Мазмуни. БЛБдан иборат ва унинг қўлланишини тасвирлайдиган боғловчи матн.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

434. ИЗОҲ

Мазмуни. БЛБ маъноси ёки қўлланиши тўғрисидаги маълумотлар.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда

440. МАТНЛИ БЎЛМАГАН АХБОРОТНИНГ МАВЖУДЛИГИ

Мазмуни. Манбанинг луғат мақоласидаги матнли бўлмаган ахборот (расмлар, формулалар, схемалар ва б.)нинг мавжудлиги ва тавсифи тўғрисидаги маълумотлар.

Ёзиш усули. Эркин.

500. СИНОНИМИК ЛЕКСИК БИРЛИК

Мазмуни. БЛБ маъносига яқин маънога эга бўлган ва БЛБ эквиваленти сифатида кўриладиган, БЛБ тилига тегишли бўлган лексик бирлик.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

Изоҳ - 502, 504 ва 506 белгиларига эга маълумотлар элементларининг маъноси дефференцияланмаган ҳолларда қўлланилади.

502. СИНОНИМ

Мазмуни. Маъносига кўра БЛБга мос келадиган лексик бирлик.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

Мисоллар.

а) тилшунослик – лингвистика – тилшунослик

б) булок – манба – чашма

в) товадаста – даста

г) мангал – кўра

д) ўпканинг шамоллаши – плевмония

504. КВАЗИСИНОНИМ

Мазмуни. Маъноси бўйича БЛБдан фарқ қиладиган, бироқ махсус фойдаланишда БЛБ эквиваленти сифатида қўлланиладиган, лексикографик манбага мўлжалланадиган лексик бирлик.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

Мисол. АҚТда синонимлар сифатида баъзи бир отлар ва уларга тегишли бўлган сифатлар кўринишида берилиши мумкин.

муаллиф – муаллифликка оид

автотрансформатор – автотрансформаторли

агрегат – агрегатли
 мослашувчанлик – мослашувчан
 ва х.

506. ТАВСИЯ ЭТИЛМАЙДИГАН СИНОНИМ

Мазмуни. Амалда БЛБ синоними сифатида қўлланиладиган, бироқ ушбу лексикографик манбада қўлланиш учун тавсия этилмайдиган (тақиқланадиган) лексик бирлик.

Ўзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

511. «БИРГАЛИКДА КЎРИЛСИН» ҲАВОЛАСИ

Мазмуни. Ушбу ўзувда ёзилган рубрикадан худди шундай номга эга бўлган, лекин рубрикатор (тасниф)нинг бошқа бўлимида жойлашган рубрикадан ҳавола.

Ўзиш усули. Маълумотлар майдони манба белгиланган шаклдаги рубрика кодига эга.

513. «Фойдалап» ҲАВОЛАСИ (ФДН)

Мазмуни. Маълумотлар элементи бекор қилинган рубриканинг ўзувида унинг ўрнида фойдаланиладиган рубрикани кўрсатади.

Ўзиш усули. Маълумотлар майдони фойдаланиладиган рубриканинг кодидан, зарур бўлганда, = белгиси билан ажратилган унинг номидан иборат.

Мисол.

ИХТ магни

Мурожаат усуллари С 035/50

С 03С5/56 (Рубрика бекор қилинди. Мазмуни 5/50 га ўтказилган).

Юқорида келтирилган магнит тасмадаги иккинчи ўзув

Белгилар	Маълумотлар элементи
100	┌
150	С03С5/56
513	С03С5/50 = мурожаат усуллари

517. «ЭКВИВАЛЕНТЛИК» (ЭКВ) ҲАВОЛАСИ

Мазмуни. Таснифнинг бошқа бўлимида жойлашган синонимик лексик бирликка ҳавола.

Ўзиш усули. Маълумотлар майдони лексик бирлик номидан, зарур бўлганда, = белгиси билан ажратилган унинг номидан иборат.

520. ЮҚОРИ ГУШУНЧАЛАР*

Мазмуни. Иерархик муносабат бўйича БЛБдан юқори турувчи, масалан, род тушунчасини ёки объектни белгиловчи лексик бирлик, бунда компонентлардан бири БЛБнинг маъноси ҳисобланади.

Ўзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

* Ушбу маълумотлар элементида БЛБ билан бевосита алоқада булган лексик бирликлар ёзилади.

Изоҳ - 522, 524 ва 526 белгиларига эга маълумотлар элементи маъноларини ажратиб бўлмайдиган ҳолларда қўлланилади.

522. РОД ТУШУНЧАСИ*

Мазмуни. БЛБ учун род тушунчасини англатувчи лексик бирлик.

Ўзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

524. БУТУН*

Мазмуни. «Қисм-бутун»га нисбатан қуйи турувчи юқори лексик бирлик

Ўзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

526. БОШҚА ЮҚОРИ ТУШУНЧАЛАР*

Мазмуни. 522 ва 524 белгиларига эга маълумотлар элементидан фарк қилувчи, иерархик муносабатлардаги юқорида турувчи лексик бирлик. Муносабат характери магнит тасмага илова қилинган ҳужжатларда изоҳланган бўлиши керак.

Ўзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

530. ҚУЙИ ТУРУВЧИ ТУШУНЧА*

Мазмуни. Тор мазмунга эга бўлган лексик бирлик, масалан, тур тушунчасини билдирувчи ёки БЛБ деб аталувчи объект қисми.

Ўзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

Изоҳ - 532, 534 ва 536 белгиларига эга маълумотлар элементларининг маъноси фарқланмаган ҳолларда қўлланилади.

532. ТУР ТУШУНЧАСИ*

Мазмуни. БЛБ учун тур тушунчасини билдирувчи лексик бирлик.

Ўзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

534. ҚИСМ*

Мазмуни. «Қисм-бутун»га нисбатан қуйи турувчи лексик бирлик.

Ўзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

536. БОШҚА ҚУЙИ ТУШУНЧАЛАР*

Мазмуни. 522 ва 524 белгиларига эга маълумотлар элементи билан назарда тутилганидан фарқ қилувчи, иерархик муносабатлардаги қуйи турувчи лексик бирлик. Қайд этиладиган муносабат тавсифи илова қилинган ҳужжатларда тушунтирилади.

Ўзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

540. АСПЕКТ

Мазмуни. Тушунча ҳажмининг бўлиниши, қисмининг ажратилиши ёки БЛБни бошқа лексик бирликлар билан ассоциатив боғлиқлиги учун асос бўладиган аспектнинг номи.

Ўзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда. Ушбу аспект бўйича тушунчалардан иборат маълумотлар элементлари билан боғлиқлик кўрсаткичи зарур.

* Ушбу маълумотлар элементидан БЛБ билан бевосита алоқада бўлган лексик бирликлар ёзилади.

Мисол. 2.3.2-бандга қар.

560. АССОЦИАТИВ ТУШУНЧА*

Мазмуни. БЛБ тезауруси билан ГОСТ 7.25-80 бўйича ассоциатив ҳавола оркали боғлиқ бўлган лексик бирлик.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

561. «ШУНИНГДЕК ҚАР.» ҲАВОЛАСИ

Мазмуни. БЛБга релевант бўлган ахборот бўлиши мумкин бўлган рубрикасини кўрсатувчи ИТА рубрикаторлари аппаратининг ҳавола-маълумот ҳаволаси.

Ёзиш усули. Маълумотлар майдони таркибида рубрика коди ва зарур бўлганда, = белгиси билан ажратилган номдан иборат.

576. КОМБИНАЦИЯДАН ФОЙДАЛАН

Мазмуни. Маълумотлар майдонларидаги ёзувга 576 белгиси билан киритилган бошқа лексик бирликлар билан комбинацияда БЛБ ўрнида келадиган лексик бирлик.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

577. МУҚОБИЛ ФОЙДАЛАН

Мазмуни. Ноаниқ маънога эга бўлган БЛБни алмаштириш учун танлашга бериладиган лексик бирликлар.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

580. АНТОНИМ

Мазмуни. Қарама-қарши маънога эга бўлган бирлик.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

583. «ҚАР.» ҲАВОЛАСИ

Мазмуни. Махсус маълумотлар элементида кўрсатилган БЛБнинг баъзи аспекти бўйича ахборот бўлиши мумкин бўлган бошқа рубрикани кўрсатувчи ИТА рубрикаторларининг ҳавола-маълумот аппаратининг ҳаволаси.

Ёзиш усули. Маълумотлар майдони рубрика кодига эга ва, зарур бўлганда, = белгиси билан ажратилган унинг номидан иборат. 540 белгили маълумотлар элементи учун алоқа кўрсаткичи зарур.

Изоҳ - Маълумотлар элементи ИТА рубрикатори учун қўлланилади. АКТда қўлланиладиган «қар.» ҳаволаси, 500, 504,506 белгиларига эга маълумотлар элементларида келтирилади.

585. «ОСТ. ОТ» ҲАВОЛАСИ

Мазмуни. ИТА рубрикаторининг маълумот-ҳавола апараты, «қар.» ҳаволасига қарама-қарши ҳавола.

Ёзиш усули. Маълумотлар майдони рубрика кодидан ва зарур бўлганда, = белгиси билан ажратилган унинг номидан иборат.

589. ТЕХНОЛОГИК ҲАВОЛА

Мазмуни. Лексикографик манбанинг бошқа лексик бирликка ихтисослаштирилмаган, уни юритиш ва эксплуатация қилишни ташкил этиш учун, масалан, лексик бирликнинг ҳавола мақоласида БЛБга тескари ҳаволанинг мавжудлигини кўрсатиш учун зарур бўлган ҳавола.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

600. БОШҚА ТИЛДАГИ ЭКВИВАЛЕНТ

Мазмуни. Агар 601, 603, 605, 607 белгиларига эга маълумотлар элементларининг дифференциацияси бўлмаса, БЛБ маъноси бўйича эквивалент сифатида кўриладиган чет тилидаги лексик бирлик.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

601. РАСМИЙ ТАРЖИМА

Мазмуни. Бироп-бир норматив ҳужжатга мувофиқ БЛБнинг чет тилидаги эквиваленти сифатида кўриладиган аниқ мувофиқлиги.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

603. ЧЕТ ТИЛИДАГИ ЯҚИН АТАМА

Мазмуни. Бошқа тилдаги маъноси бўйича яқин бўлган атама.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

605. ҚИСМАН ТАРЖИМА

Мазмуни. БЛБ маъноларидан бирига мос келадиган чет тилидаги лексик бирлик.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

607. КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАРЖИМА

Мазмуни. Маъноларидан бири БЛБ маъносига мос келадиган чет тилидаги лексик бирлик.

Ёзиш усули. Луғат мақоласида келтирилган кўринишда.

610. ТАРЖИМАГА ИЗОҲЛИ БЕЛГИ КЎЙИШ

Мазмуни. Ушбу таржима учун мос бўлган кўн маънога эга БЛБ маъносини ажратувчи белги.

Ёзиш усули. Лексикографик амалиётига мувофиқ. Таржиманинг лексик бирлигига эга маълумотлар элементи билан алоқа бўлиши мажбурий.

720. БИБЛИОГРАФИК ҲАВОЛА

Мазмуни. У ёки бу маълумотлар элементи тўғрисидаги маълумотлар олинган ёки сақланган манбага библиографик ҳавола матни.

Ёзиш усули. Библиографик тавсиф қоидаларига мувофиқ.

721. ҲАВОЛА НОМЕРИ

Мазмуни. Мағширт тасмага ёзилган лексикографик манбага илова қилинган матн (сўз боши)да мавжуд библиографик ҳавола номери.

Ёзиш усули. Символли тақдим этишдаги ўнлик сон.

733. ИТАДАТНИНГ БОШҚА МАНБАЛАРИДА МАВЖУДЛИК

Мазмуни. Узатиладиган маънадан фарқ қиладиган, БЛБга мувофиқ бўлган лексик бирликка эга манбанинг рўйхатга олинган индекси (АТЮАТ номонидан берилган).

Ёзиш усули. Маълумотлар майдони рўйхатга олиш индексига ва зарур бўлганда, ҳавола манбасида берилган шаклдаги тегишли лексик бирикманинг матнига эга (ажраткич – =белгиси).

750. ҚИДИРУВ МАССИВИ

Мазмуни. Манба ахборот-қидирув тилининг лугати бўлган маълумотлар базаси (унинг номи, мавзуси, фойдаланиш шакллари)ни идентификация қилувчи маълумотлар.

751. ҚИДИРУВ МАССИВИНИНГ ҲАЖМИ

Мазмуни. Маълумотлар базасидаги қидирув образларининг сони.

Ёзиш усули. Символи такдим этишдаги 9-белгили ўнлик сон. 750 белгили маълумотлар элементи билан мажбурий алоқа.

752. СТАТИСТИК МАЪЛУМОТЛАР

Мазмуни. 750 ва 751 белгиларига эга маълумотлар элементи билан белгиланган массивдаги БЛБ тезлиги.

Ёзиш усули. Символи такдим этишдаги 9-белгили бутун ўнлик сон. 750 белгисига эга маълумотлар элементи билан алоканинг бўлиши мажбурий.

800. МАНБА ТУРИ

Мазмуни. Лексикографик манба турининг тавсифи (5-жадвал).

5-жадвал

Белгилашни	Манба тури
M	ИТАДАТ макротезауруси
B	Бирлашманинг базисли тезауруси
T	Тармоқ тезауруси ёки мақоми кўрсатилмаган тезаурус
K	Асосий сўзлар рўйхати
G	ИГА рубрикатори
P	Предмет рубрикаларининг рўйхати
S	Атамашунослик стандарти
R	Атамашунослик қўлланмаси (маълумотномаси), тавсия этилган атамалар лугати
U	Универсал ўнлик таснифи
D	Луғат, энциклопедия
Z	Бошқалар

809. ИТАХКга УЗАТИЛАДИГАН МАНБА БЕЛГИСИ

Мазмуни. ИТАХМга берилган узатиладиган манбанинг рўйхатга олинган индекси.

Ёзиш усули. Индекс шаклига мувофиқ.

810. ИТАДАТГА УЗАТИЛАДИГАН МАНБА БЕЛГИСИ

Мазмуни. АТЮАТ томонидан берилган узатиладиган манбанинг рўйхатга олинган индекси.

Ёзиш усули. Индекс шаклига мувофиқ.

811. МАНБА НОМИ

Мазмуни. Китоб кўринишида тақдим этилган манбанинг титул varaғидаги бош сарлавҳа.

Ёзиш усули. Эркин.

812. МАНБА ЯРАТИЛГАН САНА

Мазмуни. Манбани магнит тасмасида ёзилган версияда эълон қилиш ёки илк мартаба тақдим этиш санаси.

Ёзиш усули. ГГГГММДД, ГГГГДД, ГГГГММ ёки ГГГГ, бунда ГГГГ – йил рақамлари, ММ – ой рақамлари, ДД – ойдаги куннинг рақамлари.

813. ТАСДИҚЛАШ САНАСИ

Мазмуни. Яратилган манбанинг уни яратишда қўйилган мақсадларга мувофиқлиги тўғрисидаги расмий далолатномани қабул қилиш санаси.

Ёзиш усули. 812 белгисига эга маълумотлар элементига қар.

814. ВЕРСИЯ РАҚАМИ

Мазмуни. Ўзгартирилган (кайта ишланган, тўғрилланган ва б.) кўринишдаги манбанинг версияси, таҳрири ёки наприцининг рақами.

Ёзиш усули. Символли тақдим этишдаги 3-белгили ўнлик сон.

820. МАНБАДАГИ ЖОЙЛАШИШИ

Мазмуни. Тақдим этишнинг китоб шаклидаги манбада луғат мақоласининг ҳолатини кўрсатувчи маълумотлар (бетлари, хат боши ва б.).

Ёзиш усули. Илова қилинган ҳужжатларда белгиланади.

890. МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ

Мазмуни. Манбани биринчи марта яратган ёки манбага муаллифлик ҳуқуқида эга бўлган ташкилотнинг номи ёки белгиси.

Ёзиш усули. Матн.

891. МАСЪУЛ ТАШКИЛОТ

Мазмуни. Манбанинг мазмуни учун масъул бўлган ташкилотнинг номи ёки белгиси.

Ёзиш усули. Матн.

892. МАНБА ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ

Мазмуни. Манба (оригинал ёки нусха)нинг сотиб олинishi мумкин бўлган ташкилотнинг номи ёки белгиси.

Ёзиш усули. Матн.

893. МАНБАНИ САҚЛОВЧИ

Мазмуни. Манбанинг эталон нусхасини сақловчи ташкилотнинг номи ёки белгиси.

Ёзиш усули. Матн.

Илова
(маълумот учун)

**Коммуникатив форматдаги ахборот майдонларини
тўлдириш мисоли**

(«Стандартлаштириш бўйича тезаурус»нинг уч турдаги мақолалари
учун, ВНИИКИ, М, 1982 рўйхат рақ. 534, 82)

1-мисол

Дескриптор мақоласи (бошқа АҚТларга кириши тўғрисидаги ахборот билан):

ВАКУУМЛИ НАСОСЛАР

12277

0904

=153081

в НАСОСЛАР

н ЮҚОРИ ВАКУУМЛИ НАСОСЛАР

н ДИФФУЗ НАСОСЛАР

ФОРВАКУУМЛИ НАСОСЛАР

а ВАКУУМЛИ ҚУРИЛМАЛАР

Формат майдонини тўлдириш

Белги	Маълумотлар майдони	Маълумотлар мазмуни
014	ВНИИКИ	Ёзув яратувчи
016	19821215	Ёзувни яратиш сапаси
100	ВАКУУМЛИ НАСОСЛАР	БЛБ
150	122770	Луғат мақоласи коди
301	84	ИТАХЖ рубрикатори бўйича «Стандартлаштириш» класси индекси
300	84	ИТАДАТ рубрикатори бўйича индекси «Стандартлаштириш» класси индекси
315	0904	Тизимли кўрсаткич бўйича код
320	А	Дескриптор
520	НАСОСЛАР	Юқори турувчи тушунча

530	ЮҚОРИ ВАКУУМЛИ НАСОСЛАР	Куйи турувчи тушунча
530	ДИФФУЗ НАСОСЛАР	
530	ФОРВАКУУМЛИ НАСОСЛАРИ	
Белги	Маълумотлар майдони	Маълумотлар мазмуни
560	ВАКУУМ УСКУНАЛАРИ	Ассоциация
720	ИСО тезауруси, русча версияси, ВНИИКИ, 153081 коди	Дескрипторнинг 153081 кодига эга ИСО тезаурусига кириши тўғрисида белги
800	0	АҚТ
810	534.82	АҚТ рўйхат номери
811	СТАНДАРТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТЕЗАУРУС	Манбанинг номи
812	19820929	Манбани яратиш санаси
891	ВНИИКИ	Мазмуни учун масъул бўлган ташкилот

2-мисол**Синоним аскрипторнинг мақоласи**

буғҳаволи насослар
123000

КОНДЕНСАТ НАСОСЛАРГА қар.

Формат майдонларини тўлдириш

Белги	Маълумотлар майдони	Маълумотлар мазмуни
014	ВНИИКИ	Ёзувни яратувчи
016	19821215	Ёзувни яратиш санаси
100	Буғҳаволи насослар	Бош ЛЕ
150	123000	Луғат мақоласи коди
301	84	ИТАХК рубрикатори бўйича «Стандартиштириш» класси индекси
300	84	ИТАДАТ рубрикатори бўйича «Стандартиштириш» класси индекси

320	В	Аскриптор
500	КОПДЕНСАТ НАСОСЛАР	Синоним
811	Стандартлаштириш бўйича тезаурус	Манбанинг номи
812	19820929	Манбаи яратилган санаси
891	ВНИИКИ	Мазмуни учун маъсул ташкilot

3-мисол**Кўп белгили аскрипторнинг мақоласи**

Асбоблар

165790

1901 2501

1256906

АКУСТИК АСБОБЛАР

АВИАЦИЯ АСБОБЛАРИ

ТЕЗ ҲАРАКАТЛАНУВЧИ АСБОБЛАР

Формат майдонларини тўлдириш

Белги	Маълумотлар майдони	Маълумотлар мазмуни
014	ВНИИКИ	Ёзув яратувчиси
016	19800715	Ёзувни яратилган санаси
100	Асбоблар	БЛБ
150	165970	Луғат мақоласи коди
301	84	ИТАХК рубрикатори бўйича «Стандартлаштириш» класс индекси
300	84	ИТАДАТ рубрикатори бўйича «Стандартлаштириш» класс индекси
313	901	Тизимли кўрсаткич бўйича код
313	2501	
320	В	Аскриптор
577	АКУСТИК АСБОБЛАР	
577	АВИАЦИЯ АСБОБЛАРИ	Дескрипторлар ўрнини босувчилар
577	ТЕЗ ҲАРАКАТЛАНУВЧИ АСБОБЛАР	

720	ИСО тезаруси, русча версияси, ВНИИКИ, 0256906 коди	ИСО тезауруси бўйича коди
800	T	АҚТ
810	534.82	АҚТнинг рўйхат рақами
812	1982	Маълумоти яратилиш санаси
891	ВНИИКИ	Мазмунни учун масъул бўлган ташкилот

ДА В Л А Т С Т А Н Д А Р Т И

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими**

**МАГНИТ ТАСМАДАГИ БИБЛИОГРАФИК МАЪЛУМОТЛАР
БИЛАН АЛМАШИШ УЧУН КОММУНИКАТИВ ФОРМАТ**

Ҳужжатнинг кидирув образи

ГОСТ 7.52-85

**Стандартлар бўйича Давлат қўмитаси
Москва**

Фан ва техника бўйича Давлат қўмитаси
Фанлар академияси
Стандартлар бўйича Давлат қўмитаси
Электротехника саноати вазирлиги
Авиация саноати вазирлиги
Ихтиролар ва кашфиёт ишлари бўйича Давлат қўмитаси
томонидан ИШЛАБ ЧИКИЛГАН

БАЖАРУВЧИЛАР:

Г.Г.Белоногов, П.Д.Кравченко, К.П.Очнева, С.Я.Калачкина,
В.И.Федосимов, В.Н.Белоозеров, С.А.Фуралев, Л.В.Шемберко,
С.А.Горбань, Д.Г.Лахути, Н.В.Поцелуева, Е.Н.Казаков,
А.Б.Аптапольский, В.А.Киптснко, Т.В.Стрельцова, Н.И.Антонова,
Ю.В.Сипалин, К.В.Благова.

Фан ва техника бўйича Давлат қўмитаси томонидан КИРИТИЛГАН

Қўмита аъзоси Н. Б. Арутюнов

Стандартлар бўйича Давлат қўмитасининг 1985 йил 28 мартдаги 931-сон
қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН

ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими

МАГНИТ ТАСМАДАГИ БИБЛИОГРАФИК МАЪЛУМОТЛАР БИЛАН АЛМАШИШ УЧУН КОММУНИКАТИВ ФОРМАТ

Хужжатнинг кидирув образи

System of standards on information, librarianship and publishing
Communication format for bibliographic date exchange on magnetic tape
Search pattern of a document

СТАНУТ 0007

Стандартлар бўйича Давлат кўмитасининг 1985 йил 28 мартдаги 931-сон қарори билан амалга
кириштириш муддати 1986 йил 1 июлдан белгиланган

Ушбу стандарт хужжатларнинг кидирув образини (ХҚО) ГОСТ 7.19–85 бўйича коммуникатив форматдаги ёзувлар билан магнит тасмада тақдим этиш қоидаларини белгилайди.

Стандарт табиий тилдаги лексик бирликлар (АҚТ оғзаки воситалари) билан ахборот–кидирув тиллари (АҚТ)нинг воситалари орқали ифодаланган ХҚОга тегишлидир. Тасниф туридаги АҚТдаги ХҚОнинг тузилиши қоидалари ГОСТ 7.19–85 да белгиланган.

Ушбу стандартда ГОСТ 7.14–84, ГОСТ 7.19–85, ГОСТ 7.25–80, ГОСТ 7.27–80 ва ГОСТ 7.39–82 бўйича, шунингдек маълумот учун иловада келтирилган атамалардан фойдаланилади.

1 Умумий қоидалар

1.1 Коммуникатив форматдаги ҳар бир библиографик ёзув қуйидаги турлардан бирининг лексик бирликларидан ташкил топган ХҚОга эга бўлиши керак: дескрипторлар, асосий сўзлар, предмет рубрикалари. Бир ёзув доирасида турли хилдаги лексик бирликларни ўз ичига олган ХҚОни қўллашга йўл қўйилади.

1.2 ХҚОдаги лексик бирликларни (ЛБ) ва уларнинг синтактик конструкциялари уларнинг семантикаси ва тузилишини характерловчи махсус белгилар билан таъминланади.

1.3 Дескрипторлар ва предмет рубрикалари индекслаш вақтида фойдаланилган луғат тўғрисидаги ахборот билан бирга берилади.

2 Ҳужжат кидирув образининг структураси

2.1 Асосий сўзлар ёки дескрипторлардан ташкил топган ҲҚО куйидаги структурага эга:

чизикли (алифбо тартибига риоя қилиниб ёки қилинмай берилган ЛБнинг оддий рўйхати),

иерархик (икки ёки ундан ортиқ иерархия даражаларининг ага синтактик конструкциялар билан).

Иерархик структурага эга ҲҚОда алоҳида олинган ЛБлар иерархиянинг бошланғич куйи даражасини ташкил қилади. ЛБлар бирикishi (шартли равишда «га») иккинчи даражани ҳосил қилади. Гаплар бирикмаси (шартли равишда «хатбоши») учинчи даражани ҳосил қилади. Иерархия даражаларининг сони чегараланмаган.

Структураланган ҲҚО иерархиянинг бир ёки турли даражаларидаги синтактик конструкцияларидан (ЛБ бирикмаслари) ташкил топсади, шунингдек, синтактик конструкциялар билан бир қаторда алоҳида ЛБларни ўз ичига олиши мумкин.

Мисоллар:

1. ҲҚО ЛБнинг оддий рўйхатидан таркиб топган: $A_1 A_2 A_3 A_4$

2. ҲҚО гаплардан таркиб топган: $(A_1 A_2) (A_3 A_4) (A_5 A_6)$

3. ҲҚО хатбошилардан таркиб топган: $((A_1 A_2) (A_3 A_4)) ((A_5 A_6) (A_7 A_8))$

4. ҲҚО гаплардан ва алоҳида ЛБлардан таркиб топган:
 $(A_1 A_2) A_3 A_4 A_5$

5. ҲҚО хатбошидан ва гаждан таркиб топган: $((A_1 A_2) (A_3 A_4)) (A_5 A_6 A_7)$

6. ҲҚО хатбоши, гап ва алоҳида ЛБдан таркиб топган: $((A_1 A_2) (A_3 A_4)) (A_5 A_6) A_7$

2.2 Предмет рубрикалари тилидаги ҲҚО доимо иерархик структурага эга. Предмет рубрикаси тилидаги ҲҚОнинг лексик birlikлари предмет сарлавҳалари ва уларни аниқлаштирувчи иерархиянинг турли даражаларидаги предмет кичик сарлавҳаларидир. Уларни тақдим этиш шакли ва ўзаро бўйсунуви предмет рубрикалари луғатида (рўйхат асосида) берилган.

Мисол: ҲҚО икки предмет рубрикасидан (Р) ташкил топган. Биринчи рубрика ўз ичига сарлавҳа (С) ва кичик сарлавҳани (КС) олади. Иккинчи рубрика ўз ичига сарлавҳа, кичик сарлавҳа ва кичик сарлавҳа остидаги сарлавҳани олади.

$P_1: C_1 - KC_1$

$P_2: C_2 - KC_2 - KCO C_2$

2.3 Битта дескрипторга тегишли маълумотлар 630 белгилни бир майдонда ёзилади, у 3.2-бандга мувофиқ кичик майдонга эга бўлиши мумкин. 630 белгилни ҳар бир майдон битта дескрипторга эга бўлиши ва 3.2-бандда кўрсатилган тартибда жойлаштирилган бошқа кичик майдонлардан ҳар бирининг биттадан кўп бўлмаган киришига эга бўлиши керак.

2.4 Бир асосий сўзга тегишли маълумотлар 3.3-бандга мувофиқ кичик майдонларни ўз ичига олиши мумкин бўлган 640 белгилни бир майдонда ёзилади. 640 белгилни ҳар бир майдон битта асосий сўзга ва 3.3-бандда кўрсатилган тартибда жойлаштирилган бошқа кичик майдонлардан ҳар бирининг биттадан кўп бўлмаган киришига эга бўлиши керак.

2.5 Предмет рубрикасининг ҳар бир предмет сарлавҳаси, кичик сарлавҳаси ёки кичик сарлавҳаси остидаги сарлавҳаси 3.4-бандга мувофиқ 670 белгилни алоҳида майдонда ёзилади. Мураккаб рубриканинг алоҳида элементларининг боғланиши иерархик код билан ифодаланади. Ҳар бир 640 белгилни майдон бир предмет рубрикасига ва 3.4-бандда кўрсатилган тартибда жойлаштирилган бошқа кичик майдонлардан ҳар бирининг биттадан кўп бўлмаган киришига эга бўлиши керак.

2.6 ЛБ боғланиши тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, синтактик конструкцияларнинг ахборот салмоғи 3.5-бандга мувофиқ 420 белгилни маълумотлар майдонларига ёзилади. Ҳар бир синтактик конструкцияга (ҳар бир синтактик боғланишлар графи устига) 3.5-бандда кўрсатилган тартибда жойлаштирилган Е ва N идентификаторли икки кичик майдонга эга алоҳида майдон мувофиқ келади.

2.7 ҲҚО доирасида ҳар бир ЛБда кичик майдонларнинг бир хил тўпламини келтириш тавсия этилади.

3 ҲҚОни шакллантирувчи маълумотлар элементларининг спецификацияси

3.1 ҲҚО маълумотларининг элементларини идентификация қилиш учун ГОСТ 7.19-85 га мувофиқ белги, қуйи ёзув ичидаги маълумотлар элементининг тартиб рақами (қўлланда аниқланадиган маълумотнома қисмининг иккинчи ва учинчи символлари), индикатор ва идентификатордан фойдаланилади.

ҲҚО маълумотларининг элементлари учун индикатор ё белгиси (бўш жой) билан афодаланади.

Ушбу бўлимда маълумотлар элементлари қуйидаги тартибда таърифланади:

маълумотлар элементининг белгиланиши: белги, индикатор ва идентификатор (унинг иккипчи символи),

маълумотлар элементининг номи,

мажбурийлик белгиси (М – мажбурий, Мэ – мажбурий эмас).
мазмуннинг тушуштирилиши,
ёзиш усули,
ёзиш намунаси.

Ёзиш намуналари жадвал шаклида берилди, унда маълумотнома компонентлари (маълумотлар майдонининг белгиси ва тартиб рақами) ва маълумотлар майдонлари компонентларининг таркиби (индикатор, идентификатор ва маълумотлар элементининг таркиби) кўрсатилади.

3.2 630 белгили майдон маълумотлари элементларининг спецификацияси

630 белгили кичик майдонлар рўйхати ва уларнинг ёзувда кетма-кет келиши тартиби 1-жадвалда кўрсатилган.

1-жадвал	
Идентификатор	Маълумотлар элементининг номи
С	Тезаурус дескриптори
Е	Дескриптор коди
Н	Дескрипторнинг иерархик коди
С	Дескриптор тўғрисида қўшимча ахборот
А	Тезаурус номи
М	АТЮАТдаги тезауруснинг рўйхатга олинган рақами

630 «С ТЕЗАУРУС ДЕСКРИПТОРИ (М – агар ХҚО тезаурус бўйича назорат қилинадиган индекслаш билан олинган бўлса).

Тезаурусдан (дескриптор лугати)дан олинган лексик бирлик (дескриптор).

Ёзиш усули. Лугат-манбага мувофиқ табиий тилда ёзилади. Ҳар бир дескриптор 630 «А ва/ёки 630 «М маълумотлар элементларини ҳам ўз ичига олувчи майдонда ёзилади.

Намуна. ХҚО 032.78 рўйхатга олиш рақамига эга тезаурусдан олинган дескрипторлардаги иборат: микро-ЭХМ, интерфейслар, стандартлар, юқори энергиялар физикаси.

Маълумотнома компонентлари	Маълумотлар майдонлари
630 01	« С микро-ЭХМ М 032.78
630 02	« С интерфейслар М 032.78
630 03	« С стандартлар М 032.78
630 04	« С юқори энергиялар физикаси М 032.78

630 eE ДЕСКРИПТОР КОДИ (Мэ)

Фойдаланиладиган АҚТ луғатида мувофиқ дескриптор коди. Коммуникатив форматда факат 630 eC «Тезаурус дескриптори» маълумотлар элементлари билан бирга қўлланилиши мумкин.

Ёзиш усули. Луғатда берилган кўринишда. Кичик майдон (630 eC маълумотлар элементи) дескриптор ёзилган майдон таркибига киради.

630 eN ДЕСКРИПТОРНИНГ ИЕРАРХИК КОДИ (M – структураланган ХҚОни ёзишда).

ХҚО иерархиясида дескрипторнинг ўрнини белгилайдиган код.

Ёзиш усули. Тегишли дескриптор 630 майдонининг N кичик майдонидаги $K N_1 N_2 \dots N_i \dots N_k$, структурасида, буида

K – синтактик конструкциядаги иерархия даражалари сонини ифодайлайдиган ўнлик рақам,

$i = 1, 2, 3 \dots$, K – юқоридан куйига иерархия даражасининг рақами.

N_i – битта юқори турувчи конструкцияга (масалан, ЛБнинг гапдаги ёки хатбошидаги гапнинг тартиб рақами) бўйсунган i-нчи иерархия даражасининг синтактик конструкцияларининг тартиб рақамларини ифодайлайдиган икки хонали кодлар (01, 02, ..., 99, 0A, ... ZZ кўплицидан).

Мисол. Икки даражали АҚТ икки гални ҳосил қилувчи беш дескриптордан таркиб топган:

биринчи гап – дастурий таъминот, дастурлар компиляторлари.

иккинчи гап – грамматик таҳлил, K – грамматикалар, қўлланиши.

Маълумотнома компонентлари	Маълумотлар майдонлари
630 01	e C дастурий таъминот N 2 01 01 M 032.78
630 02	e C дастурлар компиляторлари N 2 01 02 M 032.78
630 03	e C грамматик таҳлил N 2 02 01 M 032.78
630 04	e K – грамматикалар N 2 02 02 M 032.78
630 05	e C қўлланиши N 2 02 03 M 032.78

630 eS ДЕСКРИПТОР ТЎҒРИСИДА ҚЎШИМЧА АХБОРОТ (Мэ)

2–жадвалда тақдим этилган дескриптор тавсифлари

Ёзиш усули. Мас келувчи дескриптор майдонида 2-жадвалга мувофиқ б-белгилари код кўринишида. Код позицияларида ахборот мавжуд бўлмаган ҳолда \emptyset (бўш жой) кўйилади.

Намуна. «Томорка хўжалиги» дескриптори журналнинг номи ҳисобланади ва ушбу журнални кўлда индекслаш вақтида тезаурусдан аниқланган.

Маълумотнома компонентлари

630 01

Маълумотлар майдонлари

\emptyset С томорка хўжалиги

S IS \emptyset 113

M 530.82

2-жадвал

Тавсиф номи	Код ўрни	Тавсиф коди	Тавсиф қиймати
Семантик тавсиф	1	I T P V M E	Атоқли от (идентификатор) Атама Параметр номи Параметр қиймати Сони Катталиқ бирлиги
Морфологик тавсиф	2	F A C S B	Сўз қисми Оддий сўз Қўшма сўз Сўз бирикмаси Аббревиатура
ҲҚОдаги роли	3	\emptyset 1 2 3 4 5 6 7	Тадқиқот, ихтиро объекти Объект тавсифи, объект параметрлари Тадқиқот мсродлари ва воситалари, технологик жиҳозланиши Объектнинг таркибий қисмлари, туғунлари, деталлари Объектни қўллаш соҳаси Объектнинг вазифаси Тадқиқот, ишлаб чиқиш мақсади Тадқиқот, ишлаб чиқиш натижалари
ЛБнинг конструкциядаги роли	4	K H	ЛБнинг таянч конструкцияси (предмет кўрсаткичларининг кириш сўзи сифатида фойдаланилади) Конструкциянинг иккинчи даражали ЛБ (аниқлагич)

		F	Ушбу ЛБда фактографик ахборот мавжуд
ЛБ нинг хужжатдаги ахборот саямоги	5	3	Бош элемент (тушунча, атама)
		2	Бош элемент аниқлагичи
		1	Иккинчи даражали элемент
		0	Салбий салмоқ (хужжатда тегишли маълумотлар мавжуд эмас)
Лбни олиш усули	6	1	ЛБ индексатор билан белгиланган
		2	ЛБ автоматик индекслашда олинган
		3	ЛБ орикча индекслашда ёзиб қўйилган

630 ҶА ТЕЗАУРУСНОМИ (М – АТЮАТда рўйхатга олинмаган лугат асосида ХҚОни ёзишда)

Табиий тилдаги лугат-манбанинг номи.

Ёзиш усули. Лугатнинг титул varaгига мувофиқ.

630 ҶМ АТЮАТДА РҲЙХАТГА ОЛИНГАН ТЕЗАУРУС РАҚАМИ (М – АТЮАТда рўйхатга олинган лугат асосида ХҚОни ёзишда).

АТЮАТ марказий хизмати томонидан берилган лугат-манбанинг рўйхатга олинган рақами.

Ёзиш усули. Маълумотлар таркибий қисми ННН.ГТ структурасида ёзилади.

(ННН – рўйхатга олиш тартиб рақами, ГТ – рўйхатга олинган йилнинг охириги икки рақами).

Мисол. Индекслаш 534.82 рўйхатга олиш рақамига эга бўлган тезаурус бўйича амалга оширилган.

Маълумотнома компонентлари
630 01

Кичик майдон таркиби
М 534.82

3.3 640 белгили майдон маълумотлари элементлари нинг спецификацияси

640 белгили майдон кичик майдонларининг рўйхати ва ёзувда уларнинг кетма-кетлиги тартиби 3–жадвалда кўрсатилган.

3–жадвал

Идентификатор	Маълумотлар элементларининг номи
A	Асосий сўз (АС)
N	АСнинг иерархик коди.
S	АС тўғрисида қўшимча ахборот
C	АС тили

640 4A АСОСИЙ СЎЗ (M – агар ХҚО эркин индекслаш йўли билан олинган бўлса)

ХҚОнинг алоҳида лексик бирлигидан иборат табиий тил сўз ёки сўз бирикмаси.

Ёзиш усули. ГОСТ 7.25-80 бўйича табиий тилда, индекслаштирилаётган хужжатга мувофиқ нормал кўринишда: бўш жойлар, тиниш белгилари, рақамлари ва махсус белгиларини сақлаган ҳолда худди шу алифбода. Мисоллар 630 4C маълумотлар элементининг таърифида келтирилган.

640 4N АСОСИЙ СЎЗНИНГ ИЕРАРХИК КОДИ (M – структураланган ХҚОни ёзишда).

ХҚО иерархиясида асосий сўзнинг ўрнини белгилайдиган код.

Ёзиш усули ва мисол 630 4N маълумотлар элементининг таърифида келтирилганларга ўхшаш.

640 4S АСОСИЙ СЎЗ ТЎҒРИСИДА ҚЎШИМЧА АХБОРОТ (Mэ)

2-жадвалда тақдим этилган асосий сўзнинг таърифлари.

Ёзиш усули 630 4S маълумотлар элементининг таърифида келтирилганларга ўхшаш.

Мисол. ХҚО битта гап ва иккита алоҳида асосий сўздан иборат:

конференциялар (ахборот салмоғи = 2)	} гап
Париж (атокли от. ахборот салмоғи = 1)	
маълумотларни қайта ишлаш (ахборот салмоғи = 1)	
дастурий таъминот (ахборот салмоғи = 1)	

Изоҳ - ХҚО бир турдаги синтактик конструкциялар (гаплар) кўринишида тақдим этилади. Биринчи гап 2 та асосий сўздан, иккинчи ва учинчи гаплар биттадан асосий сўздан иборат.

Маълумотнома компонентлари

640 01

Маълумотлар майдонлари

4 A конференциялар

N 20101

S 444424

640 02

4 A Париж

N 20102

S 444414

640 03

4 A маълумотларни қайта ишлаш

N 20201

S 444414

640 04

4 A дастурий таъминот

N 20301

S 444414

640 4C АСОСИЙ СЎЗНИНГ ТИЛИ (M – агар асосий сўз тили библиографик ёзув тилидан фарқ қилса)

ҲҚОнинг асосий сўзлари ёзилган тил.

Ёзиш усули ва мисол ГОСТ 7.19-85да 101қА «ҳужжат асосий матнининг тили» маълумотлар элементи таърифида келтирилган. Маълумотлар элементи тегишли асосий сўз майдонида ёзилади.

3.4 67 белгили майдон маълумотлари элемент л а р и н и н г с п е ц и ф и к а ц и я с и

670 белгили майдон кичик майдонларининг рўйхати ва ёзувда уларнинг кетма-кетлиги тартиби 4-жадвалда берилган.

4-жадвал

Иденгификатор	Маълумотлар элементининг номи
В	Предмет рубрикаси
N	Предмет рубрикаларининг
С	иерархик коди
М	Предмет рубрикалари луғатининг номи
	Предмет рубрикалари луғатининг рўйхатга олинган рақами

670 **сВ** ПРЕДМЕТ РУБРИКАСИ (М – предмет рубрикаларининг луғати бўйича индекслашда)

Предмет рубрикасининг сарлавҳаси ёки кичик сарлавҳаси.

Изоҳ - Предмет рубрикалари сарлавҳалан ва иерархиянинг 1-, - 2-, - 3 ва янада чуқурроқ даражаларидаги унга аниқлик киритувчи кичик сарлавҳаларидан иборат бўлиши мумкин. Предмет рубрикаси иерархиясининг ҳар бир даражаси биттадан қўп бўлмаган ЛБга эга бўлиши мумкин. Формат предмет рубрикалари иерархиясининг чуқурлигини чекламайди.

Ёзиш усули. Луғат-маибага мувофиқ. Предмет рубрикаларининг ҳар бир ЛБ алоҳида майдонда ёзилади.

Мисол. ҲҚО сарлавҳа бўлган ва кичик сарлавҳаларга эга бўлмаган «Аккумуляторлар» битта оддий предмет рубрикасини ўз ичига олади.

Маълумотнома компонентлари

670 01

Маълумотлар майдони

с В Аккумуляторлар

670 **с** ПРЕДМЕТ РУБРИКАСИНИНГ ИЕРАРХИК КОДИ

(М - предмет рубрикаларининг луғати бўйича индекслашда)

Предмет рубрикасининг иерархиясида лексик бирликнинг ўрнини белгиловчи код.

Ёзиш усули. РУУ структурасида тегишли ЛБ майдонининг кичик майдонидаги уч символли код кўринишида

(Р – ҲҚОдаги рубриканинг бир символли тартиб рақами,

УУ – предмет рубрикасидаги ЛБ иерархияси даражасининг икки символи рақами).

Бунда иерархия даражаларининг рақамланиши 00 рақами берилган предмет рубрикасининг сарлавҳаси даражасидан бошланади.

Мисол. ХҚО куйидаги кичик сарлавҳаларга эга бўлган иккита предмет рубрикасини ўз ичига олади:

Торф – Намлик – Ўлчанш

Торф – Брикетлаш

Маълумотнома компонентлари	Маълумотлар майдони
670 01	с В Торф N 100
670 02	с В Намлик N 101
670 03	с В Ўлчанш N 102
670 04	с В Торф N 200
670 05	с В Брикетлаш N 201

670 сС ПРЕДМЕТ РУБРИКАЛАРИ ЛУҒАТИНИНГ НОМИ (М – предмет рубрикаларининг луғати бўйича индекслашда).

Таърифи 630 сМ маълумотлар элементиға ўхшаш.

670 сМ ПРЕДМЕТ РУБРИКАЛАРИНИНГ ЛУҒАТИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ РАҚАМИ (М – АТЮАТ рўйхатиға олиш рақами бўлган ҳолда).

Таърифи 630 сМ маълумотлар элементиға ўхшаш.

3.5 420 белгили майдон маълумотлари элементларининг спецификацияси

ХҚОни тақдим этиш учун қўлланиладиган белгиға эга майдон кичик майдонларининг рўйхати ва ёзувда уларнинг кетма–кетлиги тартиби 5-жадвалда кўрсатилган.

5-жадвал

Идентификатор	Маълумотлар элементининг номи
E	Маълумотлар элементлари ўртасидаги муносабат характери.
N	ХҚОдаги ЛБлар ўртасидаги муносабат характери

420 ҶЕ МАЪЛУМОТЛАР ЭЛЕМЕНТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ
МУНОСАБАТ ХАРАКТЕРИ (Мэ)

ГОСТ 7.19–85га мувофиқ ЛБлар боғланишини белгилаш учун 4-
символга эга.

420 ҶN ХҚОда ЛБлар ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТ ХАРАКТЕРИ
(Мэ)

ХҚО асосий сўзлари ва/ёки дескрипторлари ўртасидаги муносабат
характери, шунингдек синтактик конструкциянинг ахборот салмоғи
тўғрисидаги кўшимча ахборот.

Ёзиш усули. Ўринлари 6–жадвал бўйича тўлдириладиган, уч символли
коддан кейин ёзиладиган ва ундан ҳамда бир-биридан бўш жой билан
ажратиладиган характерланаётган маълумотлар элементларининг манзиллари
билан кузатиладиган уч символли код кўринишида берилади. ЛБ манзили
маълумотлар майдонининг тартиб рақамига эга 630 ёки 640 белгисидир.
Синтактик конструкция манзили маълумотлар майдонининг тартиб рақамига
эга 420 белгисидир. Тегишли маълумотлар мавжуд бўлмаган ҳолда уч
белгили код ўринларида Ҷ (бўш жой) белгиси кўйилади.

1-мисол. ХҚОнинг учинчи, тўртинчи ва бешинчи асосий сўзлари
ўртасидаги муносабатлар характерланади. Муносабат параметрли
конструкциядаги компонентларнинг боғланишидир.

Маълумотнома компонентлари
420 01

Маълумотлар майдони
Ҷ E4 N EҶҶҶ 610 03 Ҷ 640 04 Ҷ
640 05

2-мисол. Дескрипторли ХҚОнинг иккинчи ва учинчи ЛБлари
синонимлар ҳисобланади.

Маълумотнома компонентлари
420 02

Маълумотлар майдони
Ҷ E4 N ҶҶҶ 630 02 Ҷ 630 03

3-мисол. Хатбоши туридаги синтактик конструкция биринчи ва
иккинчи гап билан ҳосил қилинган, шунингдек, ўз ичига бешинчи
дескрипторни олади. Конструкция ХҚОнинг бош элементи сифатида
характерланади.

Маълумотнома компонентлари
420 03

Маълумотлар майдони
Ҷ E4 N ҶҶ3 420 01 Ҷ 420 02 Ҷ
630 05

6–жадвал. ЛБ ўртасидаги муносабат характери

Тавсиф номи	Код ўрни	Тавсиф коди	Тавсиф киймати
Синтактик боғланиш	1	C	Мазмунли талқин этилмаган боғланиш
		D	Тартибли боғланиш (кўрсатиш шарт эмас)
		F	Лексик бирлик қисмларининг боғланиши
		E	Параметрли конструкция компонентларининг боғланиши
		A	«Объект-тавсиф» туридаги боғланиш
Парадигматик муносабатлар	2	C	Синонимия
		B	Таянч ЛБнинг индекслаш лугатининг иерархияси бўйича юқори турувчи билан боғланиши
		H	Таянч ЛБнинг индекслаш лугати иерархияси бўйича қуйи турувчи билан боғланиши
		A	Ассоциация
Синтактик конструкциянинг ахборот салмоғи	3	3	Бош элемент (асосий конструкция)
		2	Бош элемент аниқлагичи
		1	Иккинчи даражали элемент (асосий бўлмаган конструкция)
		0	Салбий салмоқ

4 Маълумотларни ёзувда тақдим этиш

4.1 ХҚОни ёзиқда ГОСТ 7.19-85 бўйича символлар тўплами ва кодлаш методларидан фойдаланилади. Бир алифбодаги белгилар кодларини бошқа алифбодаги шакли бўйича ўхшаш белгилар билан алмаштиришга йўл қўйилмайди.

4.2 ХҚО айнан бир лугатдан олинган дескрипторлар ёки предмет рубрикалари ёхуд айнан бир тилга тегишли асосий сўзлардан иборат бўлган ҳолларда 630 қА, 630 қМ, 670 қМ ва 640 қС маълумотлар элементларини фақат ёзувдаги ушбу турнинг биринчи лексик бирлигида кўрсатиш кифоя қилади.

Мисол. 630 қС маълумотлар элементининг таърифига келтирилган мисолда ХҚОни қуйидаги кўринишда тақдим қилишга йўл қўйилади.

Маълумотнома компонентлари	Маълумотлар майдонлари
630 01	С микро-ЭҲМ
	М 032.78
630 02	С интерфейслар
630 03	С стандартлар
630 04	С юкори энергиялар физикаси

4.3 Ушбу стандарт билан белгиланган лексик бирликларнинг идентификаторлари ва тавсиф кодлари сифатида лотин алифбосининг рақамлари ва бош ҳарфларини қўллайдилар.

Илова
(маълумот учун)

Стандардда қўлланилган атамаларга тушунтиришлар

Огзаки АКТ -- лексик бирликларини тақдим этиш учун табиий тилдаги сўз ёки ифодалардан фойдаланиладиган ахборот-қидирув тили.

Иерархик код - ҲҚО иерархик структурасида лексик birlik ёки синтактик конструкциянинг ҳолатини аниқлайдиган код билан ифодаланган маълумотлар элементи.

Структураланган ҲҚО – АКТ ёрдамида ёзиб олинган, синтактик конструкцияда лексик birlikларнинг бирлашишидан фойдаланадиган ҳужжатнинг қидирув образи.

ҲҚО синтактик конструкцияси – ҲҚОнинг икки ва ундан ортиқ лексик birlikлари бирлашмаси бўлиб, улар ахборотни қидиришда биргаликда ёки бир-бирига боғлиқ равишда қўрилиши лозим. Синтактик конструкциялар ўз ичига қуйи даражадаги синтактик конструкцияларни олиши ва юқори даражадаги конструкцияларга кириши мумкин.

Алоҳида лексик birlikлар бузилган синтактик конструкциялар сифатида қўрилиши мумкин.

ИТААТ – Илмий-техник ахборотнинг автоматлаштирилган тизими.

ИТАДАТ – Илмий-техник ахборотнинг давлат автоматлаштирилган тизими.

АТЮАТ - Ахборот тилларини юритишнинг автоматлаштирилган тизими.

ДА В Л А Т Л А Р А Р О С Т А Н Д А Р Т

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иш бўйича
стандартлар тизими**

НАШРЛАР

**Китобларнинг халқаро стандарт
рақамланиши**

**Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича
давлатлараро кенгаш
Минск**

Сўз боши

1 Россия Федерацияси Матбаа, телерадиоэшиштириш ва оммавий коммуникация воситалари вазирлиги котидаги Россия китоб палатаси ва ДТҚ 191 «Илмий-техник ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши» Стандартлаштириш бўйича давлатлараро техника қўмитаси томонидан ИШЛАБ ЧИКИЛГАН

Россия Давстандарти томонидан КИРИТИЛГАН

2 Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаш томонидан ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН (2001 йил 2 ноябрдаги 20-сон баённома)

Қабул қилиш учун овоз берганлар

Давлат номи	Стандартлаштириш бўйича миллий орган номи
Озарбайжон Республикаси	Оздавстандарт
Арманистон Республикаси	Армдавстандарт
Беларусь Республикаси	Беларусь Республикаси Давстандарти
Қозоғистон Республикаси	Қозоғистон Республикаси Давстандарти
Қирғизистон Республикаси	Қирғизстандарт
Россия Федерацияси	Россия Давстандарти
Тожикистон Республикаси	Тожикистандарт
Туркманистон	«Туркменстандартлары» бошдавхизмати
Ўзбекистон Республикаси	Ўздавстандарт
Украина	Украина Давстандарти

3 Россия Федерацияси Стандартлаштириш ва метрология бўйича Давлат қўмитасининг 2002 йил 15 январдаги 15-ст.-сон қарори билан ГОСТ 7.53-2001 давлатлараро стандарти 2002 йил 1 июлдан бевосита Россия Федерациясининг давлат стандарти сифатида амалга киритилган.

4 ГОСТ 7.53-86 ЎРНИГА

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими**

НАШРЛАР

Китобларнинг халқаро стандарт рақамланиши

**System of standards information, librarianship and publishing
Publications. International standard book numbering**

Жорий этиш санаси 2002-07-01

1 Қўллаш соҳаси

Ушбу стандарт Халқаро стандарт рақамланиши (International standard book numbering - ISBN)ни қўллаш асосида китоб ва рисоаларни идентификация қилиш усули учун тааллуқлидир ва китобларнинг халқаро стандарт рақами (International standard book number - ISBN)нинг тузилиши, таркиби, ёзилиш шакли, китобларда жойлашиши, бериш процедурасини белгилайди.

Ушбу стандарт ташкилий-ҳуқуқий тузилиши, идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, ноширлар, матбаа корхоналари, барча ҳужжат тайёрловчилар учун мўлжалланган.

2 Норматив ҳаволалар

Ушбу стандартда қуйидаги стандартга ҳаволадан фойдаланилган:

ГОСТ 7.4-95 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Нашрлар. Чикувчи маълумотлар.

3 Умумий қондалар

3.1 ISBN ҳар бир китоб учун ноёб идентификатор бўлиб, нашр чикувчи маълумотларининг мажбурий элементи ҳисобланади.

3.1 Бир асарнинг турли нашрларига ISBNнинг турли рақамлари берилади. Ҳар бир янги нашрга ISBN янги рақами берилади. ISBN битта рақамининг такроран берилиши мумкин эмас.

3.3 Китобларнинг халқаро стандарт рақамланиши кўпайтирилади ва ҳужжатларнинг қуйидаги турларига тааллуқлидир:

- китоб ва рисолалар;
- альбом ва атласлар;
- комплект нашрлар;
- аудио- ва видеонашрлар;
- электрон нашрлар;
- микроташувчилардаги нашрлар;
- кўзи оғирлар учун Брайль шрифтида босилган нашрлар.

Серияли ва нотали нашрлар махсус идентификация қилинувчи ISSN ва ISMN тизимлари билан рақамланади.

4 ISBN тuzилиши

4.1 Китобнинг халқаро стандарт рақами, нашр тилидан қатъи назар, ISBN аббревиатураси ҳамда ундан сўнг келадиган ўнта рақамдан иборат.

4.2 ISBN рақамли қисми учун 0 дан 9 гача бўлган араб рақамлари қўлланади. ISBN сўнги (назорат) рақами 10 сонини белгилаш учун фойдаланиладиган рим рақами X бўлиши мумкин.

4.3 ISBN рақамли қисми бир-биридан дефис орқали ажратиладиган турли узунликдаги рақамларнинг тўртга гуруҳидан иборат. ISBN аббревиатураси билан бириччи рақам ўртасида оралик қолдирилади.

4.4 ISBN рақамларининг тўртга гуруҳи қуйидагича кетма-кетликда жойлаштирилади:

- гуруҳ идентификатори;
- пошир ёки ишлаб чиқарувчининг идентификатори;
- китобнинг тартиб идентификатори;
- назорат рақами.

ISBN тuzилишига бир мисол: 5-87818-228-9 ,

бу ерда 5 - гуруҳ идентификатори;

87818 - ношир идентификатори;

228 - китобнинг тартиб идентификатори;

9 - назорат рақами.

4.5 Гуруҳ идентификатори мамлакат белгиланиши ёки тил соҳаси учун хизмат қилади. МДХ ҳар бир аъзо давлати учун гуруҳ идентификатори ISBN Халқаро агентлигини белгилайди.

4.6 МДХга аъзо давлатлар ношир ёки ҳужжат ишлаб чиқарувчининг идентификаторини тегишли МДХга аъзо давлатларнинг ISBN миллий агентлиги ёки ISBN миллий агентлиги вазифасини бажарувчи муассаса белгилайди (А илова). Масалан, Россия ноширлари ва ҳужжат ишлаб чиқарувчиларнинг идентификаторларини Россия китоб палатаси - ISBN Россия агентлиги белгилайди.

Ношир идентификатори у томонидан чиқариладиган китоб маҳсулоти ҳажмига боғлиқ ҳолда ўзгарувчан узунликка эга.

4.7 Китобнинг тартиб идентификатори муайян нашрни идентификация қилиш учун хизмат қилади. Китоб тартиб идентификаторининг узунлиги ношир идентификатори ва гуруҳ идентификаторига боғлиқ. Китобнинг тартиб идентификатори биттадан олтигагача рақамдан иборат бўлиши мумкин.

4.8 Назорат рақами алоҳида қодалар бўйича ҳисоблаб чиқилади ва ISBN рақамли қисми тўғри ёзилганини текшириш учун хизмат қилади.

5. ISBN нашрда жойлаштирилиши

5.1 Китоб нашрларида ISBN ГОСТ 7.4 бўйича нашр титул varaғи орқасининг чап пастки бурчагига ёзилади, шунингдек мукова охириги бетининг пастки қисмида ёки жилднинг орқа томонида келтирилиши мумкин.

5.2 Китоб шаклида бўлмаган нашрлар (аудио-, видеоҳужжатлар, электрон ташувчилардаги ва ҳ.)да ISBN физик ташувчидаги маркалашда, ёрлигида келтирилиши керак.

А илова
(маълумот учун)

МДХга аъзо давлатларда ISBN миллий марказлари

Давлатлар номи	ISBN миллий маркази ёки унинг вазифасини бажарувчи муассаса
Озарбайжон Республикаси	Озарбайжон давлат китоб палатаси
Арманистон Республикаси	Арманистон Давлат китоб палатаси
Беларусь Республикаси	Беларусь Республикаси Миллий китоб палатаси
Грузия	Сулхан-Саба Орбелиани номидаги Грузия Давлат китоб палатаси
Қозоғистон Республикаси	Қозоғистон Миллий китоб палатаси
Қирғизистон Республикаси	Қирғизистон Республикаси Давлат китоб палатаси
Молдова Республикаси	Молдова Республикаси Миллий китоб палатаси
Россия Федерацияси	Россия китоб палатаси
Тожикистон Республикаси	Тожикистон Давлат китоб палатаси
Туркменистон	Туркменистон Давлат китоб палатаси
Ўзбекистон Республикаси	Ўзбекистон Давлат китоб палатаси
Украина	Украина китоб палатаси

УЎТ 655.535.2:006.354

ДСТ 01.140.30

Т62

СТШУТ 0007

Асосий сўзлар: нашрлар, китоб ва рисоалар, китоб нашрлари, жилд, муқова, чиқувчи маълумотлар, Китобларнинг халқаро стандарт рақамланиши, Серияли нашрларнинг халқаро стандарт рақами.

ДА В Л А Т Л А Р А Р О С Т А Н Д А Р Т

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими**

Н А Ш Р Л А Р

**Серияли нашрларнинг
халқаро стандарт рақамланиши**

**Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича
давлатлараро кенгаш
Минск**

Сўз боши

1 Россия Федерациясининг Матбуот ишлари, телерадиоэшиттириш ва оммавий коммуникация воситалари вазирлиги қошидаги Россия китоб палатаси ва ДТҚ 191 «Илмий-техник ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши» Стандартлаштириш бўйича давлатлараро техник қўмита томонидан ИШЛАБ ЧИКИЛГАН

Россия Давстандарти томонидан КИРИТИЛГАН

2 Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаш томонидан ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН (2002 йил 17 январдаги 1-сон баённома, ёзишма бўйича)

Қабул қилиш учун овоз берганлар:

Давлат номи	Стандартлаштириш бўйича milliy organ номи
Озарбайжон Республикаси	Оздавстандарт
Арманистон Республикаси	Армдавстандарт
Беларусь Республикаси	Беларусь Республикаси Давстандарти
Қозғоғистон Республикаси	Қозғоғистон Республикаси Давстандарти
Қирғизистон Республикаси	Қирғизстандарт
Молдова Республикаси	Молдовастандарт
Россия Федерацияси	Россия Давстандарти
Тожикистон Республикаси	Тожикистандарт
Туркменистон	«Туркменстандартлари» Бошдавхизмати
Ўзбекистон Республикаси	Ўздавстандарт

3 Ушбу стандарт мамлакат иктисодиётининг эҳтиёжларини ақс эттирадиган қўшимча талабларга эга ИСО 3297-98 «Информация и документация. Международный стандартный номер серийного издания (ISSN)» халқаро стандартининг тўлик аси маънидан иборат.

4 Россия Федерацияси Стандартлаштириш ва метрология Давлат қўмитасининг 2002 йил 8 июлдаги 271-сон қарори билан ГОСТ 7.56-2002 (ИСО 3297 98) давлатлараро стандарти 2003 йил 1 январдан бевосита Россия Федерациясининг давлат стандарти сифатида амалга қиритилган.

5 ГОСТ 7.56-89 ЎРНИГА

ДА В Л А Т Л А Р А Р О С Т А Н Д А Р Т

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими

НАШРЛАР

Серияли нашрларнинг
халқаро стандарт рақамланиши

System of standards on information, librarianship and publishing.
Publications. International standard serial numbering

Жорий этиш санаси 2003-01-01

1 Қўллаш соҳаси

Ушбу стандарт серияли нашрларнинг халқаро стандарт рақамланиши – (International standard serial numbering - ISSN) асосида серияли нашрларни идентификация қилиш усулига тегишли бўлиб, серияли нашр халқаро стандарт рақамининг (International standard serial number - ISSN) нашрлардаги структураси, тақдим этилиши, жойлалиши, берилиши, серияли нашр асосий сарлавҳасининг ҳосил бўлиш процедурасини белгилайди.

Серияли нашрларга давомийлиги олдиндан белгиланмаган вақт давомида чиқадиган, одатда, рақамланган ва (ёки) бир хил сарлавҳага эга бўлган нашрлар (жилдлар) санаси қўйилган нашрлар киради.

Стандарт ташкилий-ҳуқуқий тузилиши, идоровий тегишлилиги ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, нопирлар, матбаа корхоналари, шунингдек, барча ҳужжат тайёрловчилар учун мўлжалланган.

Мамлакат иқтисодиётининг эҳтиёжларини ақс этирадиган қўшимча талаблар курсив билан ажратилган.

2 Норматив ҳаволалар

Ушбу стандартда ГОСТ 7.4–95 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Нашрлар. Чикиш маълумотлари стандартига ҳаволадан фойдаланилган

3 Умумий қоидалар

3.1 ISSN ҳар бир серияли нашр учун поёб идентификатор бўлиб, серияли нашрлар чиқиш маълумотларининг мажбурий элементи ҳисобланади.

3.2 Ҳар бир серияли нашрга фақат битта ISSN рақами берилади. Айнан битта ISSN рақами қайта берилиши мумкин эмас.

3.3 Серияли нашрларнинг халқаро стандарт рақамланиши қўлайтириладиган ҳужжатларнинг қуйидаги турларига тегишлидир:

- газеталар;
- журналлар;
- йиллик нашрлар;
- сериялар (рақамланмаган китоб серияларидан ташқари);
- даврий ёки маъруза, ҳисобот, материал тўпланишига кўра чоп этиладиган доқлавлар, ҳисоботлар, тўпламлар;
- мухтазама ўтказиладиган анжуманлар, конференциялар, симпозиумлар ва ш.к. нашрлари;
- серияли аудио-, видеонашрлар;
- серияли электрон нашрлар;
- микроташувчилардаги серияли нашрлар.

3.4 ISSN блокларини ISSN Халқаро маркази белгилайди ва тақсимлайди.

3.5 МДҲга аъзо давлатларнинг серияли нашрларига ISSN рақамларини МДҲга аъзо бўлган тегишли давлатдаги ISSN миллий маркази ёки унинг вазифасини бажарадиган муассаса беради (А илова). Масалан, Россия серияли нашрларига ISSN рақамларини Россия китоб палатаси беради.

4 ISSN структураси

4.1 Серияли нашрларнинг халқаро стандарт рақами ISSN аббревиатураси ва дефис билан ажратилган икки тўрт хонали рақамли гуруҳдан иборат.

4.2 ISSN аббревиатураси ва биринчи рақам бўлиб жой билан ажратилади.

4.3 ISSN рақамли қисми учун 0 дан 9 гача бўлган сонлар қўлланилади. ISSN охири (назорат) рақами 10 сонини белгилаш учун фойдаланиладиган рим X рақами бўлиши мумкин.

5 ISSN нашрда жойлашини

5.1 ISSN нашрда ГОСТ 7.4 га мувофиқ равишда келтирилади ва муқова биринчи бетининг юқори ўнг бурчагига ёки қалин муқованинг олд томонига жойлаштирилади, улар бўлмаса - ҳар бир серияли нашр чиқарилишининг титул varaгига ёки қўшма титул varaгига жойлаштирилади.

5.2 Агар ISSN серияга ва қуйи серияга ҳам берилган бўлса, дастлаб серияли нашрнинг, унинг остида - қуйи сериянинг ISSN берилади.

5.3 Газетанинг ISSN газета ҳар бир сони биринчи саҳифасининг юқори қисмига ёки сўнги саҳифасининг пастки қисмига жойлаштирилади.

5.4 Аудио-, видео- ва электрон нашрларда, микротапувчилардаги нашрларда ISSN физик ташувчининг маркаланмишида, ёрлигида келтирилиши керак.

6 ISSN ва серияли нашрнинг асосий сарлавҳаси

6.1 Серияли нашрнинг асосий сарлавҳаси ISSN миллий маркази ёки унинг функцияларида бажарадиган муассаса томонидан ISSN бериш жараёнида белгиланади.

6.2 Ҳар бир ISSNга алоҳида асосий сарлавҳа мувофиқ келади.

6.3 Нашр сарлавҳаси ўзгарганда асосий сарлавҳа ва ISSN ҳам ўзгаради.

А илова
(маълумот учун)

МДХга аъзо давлатларнинг ISSN миллий марказлари

Давлат номи	ISSN миллий маркази ёки унинг функциясини бажаранган муассаса
Озарбайжон Республикаси	Озарбайжон Давлат китоб палатаси
Арманистон Республикаси	Арманистон Давлат китоб палатаси
Беларусь Республикаси	Беларусь Республикаси Миллий китоб палатаси
Грузия	Сулхан-Саба Орбелиани номидаги Грузия давлат китоб палатаси
Қозоғистон Республикаси	Қозоғистон Миллий китоб палатаси
Қирғизистон Республикаси	Қирғизистон Республикаси Давлат китоб палатаси
Молдова Республикаси	Молдова Республикаси Миллий китоб палатаси
Россия Федерацияси	Россия китоб палатаси
Тожикистон Республикаси	Тожикистон Давлат китоб палатаси
Туркменистон	Туркменистон Давлат китоб палатаси
Ўзбекистон Республикаси	Ўзбекистон Давлат китоб палатаси
Украина	Украина китоб палатаси

УЎТ 655.534:006.354

СДТ 01.140.40

Т62

СТШУТ 0007

Асосий сўзлар: серияли нашрлар, даврий нашрлар, давомли нашрлар, Серияли нашрларнинг халқаро стандарт рақамланиши, Серияли нашрларнинг Халқаро стандарт рақами, чиқиш маълумотлари

ДАВЛАТЛАРАРО СТАНДАРТ

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими**

НАШРЛАР. АСОСИЙ ТУРЛАРИ

Агамалар ва таърифлар

**Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш
бўйича давлатлараро кенгаш
Минск**

Сўз боши

1 РФ Матбуот, телерадиоэшиттириш ва оммавий коммуникация воситалари бўйича вазирлигининг Россия китоб палатаси ва ТҚ 191 «Илмий-техник ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши» Стандартлаштириш бўйича давлатлараро техник қўмита томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

Россия Давстандарти томонидан КИРИТИЛГАН

2 Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича давлатлараро кенгаш томонида ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН. (2003 йил 22 майдаги 23-сон баённома)

Қабул қилиш учун овоз берганлар:

Давлатлар номи	Стандартлаштириш бўйича миллий орган номи
Озарбайжон Республикаси	Оздавстандарт
Арманистон Республикаси	Армдавстандарт
Беларусь Республикаси	Беларусь Республикаси Давстандарти
Қозоғистон Республикаси	Қозоғистон Республикаси Давстандарти
Қирғизистон Республикаси	Қирғизстандарт
Грузия	Грузстандарт
Россия Федерацияси	Россия Давстандарти
Тожикистон Республикаси	Тожиқстандарт
Туркменистон Республикаси	«Туркменстандартлары» Бошдавхизмати
Ўзбекистон Республикаси	Ўздавстандарт

3 Россия Федерациясининг Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича давлат қўмитасининг 2003 йил 25 ноябрдаги 331-с/с-сон қарори билан ГОСТ 7.60-2003 давлатлараро стандарти бевосита Россия Федерациясининг давлат стандарти сифатида 2004 йил 1 январдан амалга киритилган.

4 ГОСТ 7.60-90 ўрнинга

Кириш

Стандартда белгиланган атамалар китоб нашр қилишдаги тушунчалар тизимини акс эттирувчи тартибда жойлашган.

Хар бир тушунча учун битта стандартлаштирилган атама белгиланган.

Қўлланилишига йўл қўйилмайдиган атама-синонимлар стандартланштирилган атамадан кейин қавсларда келтирилган ва “йқм” белгиси билан белгиланган.

Алифбо кўрсаткичда стандартнинг мапшикий тизимидаги хар бир атаманинг жойини кўрсатувчи макола-индекслар рақамларини кўрсатган ҳолда атамалар келтирилган.

Стандартда келтирилган таърифларни, зарур бўлганда, ихтиёрий белгиларни уларга киритган, уларда фойдаланиладиган атамаларнинг маъносини очган, аниқланадиган тушунчаларнинг ҳажмига кирадиган объектларни кўрсатган ҳолда ўзгартириш мумкин. Ўзгартиришлар ушбу стандартда белгиланган тушунчаларнинг ҳажми ва маъносини бузмаслиги керак.

Стандартда стандартлаштирилган атамаларнинг немис (de), инглиз (en), француз (fr) тилларидаги бошқа тил эквивалентлари келтирилган.

Стандартлаштирилган атамалар ним қора шриффт билан, йўл қўйилмайдиган атама-синонимлар курсив билан берилган.

ГОСТ 7.60-2003 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Нашрлар. Асосий турлари. Атамалар ва таърифлар

Қайси жойда	Босилган	Бўлиши керак
Рус тилидаги атамаларнинг алифбо кўрсаткичи. «Махсус газетали чиқариш» атамаси учун	3.5.1.3	3.2.5.1.3

(2007й. ИУС 2-сон)

ДА В Л А Т Л А Р А Р О С Т А Н Д А Р Т

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими**

НАШРЛАР. АСОСИЙ ТУРЛАРИ**Атамалар ва таърифлар**

System of standards on information, librarianship and publishing.
Publications. Basic types. Terms and definitions

Жорий этиш санаси 01.07.2004

1 Қўллаш соҳаси

Ушбу стандарт китоб нашр қилишда фойдаланиладиган тушунчаларнинг атамалари ва таърифларини белгилайди.

Ушбу стандартда белгиланган атамалар стандартлаштириш бўйича ишлар соҳасига кирувчи ва/ёки ушбу ишлар натижаларнда фойдаланувчи китоб нашр қилиш соҳасидаги ҳужжат ва адабиётларнинг барча турларида қўллаш учун тавсия қилинади.

2 Норматив ҳаволалар

Ушбу стандартда куйидаги стандартларга ҳаволалардан фойдаланилган:

ГОСТ 7.0-99 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Ахборот-кутубхона фаолияти, библиография. Атамалар ва таърифлар.

ГОСТ 7.83-2001 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Электрон нашрлар. Асосий турлари ва чиқиш маълумотлари.

3 Агамалар ва таърифлар

3.1 Умумий тушуничалар

- 3.1.1 **нашр** (ЙКМ. *номи; чоп этиш; адади; нусха*): Таҳририят-нашриёт ишлови берилган, мустақил расмийлаштирилган, чиқиб маълумотларига эга, ундаги ахборотни тарқатиш учун мўлжалланган ҳужжат.
Изоҳ - Ҳужжат деганда уни идентификация қилиш имкониятига эга реквизитлари бўлган моддий ташувчида қайд этилган ахборот тушунилади.
- 3.1.1.1 **босма нашр**: Босиб чиқариш ёки босма нақш тушириш йўли билан олинган, матбаа усулида мустақил расмийлаштирилган нашр.
- 3.1.1.2 **электрон нашр**: Фойдаланиш учун ҳисобланг техникасининг воситалари зарур бўлган нашр.
- 3.1.2 **нашриёт маҳсулоти**: Чиқаришга мўлжалланган ёки ношир (ноширлар) томонидан чиқарилган нашрлар мажмуи.
Изоҳ - Ношир бўлиб, нашрни тайёрлаш ва чиқаришни амалга оширувчи юридик шахс (хусусий тadbirkor) ҳисобланади.
- 3.1.3 **нашр тури**: Бир ёки бир нечта фарқловчи белгилар асосида ажратилган нашрлар гуруҳи.
- 3.1.4 **даврийлик**: Нашрнинг аниқ, қайд этилган оралиқ вақтдаги сонлари ёки чиқаришлари билан аниқланадиган нашрлар чиқишининг мунтазамлик тавсифи.
- 3.1.5 **максадли вазифаси**: Нашрнинг жамоат функциясини бажарадиган пункти назардан унинг тавсифи
- 3.1.6 **ахборот характери**: Нашрдаги асарнинг жанри ва бошқа хусусиятларини ақс эттирадиган белгилар комплекси.
- de Ausgabe
en publication, edition
fr publication, édition
- de Druckproduktion
en publisher's output,
printed matter
fr production éditoriale
- de Periodizität
en periodicity

- 3.1.7 **нашрнинг материал конструкцияси:** Нашрнинг мазмунига боғлиқ бўлмаган, нашриёт ва матбаа белгилари йнгиндиси билан характерланадиган предмет сифатида нашрнинг тарихий шакланган шакли.
- 3.1.8 **нашрни расмийлаштириш:** Бадний жихатдан тушунилан матбаа воситалари ёрдамида нашрнинг ягона ва яхлит композициясида унинг асар мазмуни ва мақсадли вазифасини акс эттириш.
- de Gestaltung der Ausgabe
en design of publication, lay-out
fr parure du livre, présentation d'une publication
- 3.2 Нашр турлари**
- 3.2.1 Даврийлик бўйича нашр турлари**
- 3.2.1.1 **даврий бўлмаган нашр:** Бир марта чиқадиган, давомли бўлмаган нашр.
- de nichtperiodische Ausgabe
en non-periodical, edition
fr édition non périodique
- 3.2.1.2 **сериял нашр:** Давомийлиги оддидан белгилашмаган вақт давомида чиқадиган, одатда, бир хил сарлавҳага эга рақамланган ва (ёки) санаси қўйилган чиқаришлар (томлар)га эга нашр.
- de Serialausgabe, Folgedruckwerke
en serial
fr serial
- 3.2.1.3 **даврий нашр:** Аниқ вақт ораллиқларида чиқадиган, одатда, ҳар бир йил учун доимий рақам сони (чиқариш)га эга, маъно жихатдан такрорланмайдиган, бир турда расмийлаштирилган, бир хил сарлавҳали рақамланган ва (ёки) санаси қўйилган чиқаришларга эга серияли нашр.
- de Periodikum
en periodical
fr périodique
- Изоҳ - Даврий нашр кундалик, ҳафталик, ойлик, чораклик, йиллик бўлиши мумкин.
- 3.2.1.4 **давомли нашр:** Материал йнгилишига кўра аниқ бўлмаган вақт ораллиғида чиқадиган, маъно жихатидан такрорланмайдиган, бир турда расмийлаштирилган, умумий сарлавҳали рақамланган ва (ёки)
- de fortlaufende Ausgabe
en serial
fr édition continue

санаси қўйилган чиқаришларга эга серияли нашр.

3.2.2 Асосий матн таркиби бўйича нашр турлари

- | | | |
|---------|---|---|
| 3.2.2.1 | мопонашр: Бир асарни ўз ичига олган нашр. | de Einzelwerkausgabe
en monooedition
fr nonoédition |
| 3.2.2.2 | тўплам: Бир қатор асарларни ўз ичига олган нашр.
Изоҳ – Даврийлигига кўра, даврий бўлмаган, даврий ва давомли тўпламлар фарқланади. | de Sammelwerk
en symposium, collection
fr recueil |
| 3.2.2.3 | дайжест: Бошқа нашрлардан кўчириб босилган энг кизикарли материалларни ўз ичига олган тўплам. | de Sammelwerk
en digest
fr résumé, abrégé, condensé |

3.2.3 Ахборотнинг белгили табиаги бўйича нашрлар турлари.

Тасвирий нашрлар турлари

- | | | |
|-----------|--|--|
| 3.2.3.1 | матнли нашр: Ҳажмининг кўп қисмини сўзли, рақамли, исроғлифли, формулалли ёки аралаш матн ташкил этадиган нашр.
Изоҳ – Бир печта тилдан фойдаланилган матн нашрлари кўп тилили дейилган. | de Textausgabe
en printed text
fr édition de texte |
| 3.2.3.2 | харитали нашр: Ҳажмининг кўп қисмини харита асар (асарлар)и олган нашр. | de kartographische Ausgabe
en cartographic edition
fr édition cartographique |
| 3.2.3.2.1 | харита: Варақнинг бутун майдони-ни эгаллаган харитадан иборат харита варақли нашр. | de Karte
en map
fr carte |
| 3.2.3.2.2 | харита-схема: Мазмун элементларининг соддалантирилган-умумлаштирилган тасвирига эга бўлган харита варақли нашр. | de schematische Karte
en schematic map
fr carte-croquis |
| 3.2.3.2.3 | нотали нашр (<i>Йқм. мусиқа нашри</i>): Ҳажмининг кўп қисмини мусиқа асар (асарлар)ининг нота ёзуви эгаллаган нашр. | de Musikalien
en printed music
fr édition de musique |
| 3.2.3.4 | Брайль шрифтидаги нашр: Кўзи ожиз одамлар учун махсус шрифт (Брайль шрифти)да ёзилган нашр. | |

- 3.2.3.5 **тасвирий нашр** (Йқм. *тасвирий маҳсулот, босма графика, график нашр*): Ҳажмининг кўп қисмини тасвир эгаллаган нашр.
Изоҳ - Тасвир деганда, мўйқалам, график, меъморчилик асарлари, маҳсулоти бадиий фотография ва график ишларни акс эттириш тушунилади.
- 3.2.3.5.1 **альбом**: Тушунтириш маънига эга бўлган китоб ёки комплект варақли тасвирий нашр.
- 3.2.3.5.1.1 **техник альбом**: Чизмалар, техник расмлар ва фотосуратлар, схемалар, графиклар, режалардан иборат альбом.
- 3.2.3.5.1.2 **фотоальбом**: Ушбу нашр учун маҳсулоти тайёрланган ёки бошқа нашрлар ва архив материалларидан танлаб олинган фототасвирларнинг репродукциясидан иборат альбом.
- 3.2.3.5.1.3 **бадиий альбом**: Санъат асарларининг репродукциялари ёки оригинал (муаллиф) график ишлардан иборат альбом.
- 3.2.3.5.2 **атлас**: Ўқув ва амалий мақсадлар учун хизмат қиладиган турли объектларнинг тасвирларидан иборат альбом.
- 3.2.3.5.2.1 **анатомик атлас**: Инсон танасининг органлари ва қисмларининг тасвирларидан иборат атлас.
- 3.2.3.5.2.2 **астрономик атлас**: Юлдузли осмон хариталарининг атласи.
- 3.2.3.5.2.3 **ботаник атлас**: Ўсимликлар тасвири ва уларнинг тарқалиши ареалларининг хариталарини ўз ичига олган атлас.
- 3.2.3.5.2.4 **географик атлас**: Географик хариталар атласи.
- 3.2.3.5.2.5 **зоологик атлас**: Ҳайвонлар тасвири ва уларнинг тарқалиш ареалларининг хариталарини ўз ичига олган атлас.

- 3.2.3.5.2.6 **лингвистик атлас:** Турли тилларда сўзланганидан жаҳон халқларининг жойлашиш зоналари, тиллар ва диалектларнинг тарқалиш тасвирини ўз ичига олган атлас.
- 3.2.3.5.2.7 **тиббий атлас:** Инсон организмидаги патологик ҳолатларнинг тасвири, касалликлар ёки касалликлар кўзгатаувчиларининг тарқалиши хариталарини ўз ичига олган атлас.
- 3.2.3.5.3 **тасвирий откритка:** Битта томони тасвирга (расм, фотография, бадиий репродукция) эга бўлган, иккинчисидан эса тасвирни тушунтирувчи матн учун мўлжалланган откритка. de Kunstpostkarte
en picture-card
- 3.2.3.5.4 **тасвирий плакат:** Катта бўлмаган тушунтириш матнига эга бўлган ёки матнсиз расм, фотосурат, монтаж ёки бошқа махсус тасвирдан иборат плакат.
- 3.2.3.5.5 **гравюра:** Қоғоз ёки бошқа материалдаги ўйилган тасвирнинг қора-оқ, икки ёки кўп рангли изи туширилган варақли тасвирий нашр. de Gravüre
en engraving
fr gravure
- 3.2.3.5.5.1 **ксилография:** Ёғочда ўйилган тасвир изи туширилган варақли тасвирий нашр. de Xylographie
en xylography
fr xylographie
- 3.2.3.5.5.2 **линогравюра:** Линолеумда ўйилган тасвир изи туширилган варақли тасвирий нашр. de Linolschnitt
en lincut
- 3.2.3.5.5.3 **литография:** Тошда ўйилган тасвир изи туширилган варақли тасвирий нашр. de Lithographie
en lithography
fr lithographie
- 3.2.3.5.5.4 **офорг:** Металлга туширилган махсус қатламда тасвирни тирнаб ҳосил қилинадиган, кейинчалик кимёвий усулда ишлов бериш билан босма шаклдан из туширилган варақли тасвирий нашр. de Radierung
en etching
- 3.2.3.5.5.5 **эстамп:** Босма шакли муаллиф томонидан бажарилган, график асарининг асл нусхасидан из туширилган варақли тасвирий нашр. de Estampe
en print
fr estampe

- 3.2.3.5.5.6 **сода нашр:** Атайин примитив тасвирлар ва уларга ёзилган магъларга эга бўлган китоб, брошюра, варақа, таквим ёки алоҳида варақлар кўринишидаги тасвирий нашр.
- 3.2.3.5.7 **кўргазмали кўллама:** Мазмуни асосан тасвир ёрдамида тўқиб бериладиган кўллама. de Anschauungsmittel
en visual aid
fr moyens visuels
- 3.2.3.5.8 **бадий репродукция:** Тасвирий санъат ёки бадий фотосурат асарини акс эттирувчи варақли тасвирий нашр. de Reproduktion
en reproduction
fr reproduction
- 3.2.3.5.8.1 **олеография:** Мой бўёқлари ёрдамида бажарилган расмларни холст юзаси ва мўйқалам билан берилган бўёқни имитация қилган ҳолда матбаа қайта акс эттиришдан иборат варақли тасвирий нашр. de Öldruck
en oleograph
- 3.2.3.5.9 **экслибрис:** Кутубхона эгасининг китоб белгисига эга бўлган бир томонлама варақли тасвирий нашр. de Exlibris
en ex-libris
fr ex-libris
- 3.2.4 Даврий бўлмаган нашрларнинг турлари**
- 3.2.4.1 Мақсадли вазифаси бўйича нашрларнинг турлари**
- 3.2.4.1.1 **расмий нашр:** Давлат органлари, корхоналари, муассасалари ёки ижтимоий ташкилотлар номидан нашр қилинадиган, норматив ва директив характердаги (қонун, буйруқ) материаллардан иборат нашр. de amtliche
Veröffentlichung
en official edition
fr édition officielle
- 3.2.4.1.2 **илмий нашр:** Пазарий ва (ёки) экспериментал тадқиқотлар натижалариши, шунингдек, илмий жиҳатдан эълон қилишга тайёрланган маданият дурдоналари ва тарихий ҳужжатлардан иборат нашр. de wissenschaftliche
Ausgabe
en scientific edition
fr livre scientifique
- 3.2.4.1.3 **илмий-оммабон нашр:** Мутахассис бўлмаган китобхон учун қулай бўлган шаклда ифодаланган, фан, маданият ва техника соҳасидаги назарий ва (ёки) экспериментал тадқиқотлар тўғрисидаги маълумотлардан иборат нашр. de populärwissen-
schaftliche
Ausgabe
en popular non-fiction
fr édition de
vulgarisation
scientifique

- 3.2.4.1.4 **адабий-бадий нашр:** Бадий de schöne Literatur
адабиёт асарини ўз ичига олган нашр. en literature fiction
fr littérature
- 3.2.4.1.5 **амалий-ишлаб чиқариш наشري:** de Ausgabe für die
Технология, техника ва ишлаб Betriebspraxis
чиқаришни ташкил этиш, шунигдек, en trade edition
ижтимоий амалиётининг бошқа fr édition de métier,
соҳалари бўйича, турли малакали édition
мутахассислар учун мўлжалланган professionelle
- 3.2.4.1.6 **норматив амалий-ишлаб чиқариш наشري:** de normative Ausgabe
Ишлаб чиқариш фаолияти- für die
нинг турли соҳаларидаги нормалар, Betriebspraxis
қоидалар ва талабларни ўз ичига en instructional
олган нашр. edition
- 3.2.4.1.7 **ўқув наشري:** Ўрганиш ва ўқитиш de Unterrichtsmittel
учун қулай бўлган шаклда баён en educational edition
этишан, илмий ёки амалий fr livie scolaire
хусусиятдаги тизимлаштирилган
маълумотларни ўз ичига олган ва
турли ёшдаги ҳамда таълим
босқичидаги ўқувчилар учун
мўлжалланган нашр.
- 3.2.4.1.8 **оммавий-сиёсий нашр:** Ижтимоий- de massenpolitische
сиёсий мавзудаги, тарғибот-ташвиқот Ausgabe
характердаги асарни ўз ичига олган ва en popular political
кенг китобхонлар даврасига edition
мўлжалланган нашр. fr édition de
vulgarisation
politique
- 3.2.4.1.9 **маънавий-маърифий нашр:** Юқори
илохий кучлар борлигига ишонинш
асосида дунёқарап постулатларини
тушунтирувчи диний мазмундаги
нашр.
- 3.2.4.1.10 **маълумот наشري:** Тезроқ кидириб de Nachschlagebuch
ланиш учун қулай тартибда en reference edition
жойлашган илмий ва амалий fr édition de
характердаги қисқа маълумотларни ўз
ичига олган, ёлпасига ўқиш учун
мўлжалланмаган нашр. renseignements,
édition de référence,
aide-memoire
annuaire

- 3.2.4.1.11 ахборотга оид нашр:** Хужжатлар (нашр қилинган, нашр қилинмаган, нашр қилинмайдиган) тўғрисидаги тизимли маълумотларни ёки таҳлил натижаларини ва илмий-ахборот фаолиятини амалга оширувчи ташкилот томонидан чиқариладиган дастлабки манбаalarda тақдим этилган маълумотларнинг умумлаштирилишидан иборат нашр.
- 3.2.4.1.12 реклама нашри:** Буюмлар, хизматлар, тадбирларга талабни ҳосил қилиш мақсадида улар тўғрисидаги диққатни жалб қилувчи шаклда баён этилган маълумотларни ўз ичига олган нашр. de Werbungsausgabe
en advertising edition
fr édition de publicités, publicités
- 3.2.4.1.13 дам олиш учун нашр:** Турмушни ташкил этиш, ҳаваскорлик ижодиётининг мустақил турли шакллари, қизиқишларнинг турли хиллари бўйича умумфойдаланадиган маълумотларни ўз ичига олган нашр.
- 3.2.4.2 Китобхон манзили бўйича нашрлар турлари**
- 3.2.4.2.1 оммавий нашр:** Кенг китобхонлар доираси учун мўлжалланган нашр. de Massenausgabe
en mass publication
fr publication de vulgarisation
- 3.2.4.2.2 оммабон нашр:** Билимларнинг битта ёки бир неча махсус соҳаларидаги китобхонлар кенг доираларининг профессионал бўлмаган қизиқишларини қондириш учун мўлжалланган нашр. de populäre Ausgabe
en popular edition
fr édition populaire
- 3.2.4.2.3 болалар ва ўсмирлар учун нашр:** 17 ёшгача бўлган китобхонлар учун чиқарилган бадиий адабиётнинг ёки билиш характеридаги асарни ўз ичига олган ҳамда алоҳида бадиий ва мағбаа усулида расмийлаштириш билан фарқланадиган нашр.
- 3.2.4.2.4 кутубхона учун нашр:** Кутубхона китобхонлари учун мўлжалланган ва de Bibliotheksausgabe
en library edition

- ундан фойдаланишни ҳисобга олиб расмийлаштирилган нашр.
- 3.2.4.2.5 **кўзи ожизлар нашри:** Кўзи ожизлар учун мўлжалланган нашр. de Blindenausgabe
en edition for the blind
fr édition pour aveugles
- Изоҳ – Кўзи ожизлар учун нашрлар Брайль шрифтида ёки йирик шрифтида терилган, болалар учун китоблар рельефли иллюстрациялар билан, шунингдек, касста нашрлари ва CD-ROM бўлиши мумкин.
- 3.2.4.2.6 **хизматга оид фойдаланиш учун нашр:** Қатъий белгиланган шахслар ёки муассасалар доираси томонидан фойдаланиш учун мўлжалланган ва муқовада ва/ёки титул varaгида тегишли гриф билан белгиланган нашр.
- 3.2.4.2.7 **элита нашри:** Қадр қилувчиларнинг тор доираси учун мўлжалланган нашр.
- 3.2.4.2.7.1 **библиофил нашр:** Библиофиллар томонидан қадрланадиган алоҳида эстетик сифатлари билан фарқланадиган кам ададли нашр. de bibliophile Ausgabe
en collector's edition
fr édition de bibliophile
- 3.2.4.2.8 **мослаштирилган нашр:** Етарлича тайёрланмаган китобхонларнинг тушуниши учун асарнинг энгиллаштирилган матнини ўз ичига олган нашр. de adaptierte Ausgabe
en adapted edition
fr édition adaptée
- 3.2.4.3 Ахборот характери бўйича нашрларнинг турлари**
- 3.2.4.3.1 Илмий ва илмий-оммабон нашрлар**
- 3.2.4.3.1.1 **монография:** Бир муаммо ёки мавзунинг тўлиқ ва ҳар томонлама тадқиқ қилинишини ўз ичига олган ҳамда бир ёки бир печта муаллифларга тегишли бўлган илмий ёки илмий-оммабон нашр. de Monographie
en monograph
fr monographie
- 3.2.4.3.1.2 **илмий ишлар тўплами:** Илмий муассасалар, ўқув юртлари ёки жамиятларнинг тадқиқот материалларини ўз ичига олган тўплам. de Sammelband der wissenschaftlichen Arbeiten
en collection of scientific papers
fr recueil de travaux scientifiques

- 3.2.4.3.1.3 **конференция (съезд, симпозиум) материаллари:** Маърузалар, тавсиялар, қарорлар кўринишидаги конференциянинг натижаларини ўз ичига олган даврий бўлмаган тўплам. de Tagungsberichte
en proceeding
fr actes de conférence
- 3.2.4.3.1.4 **препринт:** Улар жойлаштирилиши мумкин бўлган яншр босилиб чиққунга қадар эълон қилинган, дастлабки характердаги материалларни ўз ичига олган илмий яншр. de Preprint
en preprint
fr édition préalable
- 3.2.4.3.1.5 **пролегомена, кириш:** Бирламчи маълумотлар ва бирон-бир фаннинг асосий принципаридаги иборат бўлган илмий ёки ўқув нашри. de Einführung
en prolegomena
fr prolégomènes
- 3.2.4.3.1.6 **илмий конференция (съезд, симпозиум) маърузалари/хабарларининг тезислари:** Олдида белгиланган характердаги конференциядан олдин эълон қилинган материалларга (маърузалар ва ёки) хабарларнинг аниотациялари, рефератлари) эга бўлган илмий даврий бўлмаган тўплам. de Referat der Beiträge
einer wissenschaftliche
Konferenz
en scientific
conference abstracts
fr thèses des exposés
de la conférence
scientifique
- 3.2.4.3.1.7 **диссертация автореферати:** Илмий даражани олиш учун тақдим этиладиган, муаллиф томонидан олиб борилган тадқиқот бўйича у тузган рефератни ўз ичига олган брошюра кўринишидаги илмий нашр. de Autoreferat einer
Dissertation
en author's abstract,
synopsis of thesis
fr abstract d'une
thésé, résumé
d'auteur d'une thèse
- 3.2.4.3.2 Расмий ва норматив-ишлаб чиқариш нашрлари**
- 3.2.4.3.2.1 **йўриқнома:** Ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаоллигни тарғибга солиш ёки махсулотлар ва (ёки) хизматлардан фойдаланиш бўйича қоидалардан иборат расмий нашр. de Instruktion
en instrucion
fr instruction,
prescription
- 3.2.4.3.2.2 **прейскурант:** Нархларини, тохида қиска тавсифларини кўрсатган ҳолда, материаллар, махсулотлар, ускуна, ишлаб чиқариш операциялари, хизматларининг тизимли рўйхатини ўз ичига олган расмий ва (ёки) маълумот de Preisliste
en price-list
fr prix courant, tarif

- нашри.
- 3.2.4.3.2.3 **стандарт:** Стандартлаштириш объекти учун қўйиладиган фан, техника ва илгор тажриба асосида белгиладиган ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари-га кўра тасдиқланадиган нормалар, қоидалар, талаблар комплексини ўз ичига олган расмий нашр. de Standart
en standard
fr norme
- 3.2.4.3.2.3 **устав нашри:** Ташкилот ва муайян фаолият тартибини тартибга солувчи қоидалар тўплами – устави ни ўз ичига олган расмий нашр. de Statut-Ausgabe
en statutory edition
fr édition statutaire
- 3.2.4.3.3 Ишлаб чиқариш – амалий нашрлар**
- 3.2.4.3.3.1 **йўриқнома-методик нашр:** Муайян турдаги ҳужжатларни ва мутахассис-ларнинг ушбу муассаса доирасидаги амалий фаолиятида ёрдам сифатида улардан фойдаланиш бўйича методик тавсифларни ўз ичига олган ишлаб чиқариш – амалий нашри.
- 3.2.4.3.3.2 **амалий қўлланма:** Ишни бажаришда билим ва қўникмаларни эгаллаш учун мўлжалланган ишлаб чиқариш–амалий нашри. de praktisches
Lehrmittel
en guide-book
fr cours pratique, conseil pratique
- 3.2.4.3.3.3 **амалий йўл-йўриқ:** Бирон–бир ишлаб чиқариш қўникмаларини мустақил эгаллаш учун мўлжалланган амалий қўлланма. de Anleitung für die
Betriebspraxis
en guidance manual,
practical guide
fr manuel pratique, guide -ânc
- 3.2.4.3.3.4 **эсдалик:** Ишлаб чиқариш фаолиятида ёки қўндалик ҳаётда фойдали бўладиган амалий маълумотларни ўз ичига олган қатъга бўлмаган ҳажмдаги ишлаб чиқариш–амалий нашр.
- 3.2.4.3.3.5 **саноат каталоги:** Саноат маҳсулотларининг тизимли рўйхатини ўз ичига олган каталог. en trade catalogue

- 3.2.4.3.3.5.1 **номрўйхатли каталог:** Ушбу en nomenclature
вакtda чикариладиган саноат catalogue
серияли маҳсулот номрўйхатининг
асосий техник тавсифлари ва
рўйхатини ўз ичига олган каталог.
- 3.2.4.3.4 **Ўқув нашрлари**
- 3.2.4.3.4.1 **дарслик:** Ўқув дастурига тегишли de Lehrbuch
бўлган ва нашрнинг берилган тури en textbook
сифатида расман тасдиқланган ўқув fr livre scolaire
фани, унинг бўлими, қисмининг
тизимли баён этилишини ўз ичига
олган ўқув нашри.
- 3.2.4.3.4.1.1 **алифбе:** Она тилида ёзиш ва ўқишга de ABC-Buch, Fibel
ўргатиш учун мўлжалланган en ABC-book
биринчи дарслик. fr ABC
- 3.2.4.3.4.2 **ўқув кўлламаси:** Дарсликни de unterrichtshilfe
қисман ёки тўлиқ тўлдиралган ёки Lehrbehelf
ўрнига ишлатиладиган, нашрнинг en study aid, teaching
ушбу тури сифатида расман aid
тасдиқланган ўқув нашри. fr manuel pratique,
traite pratique
- 3.2.4.3.4.2.1 **ўқув-методик кўлланма:** Ўқув de methodischer
фани, унинг бўлими, қисмини Lehrbehelf guidance
ўқитиш, ўрганиш ёки тарбия бериш en manual, methods
методикаси бўйича материалларни handbook
ўз ичига олган ўқув нашри.
- 3.2.4.3.4.2.2 **ўқув кўргазмали кўлланма:** de Lehr- und
Ўрганиш, ўқитиш ёки тарбия Anschauungsmittel
беришда ёрдам сифатидаги en training aid, training
материалларни ўз ичига олган ўқув appliance
тасвирий нашр.
- 3.2.4.3.4.2.3 **иш дафтари:** Ўқувчининг ўқув
фанини мустақил ўзлаштиришига
ёрдам берадиган алоҳида дидактик
аппаратга эга бўлган ўқув
кўлланмаси.
- 3.2.4.3.4.2.4 **мустақил ўқиш учун кўлланма:** de Lehrbuch für
Раҳбарнинг ёрдамисиз бироқ бир Selbstunterricht
нарсани мустақил ўрганиш учун en textbook for
мўлжалланган ўқув кўлланмаси. self-instruction
- 3.2.4.3.4.2.5 **хрестоматия:** Ўқув фанининг de Chrestomatie
ўрганиш объекти таркибидаги en reader, reading book

	алабий-бадий, тарихий ва бошқа асарларни ёки улардаги парчаларни ўз ичига олган ўқув қўлланмаси.	fr	chrestomathie
3.2.4.3.4.3	практикум: Ўтилганларни ўзлаштиришга ёрдам берадиган амалий топишириқларни ва машқларни ўз ичига олган ўқув қўлланмаси.	de en fr	Praktikum educational aid travaux pratiques
3.2.4.3.4.3.1	масалалар тўплами: Ўқув масалаларини ўз ичига олган практикум.	de en fr	Aufgabensammlung book of problems recueil de problèmes
3.2.4.3.4.4	ўқув дастури: Ўқув фанининг мазмуни, ҳажми, шунингдек, унинг бўлимлари, қисmlарини ўрганиш ва ўқитиш тартибини белгилайдиган ўқув наشري.	de	Lehrprogramm
3.2.4.3.4.5	ўқув комплекти: Ўқитишнинг муайян босқичи учун мўлжалланган ва дарслик, ўқув қўлланмаси, иш дафтари, маълумот нашрини ўз ичига олган ўқув нашрлари тўплами.		
3.2.4.3.5 Маълумот ва реклама нашрлари			
3.2.4.3.5.1	энциклопедия: Билимларнинг бир ёки барча соҳалари ва амалий фаолият бўйича алифбо ёки тизим тартибида жойлаштирилган мақолалар кўринишида ифодаланган умумлаштирилган кўринишдаги асосий маълумотларни ўз ичига олган маълумот наشري. Изоҳ – Қиртилган маълумотларнинг доирасига боғлиқ равишда универсал, ихтисослаштирилган, ҳудудий энциклопедиялар фарқланади.	de en fr	Enzyklopädie encyclopaedia encyclopédie
3.2.4.3.5.2	лўғат (Йқм. лўғат-маълумотнома): Тил бирликларига тегишли маълумотлар билан таъминланган тартибга солинган рўйхатдан иборат маълумот наشري.	de en fr	Wörterbuch dictionary dictionnaire
3.2.4.3.5.2.1	энциклопедик лўғат: Алифбо тартибида жойлаштирилган қисқа мақолалардан иборат энциклопедия.	de	enzyklopädisches Wörterbuch
3.2.4.3.5.2.2	тил лўғати: Тил бирликларининг	de	Sprachwörterbuch

	рўйхати ва уларнинг тавсифлари ёки уларнинг бошқа тилга таржимасидан иборат луғат.	en dictionary fr dictionnaire, vocabulaire lexique
3.2.4.3.5.2.2.1	идеографик луғат: Тил бирликлари маъно жиҳатидан яқинлигига кўра жойлаштирилган тил луғати.	de ideographisches Wörterbuch
3.2.4.3.5.2.2.2	орфографик луғат: Сўзларнинг норматив ёзилишини берадиган тил луғати.	de orthographisches Wörterbuch en spelling dictionary
3.2.4.3.5.2.2.3	орфоэпик луғат: Сўзларнинг норматив талаффуз этилишини берадиган тил луғати.	de orphoepisches Wörterbuch en pronouncing dictionary
3.2.4.3.5.2.2.4	таржима луғати: Икки ёки ундан ортиқ тилларнинг тил бирликлари киёсланадиган тил луғати.	de Übersetzungswörterbuch en translation dictionary fr traduction dictionnaire
3.2.4.3.5.2.2.4.1	сўзлашгич: Умуммаиший лексика ва фразеологияни ўз ичига олган ва мулоқот учун қўлланма сифатида хизмат қиладиган икки ёки кўп тилли оммабон луғат.	de Sprachführer en phrase book, colloquial guide fr manuel de conversation, guide-parce
3.2.4.3.5.2.2.5	изоҳли луғат: Бирон-бир тил сўзларининг маъносини тушунтириб берадиган, уларнинг грамматик ва стилистик тавсифлари, қўллаш мисоллари ва бошқа маълумотларни берадиган тил луғати.	de Definitionswörterbuch en glossary fr glossaire, dictionnaire, raisonné
3.2.4.3.5.2.2.6	частота луғати: Нутқда қўлланиш даражаси бўйича жойлаштирилган сўзларнинг рўйхатини ўз ичига олган тил луғати.	de Häufigkeitwörterbuch en frequency vocabulary
3.2.4.3.5.2.2.7	этимологик луғат: Тил бирликларининг пайдо бўлишини тушунтириб берадиган тил луғати.	de etymologisches Wörterbuch en etymological dictionary
3.2.4.3.5.2.3	атамалар луғати: Бирон-бир билим соҳаси ёки мавзуга тегишли	de terminologisches Wörterbuch

	атамалар ва уларнинг изоҳини ўз ичига олган луғат.	en dictionary of terms dictionnaire fr terminologique
3.2.4.3.5.3	маълумотнома: Тизим структурасига эга бўлган ёки мақолалар сарлавҳаларининг алифбоси бўйича тузилган амалий характердаги маълумот нашри.	dc Nachschlage-werk guide, directory en guide, annuaire, fr aide-memoire
3.2.4.3.5.3.1	манзил/телефон дафтари: Қандай-дир манзил/телефонлар рўйхатини ўз ичига олган маълумотнома.	
3.2.4.3.5.3.2	каталог: Мавжуд предмет ва хизматларнинг тизимли рўйхатини ўз ичига олган расмий, маълумот ва (ёки) реклама нашри.	de Katalog en catalogue fr catalogue
3.2.4.3.5.3.2.1	аукцион каталоги: Аукционга тақдим этилган предметларнинг рўйхатини ўз ичига олган каталог.	
3.2.4.3.5.3.2.2	кутубхона каталоги: Қандайдир кутубхонада сақланадиган ёки сақланган китоблар рўйхатини ўз ичига олган каталог.	
3.2.4.3.5.3.2.3	кўргазма каталоги: Кўргазмага қўйилган предметлар рўйхати ва уларнинг таърифини ўз ичига олган каталог.	de Ausstellungskatalog en exhibition catalogue fr catalogue d'exposition
3.2.4.3.5.3.2.4	товарлар ва хизматлар каталоги: Истеъмолчига таклиф этиладиган товарлар ва хизматлар рўйхатини ўз ичига олган каталог.	
3.2.4.3.5.3.2.5	музей каталоги: Музей (музейлар) да жойлаштирилган предметлар рўйхатини (тўлиқ ёки қисқа) ва уларнинг таърифини ўз ичига олган каталог.	
3.2.4.3.5.3.3	проспект (Йқм. <i>каталог; каталог-проспект</i>): Чикариш, сотиш ёки	de Prospekt en prospectus

	кўргазмага қўйиш учун мўлжалланган (битта предметнинг таърифи) хизматлар, предметлар тизимли рўйхатини ўз ичига олган маълумот ва (ёки) реклама нашри.	fr	prospectus
3.2.4.3.5.3.4	саёҳатнома: Бориш ёки кўриш учун қулай бўлган тартибда жойлаштирилган бирон-бир географик пункт ёки маданий-маърифий муассаса (талбир) тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотнома.	de en fr	Reisensführer guide guide
3.2.4.3.5.3.5	биобиблиографик маълумотнома/лугат: Бирон-бир шахслар тўғрисидаги биографик маълумотлар, асарлари ва уларнинг ҳаёти ҳамда фаолиятларини ёритадиган адабиётлар рўйхатларидан иборат маълумотнома.	en fr	biobibliographical reference book guide de biobibliographie
3.2.4.3.5.3.6	биографик маълумотнома/лугат: Бирон-бир шахсларнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотнома	en	biographic guide, biographic dictionary
3.2.4.3.5.4	афиша: Бирон-бир маданий талбир тўғрисида хабар берадиган ва ёпиштириш учун мўлжалланган реклама ёки маълумот варақли нашр.	de en fr	Aushand advertisement affiche
3.2.4.3.6 Адабий-бадий нашр			
3.2.4.3.6.1	альманах: Муайян белги бўйича бирлаштирилган адабий-бадий ва (ёки) илмий-оммабон асарларни ўз ичига олган тўплам. Изоҳ – Альманах серияли нашр ҳам бўлиши мумкин.	de en fr	Almanach almanac almanach
3.2.4.3.6.2	антология: Кўпроқ шеър кўринишидаги танлаб олинган адабий-бадий асарларни ёки улардан кўчирмаларни ўз ичига оладиган даврий бўлмаган тўплам.	de en fr	Anthologie anthology anthologie
3.2.4.3.6.3	ҳужжатли-бадий нашр: Ҳужжат,	de	Dokumentalistik

	реал воқеа ёки тарихий шахнинг фаолияти асос бўлиб хизмат қилган асардан иборат адабий-бадний нашр.	en	documentalistic fiction
3.2.4.3.6.4	илмий-бадний нашр: Асосига илмий факт қўйилган асардан иборат адабий-бадний нашр.	de en fr	science Fiction scientific fiction scientifique romancé
3.2.4.3.6.5	қўшиқлар тўплами: Турли белгилари – мавзу, битта муаллифга тегишлилиги бўйича йиғилган, кўпинча поталар илова қилинган қўшиқлар матнларининг тўплами.	de en	Liederbuch song-book
3.2.4.4 Ахборотни таҳлилий-семантик қайта ишлаш характери бўйича нашрларнинг турлари			
3.2.4.4.1	библиографик нашр: ГОСТ 7.0 бўйича.		
3.2.4.4.1.1	нашрларни босиб чиқаришнинг аннотацияланган мавзу режаси: Нашриёт ёки нашрлар гуруҳларининг бир йилга режалаштирилган нашрларининг аннотацияланган рўйхатини ўз ичига олган ва чиқаришга мўлжалланган адабиёт тўғрисида ахборот бериш ҳамда унга буюртмаларни йиғиш учун мўлжалланган библиографик нашр.	de en fr	annotierter Themenplandes Verlagen annotated subject publisher's schedule plan thematique annoté de la maison d'édition
3.2.4.4.2	библиографик кўрсаткич: ГОСТ 7.0 бўйича.		
3.2.4.4.2.1	давлат библиографик кўрсаткичи: ГОСТ 7.0 бўйича.	en fr	state bibliography index bibliographique national
3.2.4.4.2.2	нашриётга тегишли библиографик кўрсаткич; нашриётга тегишли каталог: Бир ёки бир нечта нашриёт томонидан чиқариладиган ёки чиқариш учун мўлжалланган нашриёт маҳсулотини акс эттирадиган библиографик кўрсаткич.	de en fr	Verlagskatalog publisher's catalogue materiel bibliographique
3.2.4.4.2.3	китоб савдоси библиографик кўрсаткичи; китоб савдоси каталоги:	de en	Angebotkatalog bookseller's

- Наширёт маҳсулотларини сотишга ёрдам бериш мақсадларида чоп этиладиган ёки фойдаланиладиган библиографик кўрсаткич. catalogue
fr materiel
bibliographique
de libraire
- 3.2.4.4.3 **босма каталог варақчаси:** Варақчалар каталогига қўйиш учун мўлжалланган, стандарт шаклдаги, кичикроқ ўлчамдаги (125 × 75 мм) библиографик варақли нашир. de Titeldruck
en printed catalogue
fr carte imprimée
- 3.2.4.4.4 **шарҳли нашр:** Маълумотлар маъбаларида тақдим этилган таҳлил ёки умумлаштириш натижаларидан иборат бир ёки бир нечта шарҳли ўз ичига олган ахборот нашр.
- 3.2.4.4.4.1 **библиографик шарҳ:** Муайян мавзу бўйича нашрлар ёки ҳужжатлар тўғрисида боғлиқ бўлган ҳикоядан иборат ахборот нашри.
- 3.2.4.4.5 **рефератив нашр:** Рефератларни ўз ичига олган библиографик ёзувларнинг тарғибга солинган йиғиндисидан иборат ахборот нашри.
- 3.2.4.4.5.1 **ахборот варағи:** Илмий ишлаб чиқариш тажрибаси ёки илмий-техник ютуқлар тўғрисидаги маълумотларни ақс эгитирувчи даврий бўлмаган рефератив нашр.
- 3.2.4.4.5.2 **рефератив тўплам:** Тўплам кўриниши-да чиқадиган рефератив нашр.
Изоҳ – Рефератив тўплам даврий ёки давомли бўлиши мумкин.
- 3.2.4.4.5.3 **экспресс-ахборот:** Эълон қилинган энг долзарб хорижий материаллар ёки тезкор хабар қилинишини талаб этадиган маҳаллий эълон қилинмаган ҳужжатларнинг кенгайтирилган ва йиғма рефератларини ўз ичига олган даврий рефератив нашр.
- 3.2.4.5 Мазмуннинг асл нусхалигини бўйича нашрларнинг турлари**
- 3.2.4.5.1 **асл нашр:** Асарнинг асл нусхасидан иборат ва асл нусха тилида чиққан

- нашр.
Изоҳ – «Асарнинг асл нусхаси» деганда муаллиф мустақил ижодининг махсули бўлган асар тушунилади.
- 3.2.4.5.2 **таржима қилинган нашр:** Бирон-бир хорижий тилдан нашр манзилланган, миллат тилига таржима қилинган асарни ўз ичига олган нашр. de übersetzte Ausgabe
en translated publication
fr publication traduite
- 3.2.4.5.3 **кўп тилли нашр:** Матни тўлиқ ёки қисман бир неча тилларда эълон қилинган нашр. de mehrsprachige
Ausgabe
en multilingual edition
fr édition polyglotte
- 3.2.4.5.4 **параллел матнли нашр:** Икки ёки бир печта тиллардаги асар матнидан иборат нашр, улардан биттаси, одатда, асл нусха тилида, иккинчиси эса – таржима тилида.
Изоҳ – Бундай нашр асл нусха матнини қўшмаган ҳолда, бир неча тиллардаги матнларни ўз ичига олиши мумкин.
- 3.2.4.5.5 **параллел нашр:** Бошқа, мазмуни ва расмийлаштирилиши бўйича ўхшаш бўлган нашр билан бир қаторда чиқарилган, лекин ҳар бири ўз тилида босиб чиқарилган нашр de Parallelausgabe
en parallel edition
fr publication parallél
- 3.2.4.6 Асарларни ташкил этиш усули бўйича нашрларнинг турлари**
- 3.2.4.6.1 **академик нашр:** Асарнинг илмий жиҳатдан текширилган матни ва унинг турли вариантларини ўз ичига олган, сиңчиклаб тайёрланган, катта илмий-маълумот аппарати, шунингдек, батафсил изоҳ билан таъминланган нашр. de akademie Ausgabe
en academic publication
- 3.2.4.6.2 **танланган асарлар:** Муайян принцип бўйича танланган бир ёки бир нечта муаллифларнинг асарларининг бир қисмини ўз ичига олган бир томли ёки кўп томли нашр. de ausgewählte Werke
en selected works
fr oeuvres choisies
- 3.2.4.6.3 **асарлар тўплами:** Бир ёки бир нечта муаллифлар асарларининг ҳаммаси ёки кўп қисмини ўз ичига олган, унинг ижоди тўғрисида тўлиқ маълумот de gesammelte Werke
en collected works
fr oeuvres complètes

- берадиган бир томли ёки кўп томли нашр.
- 3.2.4.6.4 **кўп томли нашр;** кўп томлик: de mehrbändige Ausgabe
Мазмуни ва расмийлаштирилиши en multi-volume edition
бўйича бир бутундан ташкил топган. fr édition en plusieurs
икки ёки ундан ортиқ рақамланган томлардан иборат даврий бўлмаган нашр. volumes
- 3.2.4.6.5 **бир томли нашр;** бир томлик: Битта de einbändige Ausgabe
томда чиқарилган даврий бўлмаган en single-volume edition,
нашр. one-volume edition
fr édition en un volume
- 3.2.4.6.6 **алоҳида нашр:** Даврий нашр, тўплам, асарлар тўпламлари ёки танланган асарларда аввал эълон қилинган асарларни ўз ичига олган нашр.
- 3.2.4.6.7 **илова:** Мустақил аҳамиятга эга бўлган, de Beilage
асосий нашр билан бирга бешуи ёки en appendix, supplement
кўшимча нарҳда тарқатиладиган нашр. fr supplément séparé
Изоҳ – Илова мустақил сарлавҳа, рақамланиши, нашр йилига эга бўлган нодаврий ёки даврий бўлиши мумкин.
- 3.2.4.6.8 **серия:** Мақсади, мавзуси, мақсадли ёки de Serie, Reihe
қаандай китобхонага мўлжалланганлигига en series, set
кўра бирлаштирилган томлар мажмуини fr collection, série
ўз ичига олган, бир турда расмийлаштирилган серияли нашр.
Изоҳлар
1 Серия нодаврий ёки даврий, давомли бўлиши мумкин.
2 Даврий ёки давомли серия рақамланган ёки саваси қўйилган нашрлардан иборат
- 3.2.4.6.8.1 **кутубхона серияси:** Кутубхоналар учун мўлжалланган серия.
- 3.2.4.6.8.2 **ёпик серия;** **кутубхона:** Чиқарилиши муайян вақт ва нашрлар сони билан чекланган серия.
- 3.2.4.6.8.3 **очиқ серия:** Чиқарилиш давомийлиги ва нашрлар миқдори олдиндан белгиланмаган серия.
- 3.2.4.6.8.4 **қуйи серия:** Топ мақсадли ёки китобхон de Reihe
вазифасига ёки муайян мавзу, шунингдек, en subseries
серия сарлавҳасини тўлдирувчи ўз fr sous-série

	сарлавҳасига эга бўлган сериянинг қисми.		
3.2.4.6.9	серияли нашр: Нодаврий серияга кирадиган нашр.	de	Serienwerk
		en	series
		fr	publication en série
3.2.4.7 Ҳажм бўйича босма нашрларнинг турлари*			
3.2.4.7.1	китоб: Ҳажми 48 бетдан кўп бўлган китоб нашри.	de	Buch
		en	book
		fr	livre
3.2.4.7.2	брошюра: Ҳажми 4 бетдан кўп бўлган, лекин 48 бетдан кўп бўлмаган китоб нашри.	de	Broschüre
		en	pamphlet
		fr	fascicule
3.2.4.7.3	варақа (Йқм. <i>варақча, варақ</i>): Ҳажми 1 дан 4 бетгача бўлган варақли нашр.	de	Flugblatt
		en	leaflet
		fr	papillon
3.2.4.8 Нашр такрорийлиги бўйича нашрларнинг турлари			
3.2.4.8.1	биринчи нашр: Биринчи марта босиб чиқариладиган асар нашри	de	erste Ausgabe
		en	first edition
		fr	édition princeps
3.2.4.8.1.1	биринчи алоҳида нашр: Биринчи марта алоҳида китоб ёки брошюра кўринишида чиқариладиган, лекин аввал эълон қилинган асар нашри.	de	erste
		en	Sonderausgabe
		fr	first separate edition
			première édition à part
3.2.4.8.2	кайта нашр: Ўзгартиришлар билан ёки ўзгартиришларсиз кайта чиқарилган асар нашри.	de	Neuauflage
		en	reissuc
		fr	réédition
3.2.4.8.2.1	янги нашр: Ушбу пошир томонидан биричи марта чиқариладиган, шунингдек, янги тўпلامдан янги таҳрирда ёки янги бадий-техник расмийлаштириш ва матбаа усулида бажарилган асар нашри.		
3.2.4.8.2.2	тўлдирилган нашр: Алоҳида боблар, бўлимлар, параграфлар, хатбошилар, иллюстрациялар кўринишидаги кўшимчаларни ўз ичига олган кайта нашр.	de	ergänzte Auflage
		en	enlarged edition
		fr	édition amplifiée
3.2.4.8.2.3	тўғрилانган нашр: Муаллиф томонидан аввал йўл қўйилган	de	korrigierte
		en	Auflage

* Электрон нашрларнинг ўхшаш турлари ГОСТ 7.83-2001 бўйича (ушбу жойда ва бундан кейин).

- ноаникликлар йўқ қилинган, асар матнини тубдан ўзгартирмаган ҳолда фактик хатолари тузатилаётган қайта нашр.
- 3.2.4.8.2.4 **қайта ишланган нашр:** Аввалги нашрга нисбатан бутун матн ёки унинг анчагина қисми ўзгартирилган қайта нашр.
- 3.2.4.8.2.5 **қайта кўрилган нашр:** Матни ифодаларни аниқлаштириш, ўзгартириш, эскирган материални янгиси билан алмаштириш кўринишидаги таҳририятга оид тузатишларни ўз ичига олган қайта нашр
- 3.2.4.8.2.6 **кенгайтирилган нашр:** Матни аввалги нашрга нисбатан мавзу жиҳатида кенгайтирилган қайта нашр.
- 3.2.4.8.2.7 **стереотип нашр:** Ўзгартишлар киритилмаган қайта нашр.
- 3.2.4.8.2.7.1 **такрорий нашр:** Олдинги нашрдан кейин дарҳол чиқарилган стереотип нашр.
- 3.2.4.8.2.7.2 **қайта босиб чиқариш:** Асарнинг матни (ёки унинг қисми)ни ўзгартирмай, бошқа пошпир томонидан янги териши билан чиқарилган қайта нашр.
Изоҳ - Одатда, қайта босиб чиқариш у қайта ишланган маъбага кўрсатишган ҳаволага эга бўлади.
- 3.2.5 Даврий ва давомли нашрларнинг турлари**
- 3.2.5.1 **газета:** Вақтнинг узоқ давом этмайдиган ораликлари ўртасида чиқадиган, расмий материаллар, тезкор ахборот ва долзарб ижтимоий-сиёсий, илмий, ишлаб
- fr corrected edition
édition corrigée
- de neubearbeitete
Auflage
- en revised edition
- fr édition révisée
- de erweiterte
en Auflage
fr enlarged edition
édition
augmentée
- de unveränderte
en reprint,
stereotype
fr édition
édition
stereotypée
- de Nachauflage
en new edition,
repeat edition
fr édition nouvelle
- de Zeitung
en newspaper
fr journal

чиқариш ва бошқа масалалар бўйича мақолалар, шунингдек, бадиий асарлар ва рекламадан иборат даврий газета нашри.

Изоҳлар

1 Газета, шунингдек, муайян талбирлар билан чегараланган киска муддат давомида босиб чиқарилиши ҳам мумкин.

2 Газета иловага эга бўлиши мумкин.

- 3.2.5.1.1 **умумсиёсий газета:** Мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати масалаларини, шунингдек, халқаро ҳаётни тизимли равишда ёритадиган газета.
Изоҳ – Нашр ва тарқатилиш жойи бўйича куйидаги газеталар фарқланади: халқаро, умумроссия, республика, шунингдек, автоном вилоятлар, ўлка, вилоят, шаҳар, туман, куйи.
- 3.2.5.1.2 **ихтисослаштирилган газета:** de Fachzeitung
Ижтимоий ҳаёт, фан, техника, fr journal spécial de...
маданият ва фаолиятнинг бошқа соҳаларидаги алоҳида муаммоларни тизимли равишда ёритадиган ва китобхоннинг муайян тоифаларига мўлжалланган газета.
- 3.2.5.1.3 **махсус газета нашри:** de Sonderausgabe der
Зарур ахборотни тезкорлик билан Zeitung
етказиш учун асосий газетанинг en special issue of a
чиқиш ёки ижтимоий тахририяти newspaper
томонидан тайёрланган, нашрнинг жорий ва умумий рақамлари, йили, санасига эга бўлган, чекланган муддат ичида босилиб чиқадиган газета.
- 3.2.5.2 **журнал:** Доимий рубрикага эга бўлган de Zeitschrift
ва турли масалалар бўйича мақолалар en magazine, journal
ёки рефератларни ва адабий-бадиий fr revue, magazine
асарларни ўз ичига оладиган даврий журнал нашри.
Изоҳ – Журнал иловага эга бўлиши мумкин.
- 3.2.5.2.1 **адабий-бадиий журнал:** Бадиий dc Literaturzeitschrift
адабиёт асарлари, шунингдек en belles-lettres journal
публицистик ва танқидий мақолалар fr revue littéraire,

- ва материалларни ўз ичига олган журнал.
- 3.2.5.2.2 **ижтимоий-сиёсий журнал:** Кенг китобхонлар давраси учун мўлжалланган, долзарб ижтимоий-сиёсий мавзудаги мақолалар ва материалларни ўз ичига олган журнал.
Изоҳ - Китобхон маърузига боғлиқ равишда ижтимоий-сиёсий нашрлар ёшлар, аёллар, китобхонларнинг махсус тоифалари учун мўлжалланган бўлиши мумкин.
- 3.2.5.2.3 **илмий журнал:** Назарий тадқиқотлар тўғрисидаги мақолалар ва материалларни, шунингдек, илмий ходимлар учун мўлжалланган амалий характердаги мақола ва материалларни ўз ичига олган журнал.
Изоҳлар
1 Мақсатли вазифасига кўра қуйидаги журналлар ажратилади: илмий-назарий, илмий-амалий ва илмий-устубий.
2 Техник фанлар бўйича мақолалар, материаллар, рефератларни ўз ичига олган илмий-амалий журнал илмий-техник журнал деб аталади.
- 3.2.5.2.4 **илмий-оммабоп журнал:** Фанлар асослари тўғрисида, назарий ва (ёки) фан, маданият соҳаларидаги ва амалий фаолиятдаги экспериментал тадқиқотлар тўғрисидаги мақолалар ва материалларни ўз ичига олган, билимларни тарқатиш ва мустақил таълим олишга хизмат қиладиган журнал.
Изоҳ - Болалар учун илмий-оммабоп журналлар босиб чиқарилади.
- 3.2.5.2.5 **ишлаб чиқиш-амалий журнал:** Технология, техника, иқтисодиёт, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ёки амалий фаолият бўйича мақолалар ва материалларни, муайян соҳа ходимлари учун мўлжалланган услубий қўлланмаларни ўз ичига олган журнал.
- magazine littéraire
- de wissenschaftliche Zeitschrift
- en learned journal
- fr journal des sciences, revue d'études
- de populärwissenschaftliche Zeitschrift
- en popular science journal
- fr revue de vulgarisation scientifique
- de Fachzeitschrift
- en industrial and practical journal

- 3.2.5.2.6 **оммабон журнал:** Турли масалалар де Zeitschrift für breite
бўйича мақолалар ва материалларни en Leserkreise
ўз ичига олган ва кенг китобхонлар en popular magazine
давраси учун мўлжалланган журнал. fr revue s'adressant au
- 3.2.5.2.7 **рефератив журнал:** Журнал де Referateblatt,
сифатида расмий рўйхатга олинган Referatezeitschrift
даврий рефератив нашр.
- 3.2.5.3 **бюллетень:** Тезкор равишда де Bulletin
чиқари-ладиган, уни босиб en bulletin
чиқарувчи ташкилотнинг юритиш fr bulletin
доирасига қирувчи масалалар
бўйича қисқа расмий материалларни
ўз ичига олган даврий ёки давомли
нашр.
Изоҳлар
1 Даврий бюллетенлар, одатда, доимий
рубрикацияга эга.
2 Айрим ҳолларда бюллетенлар муайян
тадбир билан чегараланган қисқа муддат
ичида чиқарилиши мумкин.
- 3.2.5.3.1 **бюллетень-жадвал:** Жадвал де Tabelle
шаклида жойлаштирилган фактик en classifiser,
маълумотларга эга бўлган en information bulletin
бюллетень. fr tableau
- 3.2.5.3.1.1 **статистик бюллетень:** Мазмун де statistisches Bulletin
жамиятнинг ҳаёти ва фаолиятининг en statistical data
муайян соҳасини тавсифловчи en bulletin
тезкор статистик маълумотларни fr tableau statistique
ташқил этадиган бюллетень-жадвал.
- 3.2.5.3.2 **бюллетень-хроника** (Йқм. *ахборот* en Newsletter
бюллетени): Нашр тувчи fr chronique
ташқилотнинг фаолиятини ақс
эйтирувчи хабарларни ўз ичига
олган бюллетень.
- 3.2.5.3.3 **норматив бюллетень:** Норматив, де normatives Bulletin
директив ёки йўриқнома en legislation bulletin
характердаги материалларни ўз fr bulletin officiel
ичига олган, одатда, бирон-бир
давлат органи томонидан
чиқариладиган бюллетень.
- 3.2.5.3.4 **реклама бюллетени** (Йқм. *ахборот* de Werbungsbulletin
бюллетени): Буюмлар, хизматлар, en advertising bulletin

	тадбирларга бўлган талабни ҳосил қилиш мақсадида, эътиборни ўзига тортадиган шаклда ифодаланган улар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган бюллетень.	fr	publicité
3.2.5.3.	маълумот бюллетени (Йкм. <i>axborot byulleteni</i>): Тез қидириб топиш учун қулай тартибда жойлаштирилган, бирон-бир маълумот материаллари ўз ичига олган бюллетень.	dc en fr	Informationsblatt reference bulletin antenne, guide
3.2.5.4	календарь: Ушбу йилнинг кун, ҳафта, ойлари кетма-кетликдаги рўйхатини ўз ичига олган даврий маълумот нашр. Изоҳлар 1 Календарлар йиллик, ойлик, ҳафталик бўлиши мумкин. 2 Календарлар бир марта босиб чиқарилиши мумкин. 3 Календарлар қўшимча маълумотларни ўз ичига олиши мумкин.	de en fr	Kalender calendar calendrier
3.2.5.4.1	аҳамиятли саналар тақвими: Унутилмас воқеалар ва ушбу воқеалар тўғрисидаги маълумотлар билан боғлиқ бўлган йил кунларининг танланган рўйхатини қўшган йиллик, чораклик, ойлик, ҳафталик календарь.	dc en fr	Kalender der denkwürdigen Daten memorial data calendar calendrier contenant les événements importants
3.2.5.4.2	китоб туридаги календарь: Муайян мавзу ва (ёки) китобхон манзилига мувофиқ танланган материалларни ўз ичига олган китоб нашри кўринишида чиқариладиган йиллик-календарь.	dc en fr	Buchkalender almanac in book form almanach, annuaire
3.2.5.4.3	узиб олинадиган/варақланадиган календарь: Ҳар бир кун (ҳафта, ой) учун алоҳида узиб олинадиган/варақланадиган варақлари ажратилган, деворга осиладиган ёки стол устига қўйиладиган шаклдаги йиллик-календарь.	de en fr	Abreiss-/Umlege- kalender tear-off/loose-leaf calendar éphéméride

- 3.2.5.4.4 **табель-календарь:** Жадвал шаклида ойлар бўйича жойлаштирилган йил кунларининг рўйхатини ўз ичига олган варақли нашр кўринишидаги йиллик-календарь. de Tabelkalender
en calendar
fr calendrier

3.2.6 Материал конструкцияси бўйича босма нашрларнинг турлари

- 3.2.6.1 **журнал наشري:** Ушбу даврий нашрнинг спецификасига мослаштирилган, белгиланган форматдаги босма материалнинг варақлари корешогида блок кўринишида бириктирилган, муқова ёки калин муқовадаги нашр. de Zeitschriftenausgabe
en journal type edition, magazine

Изоҳ – Белгиланган формат деб норматив ҳужжатлар билан регламентланган, нашрнинг муайян турини учун қабул қилинган ўлчамлар тушунилади.

- 3.2.6.2 **китоб наشري:** Муқова ёки жилдда бўлган, турли форматдаги босма материал варақларининг корешогида бириктирилган блок кўринишидаги нашр. de Ausgabe in Buchform
en edition in a book form
fr édition en form de livre

Изоҳ - Босма материал варағи деб, юзасида тамга бўлган қоғоз варағи ёки унинг синтетик ўрнини босувчи, картон, мато тушунилади.

- 3.2.6.3 **варақли нашр:** Бириктирилмасдан турли форматдаги босма материалнинг бир ёки бир нечта варақлари кўринишидаги нашр. de Einzelblatt, Loseblattausgabe
en loose-leaf edition
fr feuille volante

- 3.2.6.3.1 **буклет (Йкм. брошюра):** Икки ёки ундан кўп букилишларга турли усулда фальцовка қилинган босма материалнинг бир варағи кўринишидаги нашр. de Booklet
en booklet, pamphlet
fr feuillet

- 3.2.6.3.2 **газета наشري:** Ушбу даврий нашрнинг спецификасига нашриёт томонидан мослаштирилган, белгиланган форматдаги босма материалнинг бир ёки бир нечта варақлари кўринишидаги варақли нашр. de Zeitungsausgabe
en newspaper type edition journal

Изоҳ – Айрим ҳолларда босма материал варақларининг бириктирилиши қўлланилади.

Бунда «газета-журнал наشري» атамасидан фойдаланилади.

- 3.2.6.3.3 **варақча наشري:** Юқори қалинлик-даги материалда белгиланган форматда босилган варақча кўриниши-даги варақчи наشر.
- 3.2.6.3.3.1 **откритка:** Бир ёки икки томонида босилган варақча наشري.
- 3.2.6.3.4 **китоб хатчўпи:** Қалин қоғозда босилган наشرдаги зарур бўлган бетни белгилаш учун хизмат қиладиган ва турли хил тасвирларни ва/ёки реклама маълумотларини ўз ичига олган узайтирилган форматдаги варақчи наشر.
- 3.2.6.3.5 **плакат:** Кўرғазмага кўйиш учун мўлжалланган, варақнинг бир ёки икки томонига босилган, белгиланган форматдаги босма материалнинг бир ёки бир нечта варақлари кўринишидаги варақчи наشر.
- 3.2.6.4 **иккита киришга эга бўлган китоб/журнал:** Матнлар муқова ёки муқова қопқоғининг икки томонидан бошланган наشر, бунда матнларнинг ҳар бири ўзининг титул варағига ва ўз рақамланishiга эга.
Изоҳ – Иккита киришга эга китобда турли хил титул варақлар ва матнлар билан битта орқа ва иккита олд муқова қопқоғи бўлиши мумкин.
- 3.2.6.5 **ўйинчок-китобча:** Болаларнинг ақлий ва эстетик ривожланиши учун мўлжалланган, ўзгача конструктив шаклга эга бўлган наشر.
Изоҳ – Ҳайвон-китобчаларнинг куйидаги турлари мавжуд: расм-китобча, бўяладиган китобча, пардача-китобча, гармонча-китобча, пирндок-китобча, ўйин учун мўлжалланган китобча, панорама-китобча, эрмак-китобча, фиура-китобча, ясалган китобча.
- 3.2.6.6 **комбинацияланган наشر:** Босма матн билан бир каторда кассета,

диска ёзилган товуш ёзуви ва/ёки слайд, плёнка, дискета кўринишидаги бошқа материал ташувчилардаги тасвирларга эга бўлган нашр.

- 3.2.6.7 **комплект нашр:** (Йкм. *пакка, альбом, увраж*) Пакка, ғилоф, бандеролга тўпланган ёки муковаланган нашрларнинг мажмуи. de komplette Ausgabe
en loose-leaf encased set
fr relier mobile, livre à feuillets mobiles
- 3.2.7 Формат бўйича босма нашрларнинг турлари**
- 3.2.7.1 **кичик форматдаги нашр:** Формати 100×100 мм дан кўп бўлган, лекин 60×90/32 (107×140 мм) дан кўп бўлмаган нашр de kleinformatige Ausgabe
en small paperedition
fr petite édition
- 3.2.7.2 **чўнтак нашри:** Чўнтакда олиб юриш учун мўлжалланган, йўлда ўқиш учун қулай бўлган кичик форматдаги нашр. de Taschenausgabe
en pocket edition
fr édition de poche
- 3.2.7.3 **миниатюра нашр:** Формати 100×100 мм дан кўп бўлмаган нашр. de Miniaturausgabe
en miniature edition
fr édition miniature
- 3.2.7.3.1 **мнтий-китобча:** Формати 50×60 мм дан кўп бўлмаган нашр.
- 3.2.7.4 **портатив нашр:** Ахборотнинг катта ҳажмини ўз ичига олган ва амалий фаолиятнинг турли шароитларида фойдаланиш учун мўлжалланган, зич ёзилган, формати катта бўлмаган нашр.
- 3.2.7.5 **фолиант:** Қоғоз варағининг ½ қисмини ташкил этадиган форматдаги нашр de Foliant
en folio volume
fr volume in-folio
- 3.2.8 Расмийлаштириш характери ва матбаа бажарилиш усули бўйича босма нашрларнинг турлари**
- 3.2.8.1 **пейпербек:** Оммавий ададда чиқарилган, қоғоз муковадаги чўнтак нашри. de Paperback
en paperback edition
fr livre broché
- 3.2.8.2 **тўлдирилган нашр:** Тўлдирилган бадий расмийлаштиришда ва матбаа шаклида: оригинал матн, янги гарнитуралар шрифтиларидан фойдаланган ҳолда юқори сифатли қоғозда чиқарилган нашр.
- 3.2.8.2.1 **кнпсек:** Безатилиб расмийлаштирилган de Prachtausgabe

	китоб/альбом.		en de luxe edition
			fr édition de luxe
3.2.8.3	факсимиль нашр: Ўхшатишни ^{нг} максимал даражаси билан асл (оригинал) нусхани: унинг ўлчамлари, қоғознинг ташки кўриниши, муковаси, матннинг ва иллюстрацияларнинг барча хусусиятлари, вақтнинг қолдирган излари, фойдаланиши бўйича аке эттирувчи нашр.	de	faksimile Ausgabe
		en	facsimile edition
		fr	édition en facsimilé
3.2.8.3.1	репринт нашр; кр.ф. репринт: Чикарилиши аке эттириш учун танланган нашр варақларини репродукция йўли билан амалга ошириладиган нашр.		
3.2.8.4	ксилографик китоб: Магнн ва иллюстрациялари ёғочдаги гравюра техникасида бажарилган нашр.		
3.2.8.5	литографик нашр: Матнн ва иллюстрациялари литография усулида босиб чикариладиган нашр.		
3.2.9 Муаллиф, ноширга тегишлилик бўйича нашрларнинг турлари			
3.2.9.1	аноним нашр: Муаллиф исми, шунингдек ношир, нашр қилинган жойи ва йили кўрсатилмаган ҳолда босилиб чикқан нашр.	de	anonymer Ausgabe
		en	anonymous publication
		fr	publication anonyme
3.2.9.2	хусусий нашр: Бир вақтнинг ўзида ношир бўлган муаллиф томонидан ўз маблағларига чикарилган нашр.	de	eigene Ausgabe
		en	author's edition
		fr	édition à compte d'auteur
3.2.9.3	хаёт вақтидаги нашр: Муаллифнинг хаёт вақтида босилиб чикқан нашр. Изоҳ – Хаёт вақтидаги нашр муаллифлаштирилган (муаллиф томонидан маъқуланган) ва муаллифлаштирилмаган бўлиши мумкин.	de	zu lebzeitenerschiene
		en	Ausgabe
		fr	lifetime edition
			édition du vivant
3.2.9.4	вафотидан кейинги нашр: Муаллиф асарининг вафотидан кейин босилиб чикарилган нашри.	de	Ausgabe aus dem Nachlass
		en	posthumous edition
		fr	édition posthume
3.2.9.5	идорага тегишли нашр: Идора	de	Behördendruck

- (муассаса, ташкилот)нинг грифи билан
 чиқарилган ва, одатда, ушбу
 муассасанинг фаолияти билан боғлиқ
 бўлган нашр. en departmental
 publication
 fr publication
 officielle
- 3.2.9.6 **биргаликдаги нашр:** Икки ёки бир
 нечта ноширлар (нашриётлар ёки
 хусусий шахслар)нинг помидан
 чиқарилади-ган, нашр устида
 биргаликдаги муаллифлик ва таҳририй-
 нашриётчилик ишيني, бутун нашрга ёки
 унинг қисмига бериладиган муаллифлик
 ҳуқуқларида биргаликдаги ноширлар-
 дан ҳар бирининг кагнашишини
 мўлжаллаган нашр. de Gemeinschaftsausga
 be
 en joint publication
 fr coédition
- 3.2.9.7 **фирма нашри:** Саноат ёки савдо-сотиқ
 фирмаси томонидан чиқариладиган ва у
 чиқарадиган ёки сотадиган маҳсулоти
 тўғрисидаги маълумотларни ёки ушбу
 фирманинг фаолиятига тегишли
 маълумотларни ўз ичига олган нашр. de Firmenausgabe
 en firm publication
 fr publication de
 firme
- 3.2.9.8 **контрафакт нашр; руҳсат берилмаган
 нашр:** Муаллиф ва нашриёт
 ҳуқуқларига эга бўлган шахсларнинг
 руҳсатсиз чиқарилган нашр ёки
 адалнинг қисми.
- 3.2.10 Мурожаат қилиш характери бўйича нашрларнинг турлари**
- 3.2.10.1 **беуул нашр:** Китобхонларнинг муайян
 доираси ўртасида беуул тарқатиладиган
 нашр. de unentgeltliche
 Ausgabe
 en free of charge
 publication
 fr publication gratuite
- 3.2.10.2 **бестселлер:** Оммавий адал билан
 чиқарилган, кенг китобхонлар доираси
 учун мўлжалланган ва катта талабга эга
 бўлган китоб нашри. de Bestseller
 en bestseller
 fr livre à succès
- 3.2.10.3 **буқинистик китоб:** Истеъмолда бўлган
 ва такроран фойдаланиладиган китоб. en second-hand book
 fr livre d'occasion
- 3.2.10.4 **қўлёзма ҳуқуқларидаги нашр:** Матн
 билан олдиндан тапишини мақсадда
 шахсларнинг тор доираси ўртасида
 тарқатиш учун чегараланган адалла
 кўпайтирилган ҳужжат.

- 3.2.10.5 **рақамланган нашр:** Ҳар бир нусхаси de numerierte
ўз тартиб номерига эга бўлган, титул Ausgabe
варағида, орқасида ёки муқовасида en numbered
ёзилган ёки цггамиланган нашр. publication
Изоҳ – Нашр ададиниң фақат бир қисми fr publication
рақамлангани мумкин. numérotée
- 3.2.10.6 **обуна нашри:** Олдиндан обуна бўлиш de Subskriptionsausgabe
бўйича тарқатиладиган нашр. subscription edition
en édition
souscription
fr
- 3.2.10.7 **подир нашр:** Нусхаси кам миқдорда de seltenes Buch
сақланган ёки чиқарилган ва маълум en rare book
қийматга эга бўлган нашр. fr livre rare
- 3.2.11 Бирон-бир воқеа-ҳодиса ёки шахс учун атаб чиқарилган
нашрларнинг турлари**
- 3.2.10.11.1 **мемориал нашр:** Бирон-бир воқеа- de Memorialausgabe
ходисани нишонлаш ёки қандайдир en memorial edition
шахснинг хотирасига бағишланган fr mélanges offerts à
нашр.
- 3.2.10.11.2 **юбилей нашри:** Бирон-бир воқеа- de Jubiläumsausgabe
ходиса, шахс, ташкилотнинг en jubilee edition
юбилейига бағишланган ва, одатда, fr publication
яқшироқ расмийлаштирилган нашр. jubilaire

Ўзбек тилидаги атамаларнинг алифбо кўрсаткичи

адад	3.1.1
алифбе	3.2.4.3.4.1.1
альбом	3.2.3.5.1
<i>альбом</i>	3.2.6.7
альманах	3.2.4.3.6.1
амалий йўл-йўриқ	3.2.4.3.3.3
амалий қўланма	3.2.4.3.3.2
<i>антология</i>	3.2.4.3.6.2
асарлар тўплами	3.2.4.6.3
атлас	3.2.3.5.2
анатомик атлас	3.2.3.5.2.1
астрономик атлас	3.2.3.5.2.2
афиша	3.2.4.3.5.4
ахборот характери	3.1.6
<i>ахборот бюллетень</i>	3.2.5.3.2
	3.2.5.3.4
	3.2.5.3.5
ахборот вақани	3.2.4.4.5.1
адабий-бадний журнал	3.2.5.2.1
аукцион каталоги	3.2.4.3.5.3.2.1
атамалар луғати	3.2.4.3.5.2.3
адабий-бадний нашр	3.2.4.1.4
академик нашр	3.2.4.6.1
алоҳида нашр	3.2.4.6.6
амалий-иншлаб чиқарини нашри	3.2.4.1.5
аноним нашр	3.2.9.1
асл нашр	3.2.4.5.1
ахборотга оид нашр	3.2.4.1.11
аҳамиятли саналар тақвими	3.2.5.4.1
ботаник атлас	3.2.3.5.2.3
бадний альбом	3.2.3.5.1.3
бадний репродукция	3.2.3.5.8
букинистик китоб	3.2.10.3
бестселлер	3.2.10.2
библиографик нашр	3.2.4.4.1
Брайль шрифтидаги нашр	3.2.3.4
<i>босма графика</i>	3.2.3.5
босма каталог вақачаси	3.2.4.4.3
брошюра	3.2.4.7.2
<i>брошюра</i>	3.2.6.3.1

буқлет	3.2.6.3.1
бюллетень	3.2.5.3
бюллетень-жадвал	3.2.5.3.1
бюллетень-хроника	3.2.5.3.2
библиографик кўрсаткич	3.2.4.4.2
бепул нашр	3.2.10.1
библиографик шарҳ	3.2.4.4.4.1
библиофил нашр	3.2.4.2.7.1
биобиблиографик маълумотнома/луғат	3.2.4.3.5.3.5
биографик маълумотнома/луғат	3.2.4.3.5.3.6
биргаликдаги нашр	3.2.9.6
биринчи нашр	3.2.4.8.1
биринчи алохида нашр	3.2.4.8.1.1
бир томли нашр	3.2.4.6.5
болалар ва ўсмирлар учун нашр	3.2.4.2.3
босма нашр	3.1.1.1
<i>варақ</i>	3.2.4.7.3
варака	3.2.4.7.3
варақча	3.2.4.7.3
варақли нашр	3.2.6.3
варақча нашри	3.2.6.3.3
вафотидан кейинги нашр	3.2.9.4
газета	3.2.5.1
гравюра	3.2.3.5.5
газета нашри	3.2.6.3.2
географик атлас	3.2.3.5.2.4
<i>график нашр</i>	3.2.3.5
лаврийлик	3.1.4
дайжест	3.2.2.3
дарслик	3.2.4.3.4.1
диссертация автореферати	3.2.4.3.1.7
давлат библиографик кўрсаткичи	3.2.4.4.2.1
давомли нашр	3.2.1.4
лаврий нашр	3.2.1.3
лаврий бўлмаган нашр	3.2.1.1
дам олиш учун нашр	3.2.4.1.13
ёшиқ серия; кутубхона	3.2.4.6.8.2
журнал	3.2.5.2
журнал нашри	3.2.6.1
зоологик атлас	3.2.3.5.2.5
ихтисослаштирилган газета	3.2.5.1.2
илмий-оммабоп журнал	3.2.5.2.4

илмий журнал	3.2.5.2.3
ижтимоий-сиёсий журнал	3.2.5.2.2
ишлаб чиқариш-амалий журнал	3.2.5.2.5
илова	3.2.4.6.7
иш дафтари	3.2.4.3.4.2.3
идеографик лугат	3.2.4.3.5.2.2.1
ндорага тегишли нашр	3.2.9.5
изоҳли лугат	3.2.4.3.5.2.2.5
иккита киришга эга бўлган китоб/журнал	3.2.6.4
илмий нашр	3.2.4.1.2
илмий-бадий нашр	3.2.4.3.6.4
илмий-оммабоп нашр	3.2.4.1.3
илмий ишлар тўплами	3.2.4.3.1.2
илмий конференция (съезд, симпозиум)	3.2.4.3.1.6
маърузалари/хабарларининг тезислари	
йўриқнома	3.2.4.3.2.1
йўриқнома-методик нашр	3.2.4.3.3.1
каталог	3.2.4.3.5.3.2
<i>каталог</i>	3.2.4.3.5.3.3
каталог-проспект	3.2.4.3.5.3.3
календарь	3.2.5.4
кутубхона каталоги	3.2.4.3.5.3.2.2
кўрғазма каталоги	3.2.4.3.5.3.2.3
кнпсек	3.2.8.2.1
кириш	3.2.4.3.1.5
китоб	3.2.4.7.1
ксилографик китоб	3.2.8.4
китоб хатчўпи	3.2.6.3.4
комбинацияланган нашр	3.2.6.6
комшект нашр	3.2.6.7
конференция (съезд, симпозиум) материаллари	3.2.4.3.1.3
ксилография	3.2.3.5.5.1
кутубхона	3.2.4.6.8.2
кўп томли нашр	3.2.4.6.4
кўрғазмали қўлланма	3.2.3.5.7
китоб савдоси библиографик кўрсаткичи; китоб савдоси каталоги:	3.2.4.4.2.3
кенгайтирилган нашр	3.2.4.8.2.6
китоб нашри	3.2.6.2
кичик форматдаги нашр	3.2.7.1
контрафакт нашр; рухсат берилмаган нашр	3.2.9.8
кутубхона учун нашр	3.2.4.2.4

кўзи ожизлар нашри	3.2.4.2.5
кўп тилли нашр	3.2.4.5.3
кулубхона серияси	3.2.4.6.8.1
китоб туридаги календарь	3.2.5.4.2
линогравюра	3.2.3.5.5.2
лингвистик атлас	3.2.3.5.2.6
литография	3.2.3.5.5.3
луғат	3.2.4.3.5.2
литографик нашр	3.2.8.5
маълумот бюллетени	3.2.5.3
музей каталог	3.2.4.3.5.3.2.5
мавзил/телефон дафтари	3.2.4.3.5.3.1
митти-китобча	3.2.7.3.1
<i>луғат-маълумотнома</i>	3.2.4.3.5.2
масалалар тўплами	3.2.4.3.4.3.1
махсус газета нашри	3.2.5.1.3
маълумотнома	3.2.4.3.5.3
максадли вазифаси	3.1.5
$7 \cdot 10^{-8}$ г/м² – ок-қора негативли кино- ва фотоҳужжатлар ва сугурта нусхалари учун;

$7 \cdot 10^{-9}$ г/м² – рангли негативли кино- ва фотоҳужжатлар учун.

Кумушнинг қолдиқ тузлари бўлмаслиги керак. Кумушнинг қолдиқ тузлари мавжудлигини аниқлаш ГОСТ 25063.3 бўйича ўтказилиши керак. Назорат намунасида қолдиқ маҳсулотлар нормадан ошқик экинлиги аниқланса, ҳужжатларга такоран ишлов берилади ва ҳужжатларнинг кейинги назорати ўтказилади.

4.3 Ҳужжатларни реставрациялаш ва консервациялашдан кейин ишлов беришнинг қанчалик самара берганлигини ҳамда ҳужжатда ишлов бериш натижасида пайдо бўлган янги шикастларнинг йўқлигини аниқлаш мақсадида уларнинг техник ҳолати қайта назоратдан ўтказилиши керак. Назорат натижаларини техник ҳолат далолатномаларида қайд этилади (1-5 иловаларга қар.).

4.4 Техник ҳолат далолатномаларида фотокатлам таркибида кимёвий-фотографик ишлов бериш қолдиқ маҳсулотларининг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмаганда ёки уларнинг таркиби нормадан ортиқ бўлганда сугурта нусхалари стандартнинг 4.1-бандига мувофиқ консервацияланиши керак.

5 Ҳужжатларнинг ўрвланишига қўйиладиган талаблар

5.1 Ҳар бир ҳужжат аввал бирламчи, кейин иккиламчи ўрвланиши керак. Бирламчи ўров ҳужжатларга бевосита тегиб туради ва уни чап ҳамда намликдан сақлайди, иккиламчи ўров ҳужжат ва бирламчи ўровни механик шикастланиш, ёруғлик ва атроф-муҳитнинг бошқа таъсирларидан сақлайди.

5.2 Сақлап бирлиги бўлган ҳар бир алоҳида физик ҳужжат герметик бўлмаган индивидуал ўровга жойлаштирилган бўлиши керак.

5.3 Киноҳужжатлар ва микрофильмлар стандарт ва ҳимоя рақордлари билан расмийлаштирилган бўлиши, фотографик қатлами ташқарига қаратилган ҳолда ўзакка рулон қилиб ўралган бўлиши керак. Ўрам йўналиши – охиридан бошига қараб бўлади. Ўрам зич, рулон ёнларидан чиқиб турадиган бурмаларсиз бўлиши керак.

5.4 Ўрвлан материаллари кимёвий инерт бўлиши, таркибида хлор, азот, олтингургург пероксидлари бўлмаслиги, биозарарлар пайдо бўлишига, ўров ичига ёруғлик тушишига йўл қўймаслиги керак.

Ўровлаш материаллари сиртининг гадур-будурлиги хужжатлар эмульсия катламининг абразив шикастларига олиб келмаслиги ёки унга ёпишмаслиги керак.

5.5 Ўровлашнинг асосий тавсифлари 1- ва 2-жадвалларда келтирилган.

1-жадвал. Бирламчи ўровлаш тавсифи

Хужжат номи	Ўровлаш мақсади	Ўровлаш тури	Ўровлаш материаллари
Хавфсиз асосдаги кинохужжатлар ва микрофильмлар	1. Чанг билан ифлосланишдан сақлаш	Ўрам	ГОСТ 20263, ГОСТ 3479 бўйича юпка қоғоз
	2. Намлик, зарарли газлар, ифлослашдан сақлаш	Кўйикатламни слимланган пакет	Полиэтилен + алюмин фольга + полиэтилен-рефортаг
Фотонегативлар диапозитивлар ва микрофишалар	Чанг билан ифлосланишдан сақлаш	Конверт	ГОСТ 892 бўйича калька
		Ўрам	ГОСТ 20363, ГОСТ 3479 бўйича юпка қоғоз
Шишадаги фотонегативлар	Шунинг ўзи	Конверт	ГОСТ 10354 бўйича полиэтилен,
		Ўрам	ГОСТ 7730 бўйича триацетат ГОСТ 3479, ГОСТ 20263 бўйича юпка қоғоз

2-жадвал. Иккиламчи ўровлаш тавсифи

Хужжат номи	Ўровлаш тури	Ўровлаш материаллари
Кинохужжатлар	ГОСТ 4097 бўйича кути	-
Микрофильмлар	ГОСТ 13.1.505 бўйича кути	-
Фотонегативлар, диапозитивлар, микрофишалар ва шишадаги фотонегативлар	Конвертлар, пакетлар ва папкалар	Мукова қоғози, ГОСТ 20283 бўйича А маркази, ГОСТ 7362 бўйича перфокарта қоғози, ГОСТ 597 бўйича чизмачилик қоғози (В ва О, N ₁ ва N ₂ маркази), ГОСТ 7277 бўйича В ва Вс марказдаги расм қоғози, ГОСТ 7950 бўйича А, Б ва В марказдаги муковалаш картони, ГОСТ 2824 бўйича ЭВ марказдаги электр изоляцияли варақли картон.

5.6 Пакетлар ва конвертларнинг тузилиши елим чоклари ва елимланадиган элементларнинг минимал сонини таъминлаши керак. Елимнинг фотоқатламга тўғридан-тўғри тегиб туришига йўл қўймаслик керак. Желатин, поливинилацетат ва ацетилцеллюлоза асосидаги елимдан фойдаланиш тавсия этилади.

Латекс асосидаги силикат, казеин ва резина елимларнинг ишлатилишига йўл қўйилмайди.

5.7 Рангли тасвирларга эга фотохужжатлар ёруғликни ўтказмайдиган қоғозли қистирмалар билан қўшимча ҳимояланган бўлиши керак.

5.8 Маркалаш ўровга ажралиб турувчи рангдаги бўёқ билан ҳужжатнинг зарур идентификацион маълумотларнинг, шунингдек, ёнги жихатидан хавфли асосдаги ҳужжатлар учун «Ёнги жихатидан хавфли» индексининг туширилиши орқали амалга оширилади. Хавфли ва хавфсиз асосга эга плёнкалар биргаликда монгаж кишиган ҳолларда кинохужжатлар ўрови ҳам худди шундай маркаланиши керак.

6 Ҳужжатларни сақлаш шарт-шароитлари

6.1 Ҳужжатларни сақлаш режими ҳарорат-намлик, ёруғлик ва санитар-гигиеник режимларнинг норматив параметрларини сақлаш орқали таъминланади. Ҳужжатлар сақланадиган хоналар ва уларда ҳужжатларни жойлаштиришга қўйиладиган талаблар б-нловада келтирилган.

6.2 Ҳужжатларни сақлашнинг ҳарорат-намлик режимини барқарорлаштириш мақсадида уларни сақлаш хоналарига жойлаштиришдан олдин очиқ ўровда (20 ± 3)⁰С ҳароратда ҳамда рангли кино- ва фотохужжатлар учун ҳавонинг (25 ± 5) фоиз нисбий намлигида, оқ-қора ҳужжатлар ҳамда суғурта нусхалар учун ҳавонинг (35 ± 15) фоиз нисбий намлигида янги иқлимга мослаштириш зарур.

Кинохужжатларни ва ўрамли микрофильмларни янги иқлимга мослаштириш давомийлиги 10 кеча-кундуздан, фотохужжатлар ва микрофишалар учун 24 соатдан кам бўлмаслиги керак.

6.3 Ҳарорат-намлик режими

6.3.1 Кино- ва фотохужжатлар ҳамда микрофильмларни уларнинг асос турига (хавфли, хавфсиз) ҳамда тасвир турига (оқ-қора ёки рангли) мувофиқ турли хил ҳарорат режимига эга ҳолда ҳужжатлар сақланадиган жойнинг турли хил хоналарида сақлаш тавсия этилади. Ҳужжатлар сақланадиган жойнинг барча хоналарида ҳавонинг нисбий намлиги 40-50 фоиз бўлиши керак.

6.3.1.1 Хавфли асосдаги ҳужжатларни қуйидаги ҳароратдан юқори бўлмаганда сақлаш тавсия этилади:

+ 10⁰С – оқ-қора;

- 5⁰С – рангли.

6.3.2 Технологик ишлов бериш даврида $(20 \pm 5)^0$ С хароратда ва ҳавонинг (5 ± 10) фоиз нисбий намлигида бошқарилмайдиган харорат-намлик режими билан хоналарда ҳужжатларни вақтинча (2 ойгача) сақлашга йўл қўйилади.

6.3.3 Ҳужжатларни сақлашда бир кеча-кундуз давомида хароратнинг $(\pm 5^0$ С) ва ҳаво нисбий намлигининг $(\pm 10$ фоиз) кескин ўзгаришига йўл қўймаслик керак. Сақлашнинг харорат-намлик режими бузилганда ҳужжатлар сақлашга олиб қўйилишдан олдин ушбу стандартнинг 6.2-бандига мувофиқ климга мослаштиришдан ўтказилиши зарур.

6.3.4 Сақлашнинг харорат-намлик режимини назорат қилиш ва рўйхатга олиш бир кеча-кундузда камида бир марта $\pm 5^0$ С хароратни ўлчаш аниқлигини ва ± 2 фоиз нисбий намликни таъминлайдиган ўлчов асбоблари ёрдамида амалга оширилиши керак. 25 м² майдондаги сақлаш хонасида камида бир комплект ўлчов асбоблари бўлиши керак.

6.4 Ёруғлик режими

6.4.1 Сақлаш хоналарини ёритиш ташқи сирти силлиқ бўлган ёник плафонлар билан сунъий ёруғлик манбалари ёрдамида амалга оширилиши керак.

Сақлаш хоналари, ўқув заллари ва архивнинг болка хоналарига куёш нурунинг тўғридан-тўғри тушишига йўл қўйилмайди. Хоналарни куёш нури ёрдамида табиий ёритилишига деразаларда нурни таркатувчи мосламалар ўрнатилиши шарти билан йўл қўйилади.

6.4.2 Жавонлар, стеллажларни ёритилганлиги 20 лк, йўлакларнинг ёритилганлиги - 50 лк, иш ўринларининг ёритилганлиги - 100 лк дан кам бўлмаслиги керак.

6.5 Санитария-гигиена режими

6.5.1 Сақлаш хоналарида ҳафтада камида бир марта бутун хонани қурук йиғиштириш (чангютгич билан); бир ойда камида бир марта ускуналарни намли тозалаш; хар куни полларни ҳўл лагта билан артиш керак.

6.5.2 Сақлаш хонасига ва бошқа иш хоналарига кириш вақтида кийим ва оёқ кийими алмаштирилиши лозим.

6.5.3 Ҳужжатларни сақлаш давомида уларнинг ўровлари ҳолати доимо кузатиб турилиши керак. Ўровда шикастлар, занг, деформациялар аниқланганда, у дарҳол алмаштирилиши керак.

7 Ҳужжатларнинг техник ҳолатини назорат қилиш

7.1 Кино- ва фотоҳужжатлар ҳамда микрофильмларнинг бутлигини таъминлаш ва уларда пайдо бўладиган нуқсонларни ўз вақтида аниқлаш мақсадида ҳужжатлар сақлаш жараёнида даврий назоратдан ўтказиб турилиши керак.

7.2 Сақлаш жараёнида ҳужжатларнинг техник ҳолатини назорат қилиш даврийлиги қуйидагича белгиланади:

2 йилда 1 марта – ёнгин жихатидан хавфли асосдаги ҳужжатлар учун;

5 йилда 1 марта – бошқа асосдаги ҳужжатлар учун.

Ёнгин жихатидан хавфли асосдаги барча ҳужжатлар назорат қилиниши лозим. Бошқа асосдаги ҳужжатларни назорат қилиш мудлати улар ишлаб чиқилган йилига боғлиқ равишда белгиланади. Нуқсонлар, айниқса кимёвий-биологик характерга эга нуқсонлар (сарғайиш, моғорлаш, қат-қат ажралиши) аниқланганда, шу йилда чиқарилган ўхшаш шароитларда сақланаётган барча ҳужжатлар назоратдан ўтказилиши керак.

7.3 Ҳужжатларнинг бутун ҳажми 5 йилда камида 1 марта назоратдан ўтказилиши керак.

7.4 Техник ҳолат назоратининг амалга оширилиши вақтида қуйидагиларни текшириш зарур:

1) ҳужжатлар ўровининг ҳолатини;
2) химоя ва стандарт рақордларнинг мавжудлигини;
3) фотоқатлам ва асос сиртипинг техник ҳолатини (механик шикастлар, ифлосланишлар);

4) ёнгин жихатидан хавфли асоснинг барқарорлигини;
5) геометрик ўлчамларни (перфорация қадами, ҳар бир сақлаш бирлигининг узунлиги);

6) биологик ва кимёвий нуқсонларнинг мавжудлигини (микрорганизмлар, ҳашаротлар ва кемирувчилар томонидан зарарланиши, тузларнинг кристаллашиши ҳамда кимёвий-фотографик ишлов бериш қолдиқ маҳсулотларининг чириш изларини);

7) перфорация йўлаклари ва елимлаб уланган жойларнинг техник ҳолатини;

8) фотографик тасвир сифатини.

7.5 Барча турдаги ҳужжатларнинг техник ҳолатини назорат қилиш акс эттирилган ёруғликда кўздан кечириш билан амалга оширилиши керак. Шёнкали асосдаги ҳужжатлар акс эттирилган ёруғликда кўздан кечирилганидан кейин махсус аппарат билан ўтувчи ва акс эттирилувчи ёруғликда – монтаж столида, ёритилган экранда, КП-8 туридаги нусха кўчирини станогида кўриб чиқилиши керак. Зарур ҳолларда липейка, шкалати лупа, микроскопдан фойдаланиш керак.

7.6 Назорат қилиш натижаларига кўра таъмирлаш ва консервациялашни ўтказиш зарурияти тўғрисида ҳудоса чиқарилади ва навбатдаги техник текширувни ўтказиш муддатлари белгиланади. Маълумотлар техник ҳолат данолатномаларида қайд этилади (1÷5 иловадар).

8 Ҳужжатларни фойдаланишга тайёрлаш

8.1 Доимий сақланишдаги кино- ва фотоҳужжатлар ҳамда микрофильмлар ҳисобдан ўтиши, техник ҳолати назорат қилиниши, шунингдек улардан нусха олиниши лозим.

8.2 Ҳужжатларнинг сугурта нусхаларидан фойдаланишга фақат асл нусхалари йўқолган ёки шикастланган ҳолатдагина йўл қўйилади.

8.3 Сақлаш хоналари ва хизмат хоналарида ҳароратларнинг турлилиги гуфайли намлик конденсацияланишининг олдини олиш учун ҳужжатлар фойдаланишдан олдин иқлимга мослаштирилиши керак.

8.4 Мусбат ҳароратда сақланаётган ҳужжатларни иқлимга мослаштириш тўлиқ очик ўровда камида бир кеча-кундуз давомида амалга оширилиши керак.

Манфий ҳарорат ва ҳавонинг паст нисбий намлиги (40 фоиздан кам)да сақланаётган ҳужжатларни иқлимга мослаштириш икки босқичда амалга оширилиши керак. Бунда дастлабки 3 соатда (ҳароратга мослаштиришда) кино- ва фотоҳужжатлар ёпиқ ўровида ушлаб турилади. Ушлаб туришнинг павбатдаги босқичида ҳужжатлар ўровдан тўлиқ бўшагилади ва белгиланган ҳарорат ва ҳавонинг нисбий намлигида камида:

- киноҳужжатлар ва ўрамли микрофильмлар – 10 кеча-кундуз очик кутиларда;

- фотоҳужжатлар ва микрофишалар – 1 кеча-кундуз сақланади.

8.5 Ҳужжатлар фойдаланишга берилгандан кейин техник ҳолат назоратидан ўтказилиши, зарурат туғилса, реставрацияланиши керак.

9 Ҳавфсизлик чоралари

9.1 Кино- ва фотоҳужжатлар ҳамда микрофильмларга ишлов бериш, сақлаш, улардан фойдаланиш ва транспортда ташиш вақтида ёнадиган, портловчи ҳамда тез ёнувчи моддалар билан ишлаш қоидаларига риоя қилиниши керак.

9.2 Ҳужжатларни сақлаш, транспортда ташиниш ва фойдаланиш вақтида уларнинг ўров ичида силжиши, зарбалар ва тебранишлар, нам, зарарли газлар, чанг ва кўбик нурларнинг ўтиши, шунингдек, ўров ичида конденсацияли намлик ҳосил бўлиши эҳтимоли мустасно этилиши керак.

9.3 Кино- ва фотоҳужжатлар ҳамда микрофильмлар билан ишлаш вақтида уларнинг шикастланиши ва ифлосланишини мустасно этиш мақсадида умумий эҳтиёткорликка риоя қилиш лозим.

1-илова
(тавсия этиладиган)

Идора номи
Ташкилот номи

Киноҳужжатнинг техник ҳолати
ДАЛОЛАТНОМАСИ

(сана) _____ -сон

Киноҳужжат келган сана _____

Киноҳужжат тайёрланган санаси _____

Тузилди _____

лавозими, исм-шарифи, фамилияси

Киноҳужжат _____

архивга оид, ишлаб чиқариш рақами

Номи _____

Кисмлар сони _____ -сон кисм _____ Метраж _____

Фильм материали тури _____

чегатив, контратип, рангли ёки оқ-қора, товушли ёки

товушсизлигини кўрсатган ҳолда оралик позитив

Асос тури _____

ёнғин жиҳатидан хавfli ёки хавфсиз

Плёнка тури _____

маҳаллий ёки хорижийлигини кўрсатган ҳолда

Босиб чиқарилган _____

негативдан, контратипдан ва б., қачон

Текширилди _____

иш тури

Текшириш натижалари куйидагилар:

Сана	Ўлчанаётган участка	Усадка, фоз	Сана	Ўлчанаётган ўлчаётган	Усадка фоз

1*-СОН НУҚСОН ҚАЙДНОМАСИ

Режа рақами	Нуқсонлар
-------------	-----------

* 2, 3- нуқсон қайдномаси ва х. заруратдан келиб чиққан ҳолда 1-сон нуқсон қайдномаси шакли бўйича алоҳида варақларга тўлдирилади ҳамда ушбу далолатномага қўшиб қўйилади. Агар нуқсон қайдномаларининг сони 2 тадан ошса, уларнинг рўйхати тузилади.

НУҚСОН ҚАЙДНОМАЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ

Назорат санаси	Қайднома рақами	Назорат мақсади	Техник ҳолати тўғрисидаги хулоса	Текширувчининг имзоси

ОПТИК ЗИЧЛИКЛАР

Сана	Текширилаётган участкаларнинг координаталари	Зичликлар			Сана	Текширилаётган участкаларнинг координаталари	Зичликлар		
		Ж	П	Г			Ж	П	Г

Тузувчининг лавозими

Имзо

Имзонинг расшифровкаси

2-илова
(тавсия этиладиган)

Ташкилот номи _____

Киноҳужжат суғурта нусхасининг техник ҳолати
ДАЛОЛАТНОМАСИ

Далюлатнома тузилган сана _____

Киноҳужжат номи _____

Қисмлар сони _____ -сон қисм _____ Метраж _____

Асл нусхани сакловчи архив номи _____

Асл нусханинг архив рақами _____

Асл нусханинг тури _____

Асл нусханинг формати _____

Нусхани тайёрлаш санаси _____

Тайёрловчи _____

Суғурта нусханинг тури: копратип, дубль-позитив (кераксизи ўчирилсин)

Суғурта нусха ташувчисининг тури ва маркаси _____

Асос тури _____

Тайёрлашдаги фотографик сифат тўғрисида хулоса _____

Қолдиқ тиосульфат натрийнинг миқдори _____

Кумуш тузларининг мавжудлиги _____

НУҚСОН ҚАЙДНОМАСИ

Текширув санаси	Қисм рақами	Метражи	Елимли уланмалар сони	Режалар рақами	Техник ҳолат		Ракордлар
					асос	эмульсия қатлами	
1	2	3	4	5	6	7	8

Нуқсон қайдномасининг давоми

Усадка, фоиз	Реставрацион ишлов беришнинг зарурати тўғрисида хулоса	Назоратчи имзоси	Реставрацион ишлов бериш санаси	Реставратор имзоси	Эслатма
9	10	11	12	13	14

ОПТИК ЗИЧЛИКЛАР

Сана	Текширилаётган участка координаталари	Зичлиги

3-илова

(тавсия этиладиган)

Ташкилот номи _____

Сугурта нусхасининг раками _____

**Сугурта фонди микрофильмининг техник ҳолати
ДАЛОЛАТНОМА СИ**

Далолатнома тузилган сана _____

Асл нусхани сақловчи архив номи _____

Микрофильм тайёрланган сана _____

Тайёрловчи _____

Метраж _____ Кадрлар сони _____

Микрофильм тапувчисининг тури ва маркаси _____

Асос тури _____

Микрофильмининг шартли белгиси _____

Кичрайтириш масштаби _____

Тест-объектнинг мавжудлиги ва тавсифи _____

Қолдик тиосульфат натрийнинг миқдори _____

Кумуш тузларининг мавжудлиги _____

Текширувчининг имзоси

Текши- рув сана- си	Усадка фоиз	Асос- нинг техник ҳолати	Эмульсия- нинг техник ҳолати	Елимли уланмалар- нинг техник ҳолати	Елимли уланмалар- нинг сони	Перфорация- нинг техник ҳолати	Ракорд- лар
1	2	3	4	5	6	7	8

Давоми

Реставрацион ишлов беришнинг зарурати тўғрисида хулоса	Назоратчи имзоси	Реставрацион ишлов бериш сапаси	Реставратор имзоси	Эслатма
9	10	11	12	13

ОПТИК ЗИЧЛИКЛАР

Сапа	Текширилаётган участка координаталари	Зичлиги	
		Е1 эталони	Е2 эталони

4-илова
(тавсия этиладиган)

Ташкилот номи _____

Фотоҳужжат асл нусхасининг техник ҳолати
ДАЛОЛАТНОМАСИ

Далолатнома тузилган сана _____

Сақлаш бирлигининг архив рақами _____

Фотоҳужжат тури _____
негатив, конратип, позитив, диапозитив

ок-қора, рангли

Суратга олинган сана _____

Фотографик сифат _____

Сиргининг техник ҳолати _____

Реставрацион ишлов бериш зарурати тўғрисида хулоса _____

Лавозими _____ Имзо _____ Имзонинг расшифровкаси _____

Сана _____

_____ Реставрацион ишлов беришнинг тури _____

Лавозими _____ Имзо _____ Имзонинг расшифровкаси _____

Сана _____

Реставрацион ишлов бериш патижалари _____

Лавозими _____ Имзо _____ Имзонинг расшифровкаси _____

Сана _____

5-илова
(тавсия этиладиган)

Ташкилот номи _____

Фотохужжат суғурта нусхасининг техник ҳолати
ДАЛОЛАТНОМАСИ

Далолатнома тузилган сана _____

Асл нусхани сакловчи архив номи _____

Асл нусханинг архив раками _____

Асл нусханинг тури _____

Асл нусханинг формати _____

Нусха тайёрланган сана _____

Тайёрловчи ташкилот _____

Суғурта нусхаси ташувчисининг тури ва маркаси _____

Асос тури _____

Суғурта нусхасини тайёрлаш усули _____

Суғурта нусхасининг формати _____

Текширув санаси	Фотографик сифат	Техник ҳолати	
		асослар	эмульсия катлами
1	2	3	4

Давоми

Ишлов бериш зарурати тўғрисида ҳудоса	Назоратчи имзоси	Ишлов берилиш санаси	Реставратор имзоси
5	6	7	8

6-илова
(тавсия этиладиган)

**Ҳужжатларни сақлаш ва уларни жойлаштириш учун мўлжалланган
бино ва хоналарга қўйиладиган талаблар**

1 Архивлар бинолари

1.1 Кино- ва фотоҳужжатлар ҳамда микрофильмлар сақланишини таъминлаш мақсадида улар бу ҳужжатларни сақлаш учун махсус қурилган ёки уларни сақлашга мослаштирилган ҳарорат – намлик режими тартибга солинадиган биноларга жойлаштирилиши керак. Архивлар биноларини лойиҳалаштириш, қуриш ва таъмирлаш амалдаги қурилиш нормалари ва қоидалари, шунингдек ушбу стандарт талабларига мувофиқ ўтказилиши керак.

1.2 Архивлар бинолари жойлашган район ҳавони чанг ва зарарли газлар билан ифлослантирадиган саноат қорхонларидан, шунингдек, ёнғинга нисбатан хавfli бўлган объектлардан узоқда бўлиши керак. Районнинг архивлар жойлашиши учун яроқлилиги санэпидстанция хулосасига мувофиқ белгиланади.

2 Ҳужжатларни сақлаш учун мўлжалланган хоналар

2.1 Ҳужжатларни сақлаш учун мўлжалланган хоналар ҳужжатларни сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланишнинг барча турлари учун мўлжалланган ишчи хоналар комплексида иборат бўлиши керак.

2.2 Барча хоналарда тортувчи-чиқарувчи вентиляция, сақлаш хоналарида ва ҳужжатлар узоқ вақт давомида (бир неча соатдан кам бўлмаган) турадиган хоналарда ҳавони кондицияланиши кўзда тутилиши керак.

2.3 Деворлар, поллар, хонанинг ички арматураларини қоплаш материаллари чанг йиғувчи ёки чанг манбаи бўлмаслиги керак.

2.4 Ҳужжатларнинг асл нусхалари ва суғурга нусхаларини махсус жиҳозланган хоналарда алоҳида сақлаш лозим.

2.5 Кино- ва фотоҳужжатларни сақлаш хоналари бошқа хоналардан ажратилган бўлиши керак. Ёнғин жиҳатидан хавfli асосдан қилинган ҳужжатлар бошқа ҳужжатлардан алоҳида изоляцияланган (ёнғинга чидамли боксларда, камраларда) хоналарда сақланиши керак. Ушбу хоналарнинг қуйи зонасидан ҳаво тортишнинг қўшимча чораларини кўриши керак.

Ёнғин жиҳатидан хавfli асосдан қилинган плёнкалар учун мўлжалланган хоналар ва бошқа турдаги ҳужжатларни сақлаш хоналари умумий шамоллатиш қаналларига эга бўлмаслиги керак.

2.6 Сақлаш хоналари хонага чанг, аммиак, олтингугурт, водород, азот оксидлари, олтингугурт гази, симоб буглари киришининг олдини оладиган техник воситалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

3 Сақлаш хоналарининг ускунаси

3.1 Сақлаш хоналарининг ускунаси кинохужжатлар ҳамда ўрамли микрофильмларнинг горизонтал ва микрофильмларни вертикал жойлаштириш имкониятини таъминлаши керак.

3.2 Кино- ва фотохужжатлар ҳамда микрофильмлар картотека туридаги суриладиган қутиларда, шкафларда, сейфларда, стеллажларда ва энциклари ёпиладиган жавонларда сақланиши лозим. Очiq жавонлар ва стеллажларни кино- ва фотохужжатлар ёпиқ қутилар ҳамда контейнерларда жойлаштирилиши шарт билан қўллашга рухсат берилади. ГОСТ 13.1.505 бўйича қутиларга ўрланган ўрамли микрофильмлар ГОСТ 13.1.506 бўйича жавонда сақланиши керак.

3.3 Сақлаш хонаси бир ва икки томонли стеллажлар билан жиҳозланган бўлиши керак.

3.3.1 Стеллажлар деразалари бўлган ташки деворларга перпендикуляр ҳолатда ўрнатилади. Агар сақлаш хонасида деразалар бўлмаса, стеллажларни ўрнатиш вақтида сақлаш хонаси майдонидан максимал фойдаланиш принциpidан келиб чиқиш керак.

3.3.2 Стеллажлар ва хоналар конструкциясининг элементлари йўлаклар билан ажратилади. Йўлаклар кенлиги куйдагилардан кам бўлмаслиги керак:

0,75 м - стеллажлар орасида;

1,20 м – стеллажларнинг ён томонлари орасида (бош йўлак);

0,75 м - девор ва деворга параллел бўлган икки томонли стеллажлар орасида;

0,50 м – девор ва стеллаж ён томони орасида.

3.3.3 Девордан унга параллел бўлган бир томонли стеллажгача бўлган масофа 0,05 м дан кам бўлмаслиги, полдан стеллажнинг пастки тоқчасигача – 0,20 м дан кам эмас, иситиш ва шамоллатиш тизимларидан стеллажгача – 1,00 м дан кам бўлмаслиги керак.

3.4 Хужжатларни сақлаш учун мўлжалланган жиҳозларни тайёрлаш материаллари ёнмайдиган ва зангламайдиган бўлиши керак. Хужжатларнинг бузилишига олиб келадиган моддаларни ажратувчи материалларни қўллаш тавсия этилмайди.

3.5 Кондициялаш мавжуд бўлганда сақлаш хоналаридаги жиҳозлар шундай жойлаштирилиши керакки, буида хавонинг барча жавонлар, тоқчалар ва қутилар бўйича ички айланиши таъминланиши лозим. Жиҳозлар хавонинг шкафлар, тоқчалар ва қутилар ичига киришини таъминлайдиган шамоллатиш тирқишларига эга бўлиши керак. Бундай тирқишларнинг мавжудлиги ёнги хавфсизлиги ва гидрохимоя талабларига зид бўлмаслиги керак.

ДА В Л А Т Л А Р А Р О С Т А Н Д А Р Т

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими**

ФОНО- ВА ВИДЕОҲУЖЖАТЛАР

**Архивда сақлашга қўйиладиган
умумий техник талаблар**

**Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш
бўйича давлатлараро кенгаш
Минск**

Сўз боши

1 Давлат архив хизматининг Бутунроссия техник хужжатлар илмий-тадқиқот маркази, ТҚ 191 «Илмий-техник ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши» томонидан ИШЛАБ ЧИКИЛГАН

Россия Давстандарти томонидан КИРИТИЛГАН

2 Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаш томонидан КАБУЛ КИЛИНГАН (1995 йил 26 апрелдаги 7-95-сон баённома)

Қабул қилиш учун овоз берганлар:

Давлат номи	Стандартлаштириш бўйича миллий орган номи
Беларусь Республикаси	Белстандарт
Қозғоғистон Республикаси	Қозғоғистон Республикаси Давстандарти
Россия Федерацияси	Россия Давстандарти
Украина	Украина Давстандарти

3 Россия Федерацияси Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Қўмитасининг 1995 йил 18 октябрдаги 544-сон қарори билан ГОСТ 7.68-95 давлатлараро стандарти 1996 йил 1 июлдан бевосита Россия Федерациясининг давлат стандарти сифатида амалга киритилган.

4 БИРИНЧИ МАРТА КИРИТИЛГАН

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими

ФОНО- ВА ВИДЕОҲУЖЖАТЛАР

Архивда сақлашга қўйиладиган умумий техник талаблар

System of standards information, librarianship and publishing
Photo and video documents
General technical requirements for archive storage

Жорий этиш санаси 1996-07-01

1 Қўллаш соҳаси

Ушбу стандарт ҳужжатларнинг қуйидаги турларини архивда сақлашга қўйиладиган талабларни белгилайди:

- кенглиги 6,2 мм бўлган магнит тасмасидаги фоноҳужжатларнинг асл нусхалари;
- кенглиги 8; 12,7; 19,05; 25,4 ва 50,8 мм бўлган магнит тасмаларидаги видеоҳужжатларнинг асл нусхалари;
- кинофильмларга овозли ахборотни магнит қайта ёзишнинг асл нусхалари (25 ва 16 мм ли тасмаларда);
- грампластинкалардаги фоноҳужжатлар;
- магнит тасмалари ва металл грамаслнусхалардаги сугурта нусхалари.

Стандарт фотографик ёзиш усулида, ковак мумли цилиндрга механик ёзиш ёрдамида тайёрланган фоноҳужжатларга, шунингдек, фойдаланиш фондининг нусхаларига тааллуқли эмас.

Фотографик ёзиш мтоди билан тайёрланган фоноҳужжатларни давлат томонидан сақлаш қондалари ГОСТ 7.65 талабларига мувофиқ келиши керак.

Ушбу стандарт давлат ва идоравий сақлашда бўлган Архив фонди давлат қисмининг барча ҳужжатларига тааллуқлидир.

2 Норматив ҳаволалар

Ушбу стандартда куйидаги стандартларга ҳаволалардан фойдаланилган:

ГОСТ 7.65–92 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Микрошакллардаги киноҳужжатлар, фотоҳужжатлар. Архив сақлашга қўйиладиган умумий талаблар.

ГОСТ 1908 -88 Бумага конденсаторная. Общие технические условия.

ГОСТ 4097–78 Коробки для киноплёнок, магнитных лент и плёночных материалов. Технические условия.

ГОСТ 7933–89 Е Картон коробочный. Технические условия.

ГОСТ 8433–81 Вещества вспомогательные ОП-7 и ОП-10. Технические условия.

ГОСТ 9421–80 Картон тарный плоский склеенный. Технические условия.

ГОСТ 10354–82 Пленка полиэтиленовая. Технические условия.

ГОСТ 12796–93 Сердечники для намотки магнитной ленты шириной 6,30 мм. Технические условия.

ГОСТ 20283–89 Е Бумага обложечная. Технические условия.

3 Умумий қоидалар

3.1 Давлат томонидан сақланиши керак бўлган фоно- ва видеоҳужжатларни сақлашни таъминлаш мақсадида куйидагиларни амалга ошириш лозим:

ҳужжатларнинг техник ҳолатини баҳолаш, уларни таъмирлаш ва консервация қилиш, ўрвлаш, сақлашнинг норматив тартибини таъминлаш, ҳужжатларнинг техник ҳолатини назорат қилиш, ҳужжатларни фойдаланиш учун тайёрлаш.

3.2 Ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилиш ва тайёрлашда уларнинг техник ҳолатининг назоратини ўтказиш, сақлаш жараёнида эса - даврий назоратни ўтказиш лозим.

3.3 Сақлашга тайёрлаш вақтида фоно- ва видеоҳужжатлар реставрация ва консервация қилиниши лозим:

- магнит тасмадаги фоно- ва видеоҳужжатларни чангдан тозалаш ва қайта ўраш;

- грампластинкалар ва металл грамаслўсхалардаги фоноҳужжатларни ифлосланишлардан тозалаш;

- мавжуд ҳарорат-памлиқ шароитидаги иқлимга мослаштириш;

- ўрвлаш.

4 Хужжатларнинг техник ҳолатини баҳолаш

4.1 Хужжатлар сақлаш хоналарига жойлаштириштидан аввал уларнинг техник ҳолати баҳоланиши керак.

4.2 Хужжатларнинг асл нусхалари ва суғурта нусхаларининг техник ҳолати хужжатларни сақлашга қабул қилиш вақтидан уч ойдан кўп бўлмаган муддатда баҳоланиши керак.

4.3 Техник ҳолатни баҳолаш жараёнида хужжатлар техник ҳолатининг уларга илова қилинадиган техник ҳолат тўғрисидаги далолатномалардаги маълумотларга мувофиқлиги белгиланади.

Изоҳ - Айрим ҳолларда техник ҳолат тўғрисидаги далолатнома хужжатларни сақлашга қабул қилиш вақтида баҳолашни ўтказиш жараёнида тузилиши мумкин. (А, Б иловаларга қар.)

4.4 Баҳолаш натижалари бўйича тегишли маълумотлар техник ҳолат далолатномасига киригилади ва хужжатларни реставрация қилиш бўйича ишлар комплекси белгиланади.

5 Хужжатларни реставрацион ва консервацион-профилактик қайта ишлаш

5.1 Реставрацион ва консервацион-профилактик қайта ишлаш ўз ичига қуйидаги ишларни олади:

магнит тасмадаги хужжатлар учун:

- сиргини чанг ва кирдан қўлда ёки махсус тозалаш ускунасида тозалаш;

- қуриган ва тирналган елимни уланмаларни алмаштириш;

- қайта ўраш;

- магнит тасма ўрамларини икки томонидан 2–2,5 мм дан химояловчи магнит тасма билан қоплаш;

грампластинка ва грамаслинухалардаги фонохужжатлар учун:

- чангдан тозалаш;

- антистатик билан артиш;

грамаслинухалар учун:

- электрохимёвий тозалаш;

видеохужжатлар учун:

- юзасини чанг ва ифлосланишлардан тозалаш;

- қайта ўраш.

5.2 Қайта ўраш хужжатларни сақлаш ва тапиш вақтида ҳаво ҳарорати ва намлигининг ўзгариши натижасида келиб чиқадиغان магнит тасма ўрамларидаги ички кучланишларни бартараф этиш мақсадида амалга оширилади.

5.3 Хужжатлар юзасини ифлосланишлардан тозалаш хужжатни сақлаш ва тиклаш вақтида сақланиш муддатиши узайтириш ва унинг сиртида шикастлар пайдо бўлишининг олдини олиш мақсадида ўтказилади.

5.4 Магнит тасмадаги фоно- ва видеохужжатларни қайта ўрашни белгиланган тортиш қонуни билан ишлайдиган махсус ускуналарда ва тасма юзасини механик тозалаш учун мўлжалланган ускуналар билан амалга ошириш керак. Қайта ўрашни, шунингдек, ўрашнинг бир текис зичлигига эга силтанишларсиз, созланган магнитофонда ҳам ўтказиш мумкин.

Фоно- ва видеохужжатларни ўраш бир текис, зич, чстидан чиқиб турмайдиган ўрамлар ва поғоналарсиз бўлиши керак.

5.5 Профилактик мақсадларда магнит тасмадаги хужжатларни қайта ўраш ва тозалаш даврийлиги хужжатлардан фойдаланиш жадаллиги ва уларни сақлаш шарт-шароитлари билан боғлиқ равишда - 2-4 йилда бир мартани ташкил килади.

5.6 Грампластинкалар ва грамаслнусхалар навбатдаги ҳар бир қайта эшиттиришдан аввал ГОСТ 8433 бўйича махсус таркиб билан, масалан, 2 фоизли ОП-10 ёрдамчи модданинг сувдаги эритмасида ҳўлланган туксиз мато билан артилиши керак. Артишдан олдин матони яхшилаб сикиш лозим.

6 Хужжатларни ўровланга қўйиладиган талаблар

6.1 Фоно- ва видеохужжатлар ўрови хужжатларга намлик, чанг кириши, ёруғлик нурлари тушиши эҳтимоллариининг олдини олиши, механик шикастланишлардан ҳимоя қилиши керак. Ўров унинг ичида хужжатларнинг эркин силжишига йўл қўймаслиги керак.

6.2 Кенглиги 6.25 мм бўлган магнит тасмадаги фонограммалар ўзакка ГОСТ 12796 бўйича ўралган бўлиши керак.

6.3 Сақлашга қабул қилинадиган магнит тасмадаги фоно- ва видеохужжатлар ГОСТ 10354 бўйича полиэтилен плёнкадаги пакетга ва заводда тайёрланган қутига ўровланиши ёки ёрликлар учун кесмалари бўлган полиэтилен гилоф (контейнер)га жойланиши керак.

6.4 Кинофильмларга магнит қайта ёзишнинг асл нусхалари ГОСТ 10554 бўйича полиэтилен плёнкадаги пакетларга ва ГОСТ 4097 бўйича металл қутиларга ўровланган бўлиши керак.

6.5 Грампластинкалардаги фонохужжатлар ГОСТ 10354 бўйича полиэтилен плёнкали пакетга ва ГОСТ 20283 бўйича қозоқ конвертга ўровланган бўлиши керак. Грампластинкалар партияси уларнинг архив рақамларига мувофик картон ёки фанера қутиларга жойланган бўлиши керак.

6.6 Металл грамаслнусхалар ГОСТ 1908 бўйича конденсаторли қоғозга ўралган, ГОСТ 7933 бўйича картон конвертга, кейин эса ГОСТ 9421 бўйича қалин картон қутига жойланган бўлиши керак. Механик шикастланишларнинг олдини олиш учун картон конвертнинг ички

томонларидан бири юмшок матоли (фланель, паҳмок ва ш.к.) кистирмага эга бўлиши керак.

6.7 Магнит тасмадаги хужжатларни ўраш учун мўлжалланган ғалтаклар ва кассеталар ёзиларли нуқсонларга (металлнинг тегиб туриши, пачоқликлар, пақл ўзгаришлари, зағ излари ва х.к.) эга бўлмастлиги керак.

6.8 Ўров, ғалтаклар, кассеталар ҳамда фоно- ва видеохужжатларда нуқсонлар аниқланганда нуқсонлар мавжудлиги тўғрисида далолатнома тузилади.

6.9 Хужжаг жойланган ҳар бир қути (ёки конверт) аудиовизуал хужжатлар ва босма асарни таърифлаш элементларига эга материалларни таърифлашнинг амалдаги қоидаларига биноан тузилган ёрлик билан таъминланган бўлиши керак.

Маркаланг ўровга хужжатнинг зарур идентификацион маълумотларини ажралиб турувчи рангдаги бўёқ билан тушириш йўли билан амалга оширилади.

7 Хужжатларни сақлаш тартиби

7.1 Хужжатларни сақлаш тартиби ҳарорат–намлик, ёруғлик ва санитария–гигиена режимларининг норматив параметрларига риоя қилиш орқали таъминланади. Хоналар ва хужжатларни жойлаштиришга қўйиладиган талаблар В иловада келтирилган.

7.2 Хужжатларни ҳарорат–намлик сақлаш режимига мослаштириш мақсадида улар сақлаш хонасига жойлаштиришдан олдин $(18 \pm 2)^{\circ}\text{C}$ ҳарорат ва ҳавонинг (55 ± 10) фоиз нисбий намлигида очик ўровда иқлимга мослаштиришдан ўтказилиши керак. Иқлимга мослаштириш давомийлиги хужжатларнинг бошланғич ҳолатига боғлиқ ва камида 3 кеча-кундузги ташкил этади.

7.3 Ҳарорат–намлик режими

7.3.1 Фоно- ва видеохужжатларни 8 дан 18°C гача ҳароратда ва ҳавонинг 45 дан 65 фоизгача нисбий намлигида сақлаш тавсия этилади.

7.3.2 Хужжатларни сақлашда бир кеча-кундуз давомида ҳароратнинг $(5^{\circ}\text{C}$ дан кўп) ва ҳаво нисбий намлигининг (10 фоиздан ортик) кескин ўзгаришига йўл қўйилмайди. Ташиш ва қайта ишлашда ҳарорат–намлик режими бузилган ҳолда хужжатларни сақлашга қўйишдан олдин уларни ушбу стандартнинг 7.2-бандига мувофиқ иқлимга мослаштиришдан ўтказилиш зарур.

7.3.3 Сақлашнинг ҳарорат–намлик режимини назорат қилиш ва рўйхатга олишни бир кеча-кундузда камида 1 марта ҳароратнинг 5°C ҳамда ҳаво нисбий намлигининг 2 фоиз аниқликда ўлчапишини таъминлайдиган ўлчаш ускуналари ёрдамида амалга оширилиши лозим. Майдони 25 м^2

бўлган сақлаш хонасида ўлчаш ускуналарининг камида бир комплекти бўлиши керак.

7.4 Ёруғлик режими

7.4.1 Хоналарнинг ёритилиши табиий ва сунъий бўлиши мумкин.

7.4.2 Хоналарни ёритиш силлик ташки сиртга эга бўлган плафонлар билан ёпилган сунъий ёруғлик манбалари ёрдамида амалга оширилади.

Сақлаш хонаси, ўқув заллари ва архивнинг бошқа хоналарига қуёш нурининг тўғридан-тўғри тушишига йўл қўйилмайди. Хоналарнинг қуёш нури ёрдамида табиий ёритилишига деразаларда иғурни тарқатувчи мослама ўрнатилиши шарти билан йўл қўйилади.

7.4.3 Шкафлар, стеллажларнинг ёритилганлиги 20 лк дан, йўлакларники - 50 лк дан, иш жойлариники - 100 лк дан кам бўлмаслиги керак.

7.5 Санитария - гигиена режими

7.5.1 Сақлаш хоналарида ҳафтада камида бир марта стеллажли жиҳозларни ва ҳужжатлар жойланган ўровларни қуруқ йиғиштириш (чангтўтич билан), сақлаш хоналарининг полларини ойда камида бир марта ҳўллаб йиғиштириш зарур.

7.5.2 Сақлаш хоналари ва бошқа иш хоналарига киришдан аввал махсус кийимлар ва оёқ кийимларини кийиш тавсия этилади.

7.5.3 Ҳужжатларни сақлашда уларнинг ўрови ҳолатини мунтазам қузатиш зарур. Ўровда шикастлар, занглашлар, шакл ўзгаришлари аниқланганда, у дарҳол алмаштирилиши керак.

8 Ҳужжатларнинг техник ҳолатини назорат қилиш

8.1 Фоно- ва видеоҳужжатларнинг бутлигини таъминлаш ҳамда уларда пайдо бўлган нуқсонларни ўз вақтида аниқлаш мақсадида ҳужжатларни сақлаш жараёнида даврий назоратдан ўтказиб туриш керак.

8.2 Сақлаш жараёнида барча турдаги ҳужжатларни техник назорат қилиш даврийлиги қуйидагича белгиланади:

- грампластинкалар ва металл грамаслусхалардаги фотоҳужжатлар учун - 7 йилда бир марта;

- магнит тасмадаги фоноҳужжатлар ва видеоҳужжатлар учун - 5 йилда бир марта.

8.3 Техник ҳолат назоратини амалга ошириш вақтида қуйидагиларни текшириш зарур:

- ҳужжатлар ўровининг ҳолатини;

- стандарт рақордлар мавжудлигини;

- ҳужжатлар юзасининг техник ҳолатини (ифлосланишлар, механик шикастланишларнинг мавжудлигини);

- магнит тасмалардаги елимли уланмаларнинг техник ҳолатини;

- кенглиги 35 ва 16 мм бўлган магнит тасмаларнинг перфорация кадамни;
- физик–механик тавсифини (тирналиши, иш қатламининг тўкилиши ва бошқаларни);
- кимёвий ҳамда биологик нуқсонлар (микроорганизмлар, ҳашаротлар ва кемирувчилар) билан зарарланишини;
- фоно- ва видеохужжатларнинг электроакустик тавсифини;
- видеоканалдаги видеохужжатлар параметрларини;
- видеохужжатларнинг тасвир сифатини;
- металл грамаслнұсхаларнинг юзасида занглашнинг мавжудлигини.

8.4 Грампластинкалар ва грамаслнұсхалардаги ҳужжатларнинг техник ҳолатини текшириш ёруғлик аксида кўздан кечириш йўли билан амалга оширилиши керак. Зарур ҳолларда чизғич, шкалали лупа, микроскопдан фойдаланиш керак.

8.5 Фонохужжатларнинг электроакустик тавсифларини (частотали бузилишлар, нұсха кўчириш эффекти даражаси, фон ва шовқинлар даражаси, шитир–шитир ва чертишларнинг мавжудлиги, тўхташ шовқини) текширишни тинглаш учун мўлжалланган назорат агрегатларига, кувват кучайтиргичлари, радиокарнайлар ва бошқа зарурий ускуналарга эга бўлган махсус магнитофонларда эшитиб ўтказадилар.

8.6 Видеохужжатларнинг техник кўрсаткичларини текшириш назорат ўлчов ускуналар комплекси: ёзиш формати билан белгиладиган тегишли турдаги видеомангнитофонлар; синов сигналлари генератори; синов сатри сигналларининг ўлчагичи; осциллограф; мониторлар; стандартлар ҳамда видеоёзув тизимларини ўзгартирувчилар; видеоовоз коммутатори; синхронлаш учун мўлжалланган таянчлар; АВК генератори ёрдамида ўтказилади.

8.6.1 Техник назоратдан ўтказилиши керак бўлган видеохужжатлар аввал камида икки кеча-кундуз давомида (18 – 22) °С ҳарорат ва (55 – 65) фоиз нисбий намликда сақлаб турилади.

8.6.2 Кенглиги 50,8 мм бўлган магнит тасмадаги видеофонограммаларнинг сифатини баҳолаш учун «Кадр – ЗПМ» туридаги видеомангнитофондан ёки техник жиҳатдан ундан қолишмайдиган бошқа видеомангнитофондан фойдаланилади.

Кенглиги 25,4 мм бўлган тасмадаги видеохужжаг сифатини баҳолаш учун «Кадр – 103 СЦ» туридаги ёки бошқа техник параметрлари шунга ўхшаш видеомангнитофондан фойдаланилади.

8.6.3 Видеомангнитофонни сошлаш ўлчов магнит тасмалари (ЎМТ) ёрдамида тезкор бошқариш билан видеомангнитофоннинг техник паспорти талабларига (ишлатиш бўйича йўриқномага) биноан амалга оширилади.

8.6.4 Кенглиги 50,8 мм бўлган магнит тасмадаги видеохужжатлар ТУ 84-882 бўйича параметрларга эга техник рақорда сигналларнинг қайта

акс эттирилишини таъминлаши керак. Бунда сигналнинг қайта акс эттирилиши тракти келтирилган ТШнинг 1.7-банди талабларига мувофиқ созланган бўлиши керак.

Объектив тавсифларга эга бўлиш учун синов сатрларининг параметрларини ўлчаш ТУ 84-882 бўйича ўтказилади, шунингдек равшанлик сигналнинг флукуацияли халақитга боғлиқлиги аниқланади.

Кенглиги 25,4 мм бўлган магнит тасмадаги видеохужжатлар сигналларнинг «Кадр-103 СЦ» видеоманитофонида ТШ нормаларига мувофиқ келувчи параметрларга эга техник ракордда сигналларни қайта акс эттиришини таъминлаши керак.

8.6.5 Синов сатри сигналлари ёзувисиз «U-matic-H» форматида бажарилган видеохужжатлар сифатини текшириш монитор экраниди ўтказилади.

8.6.6 «Q» ва «С» форматларига ўхшаш техник ракорд мавжуд бўлмаганда равшанлик сигнални, синхросигнални, қора рангдаги ранглиликнинг модуллашмаган қуйи элтувчилар амплитудасини, дифференциал кучайишни (қора рангдаги модуллашмаган қуйи элтувчи кулочига нисбатан) ўлчашни, рангли полосалар генератори кўринишида бажарилган ракордда ўтказилади.

8.6.7 Видеохужжат текширилганда говушли дастур сигнали эшитганда сезиларли бўлган бузилишлар, фон, шовкин, тикирлашлар, чертишлар бор-йўқлигига, даражаси бўйича (видеоманитофон индикаторларида) баҳоланади. Товуш сигналнинг номинал даражаси техник ракорд бўйича, унинг ўлчов магнит тасмалари даражаларига мувофиқ ўлчанади.

Қайта акс эттиришда видеохужжат тасвирининг ёзилиши ахборотнинг яхши қабул қилинишини таъминлаши керак. Видеоманитофон орқали кўриладиганда равшанлик, контраст ва ранглар узазилиши сифатини пасайтирувчи шовкинлар (горизонтал чизиклар, тебранишлар, равшанликнинг бетартиб бузилишлари ва х.) бўлмаслиги керак.

«Q» форматдаги видеоманитофонда тушиб қолишлар сони 1 минутда 100 тадан (максимал сони 170 бўлганида), «С» ва «U-matic-H» форматидаги видеохужжатда 1 минутда 20 тадан ошмаслиги керак.

Изох - Давомийлиги 10 мкс дан кўп бўлган тушиб қолишлар ҳисобга олинади. Сони ва давомийлиги кўрсатилган даражадан кўпайиб кетган тушиб қолишлар мавжуд бўлганда, видеохужжатга тушиб қолишлар компенсатори ёрдамида ишлов бериш керак.

8.7 Назорат қилиш натижаларига кўра реставрация ва консервация қилишни ўтказиш зарурати тўғрисида ҳулоса қилинади ва хужжатнинг техник ҳолатига боғлиқ равишда павбатдаги техник назоратли ўтказишнинг муддатлари белгиланади. Маълумотлар техник ҳолат дололатномаларида қайд этилади (А, Б иловадар).

9 Хужжатлардан фойдаланиш

9.1 Фоно- ва видеохужжатлар ҳисобга олиниши, техник ҳолати назорат қилиниши, шунингдек, улардан нусха кўчириб олиниши керак.

9.2 Хужжатларнинг сугурта нусхаларидан фойдаланишга фақат асл нусхалари йўқолган ёки шикастланганда йўл қўйилади.

9.3 Ўта муҳим бўлган фоно- ва видеохужжатларнинг асл нусхаларида фойдаланишга фақат уларнинг кўчирма ишчи нусхалари тайёрланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

9.4 Ўта муҳим бўлган барча турдаги хужжатларнинг узоқ вақт сақланишини таъминлаш мақсадида уларнинг кенглиги 6,25 мм (фопохужжатлар) ва 25,4 мм («С» форматдаги видеохужжатлар) бўлган магнит тасмаларида тайёрланган фақат кўчирма ишчи нусхалари фойдаланиш учун берилиши лозим.

9.5 Фоно- ва видеохужжатлар билан ишлашда қуйидаги талаблар бажарилиши зарур:

- овоз ва қайта акс эттирувчи ҳамда назорат аппаратлари тозаликда сақланиши лозим; аппаратлар ва магнит каллақларнинг ташқи ишчи қисмидан ҳар қуни чанг ва ифлосланишлар артилиши керак;

- аппаратларнинг ташқи ишчи қисмида ортиқча буюмларнинг туриши мумкин эмас;

- хужжатлар билан шундай ишлаш керакки, уларнинг юзасида механик шикастлар ва бармоқ излари пайдо бўлишига йўл қўйилмасин;

- хужжатларга белгилар қўйиш, ўрамга хатчўп кистириш, кесиш, қирқиш қатъий ман қилинади;

- магнит тасмасини юлға тушириб юборишга йўл қўйилмайди;

- магнитофоннинг тасма тортиш трактини зарядлашни фақат ҳимоя рақорди билан амалга ошириш зарур;

- хужжатларнинг тўғри тушадиган қуёш нурлари остида, электромагнит майдон манбалари яқинида (электромоторлар, трансформаторлар, кабеллар) ва қиздирувчи ҳамда иситувчи мосламалар ёнида туришига йўл қўйилмайди;

- иш тугагандан кейин аппаратларни қопқок ва ғилофлар билан ёпиб қўйиш лозим.

9.6 Фойдаланиш учун берилгандан кейин хужжатларнинг техник ҳолати назоратдан ўтказилиши, зарурат туғилганда эса, реставрация қилиниши керак.

9.7 Хужжатларни ҳаво ҳарорати паст бўлганда ташигандан кейин механик шикастланишларга йўл қўймаслик, ҳароратнинг турлилиги натижасида хужжатларда намлик тўпланишининг олдини олиш учун уларнинг техник ҳолатини текшириш ва фойдаланишдан олдин ўров ичидаги

хужжатлар 15-25 °С ҳароратда ва 45-65 фоиз нисбий намликда қуйидаги вақтдан кам бўлмаган муддат давомида сақлаб турилиши лозим:

2 соат – грампластинкалар ва грамаслнухжалар учун;

4 соат – магнит тасмадаги фонохужжатлар учун;

24 соат – видеохужжатлар ва кинофильмлар учун қайта ёзиш асл нуسخалари учун.

10 Хавфсизлик чоралари

10.1 Фоно- ва видеохужжатларни қайта ишлаш, сақлаш ва кўчириш вақтида ёнувчи, портловчи ҳамда тез ўт оладиган моддалар билан ишлаш қоидаларига риоя қилиш керак.

10.2 Хужжатларни сақлаш, ташиш ва фойдаланишда уларнинг ўров ичида силжиши, зарблар ва тебранишлар, намлик, зарарли газ, ар, чанг ва қуёш нурларининг ўтиши, шунингдек, ўров ичида конденсацияланган намлик ҳосил бўлиши эҳтимоли бартараф қилиниши керак.

10.3 Фоно- ва видеохужжатлар билан ишлашда уларнинг шикастланиши ва ифлосланишини бартараф этиш мақсадида эҳтиёткорликка риоя қилиш лозим.

10.4 Хужжатлар билан ишлаш ўтказиладиган аппаратура соzланган бўлиши ва ходимларнинг электр токи уришидан химояга эга бўлиши керак.

10.5 Магнит тасмадаги фоно- ва видеохужжатларни ташиш ёзувнинг магнитсизланишига тўсқинлик қиладиган эҳтиёт чораларига риоя қилган ҳолда амалга ошириш лозим. Хужжатларни электрокарларда ва кучли магнит майдон манбаларига бевосита яқинликда ташиш тақиқланади.

Б и л о в а
(маълумот учун)

Видеоҳужжат техник ҳолати далолатномасининг шакли

Архив номи _____

Видеоҳужжат техник ҳолагининг

ДАЛОЛАТНОМАСИ

Видеоҳужжатнинг номи _____
 Магнит тасмасининг тури _____ Тасма кенглиги _____
 Ёзиш формати _____ Сақлаш бирлиги рақами _____
 Лентадаги техник рақорднинг параметрлари

Кўрсаткич	Норма	Натижа	Эслатма
17 ва 330 с даги оқ импульс қулочи	700 ± 10		
Импульс катталиги $\sin^2 2 T$	92 - 108 %		
$\sin^2 2 T$ импульсдан кейин биринчи сапчиш	6 %		
Қуйи эгилувчи нотекислиги $\sin^2 20 T$	6 %		
0,5—4,8 МГц полосадаги АЧХ нотекислиги	$\pm 10 \%$		
Дифференциал кучайиш	6 %		
Товуш каналининг қулочи, дБ	-		

ТНБ бошлиғи _____

имзо, имзонинг очиб ёзилиши, сапа

Видеофонограммани тайёрлаган ташкилот номи _____

Видеоўрам _____ Хронометраж _____ Ёзиш санаси _____

Аппарат хонаси _____ Ёзилган манбаи, вақти _____

	Тасвир ва товуш сифатини баҳолаш (4 ёки 5дан паст)										ТНБ рақами ва сапа	Опера- тор Ф.И.Ш.
	0	10	20	30	40	50	60	70	80	90		
Шовқинлар												
Туниб қолиш												
Тасвир бузилиши												
Анқлик												
Бошқа нуқсонлар (равшанлик, ранглилиги)												
Шигирлаш, товуш шовқиши												
Товушнинг йўқолиши												
Бошқа бузилишлар												

Рулон бўйича бошқа хулосалар _____

Халақитлар сезиларлиги шкаласи: 5 – билинмайди; 4 – деярли билинмайди;
3 – билинади, бир оз халақит қилади; 2 – жуда билинади; 1 – жуда
халақит қилади.

Видеофонограмманинг нуқсон қайдномаси

т/р	Текширув сапаси	Текширув мақсади	Физ. – мех. нуқсонлар мавжудлиги	П – импульс кучуви	Импульс катталиги $\sin^2 2 T$
1	2	3	4	5	6

$\sin^2 2 T$ импульсдан кейин 1-салқин	Куйи эгилувчи нотекислиги $\sin^2 20 T$	0,5–4,8 МГц полосадаги ЛЧХ нотекислиги	Дифферен- циал кучайиш	Товуш канали даражаси
7	8	9	10	11

Умумий баҳо балларда	Профилактик ва реставрацион қайта ишлаш зарурати тўғрисида хулоса	Назорат қилувчи имзоси	Қайта ишлаш санаси ва тури	Реставрация қилувчи имзоси	Эслатма
12	13	14	15	16	17

В илова
(маълумот учун)

**Ҳужжатларни сақлаш ва жойлаштириш учун мўлжалланган
бино ва хоналарга қўйиладиган талаблар**

В.1 Архивлар бинолари

В.1.1 Фоно- ва видеоҳужжатларнинг бутлигини таъминлаш мақсадида ушбу ҳужжатларни сақлаш учун махсус қурилган ёки мослаштирилган, ҳарорат-намлик режими тартибга солинадиган биноларга жойлаштириш керак. Архивлар биноларини лойihalаштириш, қуриш ва қайта таъмирлаш амалдаги қурилиш нормалари ва қоидаларига, шунингдек, ушбу стандарт талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

В.1.2 Архивлар бинолари жойлашадиган ҳудудлар чанг ва зарарли газлар билан ҳавони ифлослантирадиган саноат объектлари, шунингдек, ёнғин хавфи бўлган объектлардан узоқда жойлашган бўлиши керак. Архивларни жойлаштириш учун яроқли бўлган жой санэпидемстанция хулосасига биноан белгиланади.

В.2 Ҳужжатлар сақланадиган бинолар

В.2.1 Ҳужжатларни сақлаш бинолари ҳужжатларни сақлаш, уларга барча кўринишдаги ишлов бериш ва улардан фойдаланиш учун мўлжалланган ишчи хоналар комплексидан иборат бўлиши керак.

В.2.2 Ҳужжатларнинг ҳар хил турларини (магнит тасмадаги фоноҳужжатлар, грампластикалардаги фоноҳужжатлар, магнит тасмадаги видеоҳужжатларни) алоҳида хоналарда сақлаш тавсия этилади.

В.2.3 Барча биноларда оқимли-сўрувчи шамоллатиш мосламаларининг бўлиши, сақлаш хоналарида ҳамда ҳужжатлар узок вақт турадиган хоналарда (бир неча соат) эса - ҳавонинг қондицияланиши назарда тутилиши керак.

В.2.4 Бино деворлари, пол ва шифтлари, ички арматураларини қонлайдиган материаллар чангни йиғмаслиги ёки унинг манбаи бўлмаслиги керак.

В.2.5 Ҳужжатларнинг асл нусхалари ва суғурта нусхаларини алоҳида, махсус жиҳозланган хоналарда сақлаш керак.

В.2.6 Сақлаш хоналари хоналарга чанг, аммиак, олтингугурт, азот, олтингугурт оксидлари, олтингугурт газы, симоб буғлари киришининг олдиди оладиган техник воситалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

В.2.7 Магнит тасмадаги фоно- ва видеоҳужжатларни қучланганлиги 400 А/м дап кўп бўлган магнит майдонида сақлашга йўл қўйилмайди. Доимий ва ўзгарувчан зарарли магнит майдонларининг қучланганлигини ўлчаш учун Ш – 4311 комбинацияланган ракамли асбоб ёки шунга ўхшаш асбоблар қўлланади.

В.3 Сақлаш хоналарининг ускунаси

В.3.1 Сақлаш хоналарининг ускунаси фоно- ва видсохужжатларни кутили ўровда вертикал ҳолатда жойлаштириш имкониятини таъминлаши керак.

В.3.2 Сақлаш хоналари ёнмайдиган, зангта чидамли ва ферромагнит бўлмаган материалдан тайёрланган бир ва икки томонли стеллажлар билан жиҳозланган бўлиши керак.

Стеллажларни уларнинг контурларини магнитсизлантириш ва туташтириш (стеллажнинг металл қисмларини электр симлари билан туташтириш ва срга улаш) шarti билан қўллашга йўл қўйилади.

В.3.3 Стеллажлар куйидагича жойлаштирилиши лозим:

- бинонинг ташки деворларидан –0,7 м дан кам эмас;
- иситиш асбобларидан –1 м дан кам эмас;
